



الله

8-сон Рожаб

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал

Узун-узун карвонлар,
Хазин-хазин замонлар,
Зарбоф-зарбоф чопонлар,
Қатор-қатор аъёнлар,
Үтди кетди ҳоқонлар,
Қанча беку боёнлар...
Бир эл қолди дунёда,
Бир эл қолди, ёронлар!

Ҳалоллигу покликдан,
Уйига эшик этган.
Ўзи эрдай, эр ишлаб,
Тупроқни қўшиқ этган.
Кўқда ой, қуёшларни
Кўркига ошиқ этган,
Юрагида тоғлару
Кўкрагида осмонлар.

Худо ўзи ҳоҳласа
Имконларга еткизгай,
Дарёларга мавж бериб,
Уммонларга еткизгай.
Эл қадрига етгувчи
Султонларга еткизгай,
Толеига битгайдир
Улуғ давру давронлар.

Дилбандлари ўсмоқда,
Кўзлари жонга жондир.
Бирлари Жалолиддин,
Бирлари Шоҳжаҳондир.
Ҳар бири бир қўрғондир,
Қилич бирлан қалқондир
Бу қадду бу қоматлар,
Бу қошлар, бу мижгонлар.

Фарзанд бўлсанг, элга бок,
Элни кўр, элга айлан.
Оlamда нокас ҳам кўп
Элу динидан қайтган,
Сўз қадрига еткувчи
Зотлар ҳам билиб айтган:
Қайдан билсин эл қадрин
Эл кўрмаган нодонлар!

Сирожиддин Сайид



© 2006 www.kanzan.com
«Ҳилол» ойлик электрон журнали
8 сон, Ражаб



www.islom.uz

Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф (*raic*),
Тоҳир Малиқ, Эркин Малиқ, Абдулҳамид Турсун,
Муҳаммад Айюб Усмон, Муҳаммад Зуфар,
Озод Мунаввар, Исломил Муҳаммад Содик
Анвар Аҳмад

«Ҳилол» ойлик электрон журнали.
Муассис: «Ҳилол» нашриёти (Москва)

Бош муҳаррир:

Аҳмад Муҳаммад

Бош директор:

Абу Муслим

Журнални саҳифаловчи:

Жавоҳир Назаров

ОТАНГИЗ РОЗИМИ?

Бу воқеага ҳаж пайти Масжидул-Ҳаромда гувоҳ бўлганман. Пешин намозини кутиб, тиловат ва зикр қилиб ўтирган эдим. Каъбани минг-минглаб ҳожи тавоф қиляпти. Шу пайт ёнгинамизга бир йигит ногиронлар аравачасида ўтирган бир қария билан келиб қолди.

Аравачани сафга қўйиб, ўзи унинг орқасидаги халтачадан кичикроқ тогорача ва сув идиши олди. Кўксига осилган ёрлиқдан унинг Догистондан экани кўриниб турарди. Қизиқсиниб турганимни кўриб, гап очди:

— Отам анчадан буён дард чекадилар. Бу йил ҳажга олиб борасан, келгуси йилгача борманми-йўқми, деб туриб олдилар. Яхшиям, аравача бор экан, шунда ибодат қилдириб юрибман. Бомдод намозига олиб келувдим. Намоздан кейин ухлаб қолиб, таҳоратлари синди. Боҳабар бўлиб турсангиз, мен сув олиб келип таҳорат қилдириб қўядим.

Идишини кўтариб, сувга кетди. Ҳатто қўлларини қимирлатишга кучи етмаётган, нурсиз кўзларини очиб туришга ҳам мажоли қолмаган отахоннинг бунчалик маشاқатли сафарга ғайрат қилганига тасанно айтиб ўтирадим. Шу пайт догоистонлик йигит келди, тогорачани отанинг тиззасига қўйиб, уни таҳорат қилдири бошлади. Кейин тогорачани ерга қўйиб, оёқларини ювишга киришиди. Таҳорат қилдириб бўлгач, сочиқ олиб отахоннинг ювилган аъзоларини бирма-бир артди. Кейин аравачани Каъба тарафга тўғрилади-да, ёнига жойнамоз солиб, ўзи ҳам намоз ўқишига киришиди.

Қари отасини узоқ Догистондан ҳаж қилдиргани аравачада олиб келган, уни ҳар куни ибодат учун Ҳарамга етаклаб келаётган, кунига бир неча марта таҳоратигача қилдираётган баҳтиёр ўғилнинг химматига тасанно айтиб ўтираси, беихтиёр ичимдан шундай оғриқли гаплар отилиб чиқди: «Эй отани ҳурматлашни унугиб қўйган, унга итоат қилмаётган, дилини оғритаётган, улғайтириб-тарбиялаган бузрукворидан хабар олмай, ўз ҳолига ташлаб қўйган, ҳакоратлаётган, ҳатто, қўл кўтаришгача борган, қариялар уйига олиб бориб ташлаган нобакор фарзандлар! Отани ҳурматлашни, унга эҳтиром кўрсатиб, дуосини олишни мана бу йигитдан ўрганинг! Зеро, ота дуоси, унинг розилиги жаннат эшикларининг очқичидир!

Оталар фарзандларининг чин инсон бўлиб улғайишлари, таълим-тарбия олишлари, касбу ҳунар ўрганишлари йўлида жонларини, молларини, куч-ғайратларини сарфлашади. Ўғил-қизларининг ахлоқ-одобини, илм-салоҳиятини ўнглашади. Фарзандга келган бало-қазоларга кўксиларини қалқон қилишади. Шунинг учун уларнинг бу хизматларини билиш ва қадрига етиш, бунинг шукронаси учун уларга итоатда бўлиш, фарзандлик бурчини ўташга ҳамиша шай тuriш лозим. Чунки адолат мезони уларнинг бу ғамхўрлик ва хизматларини муносиб тақдирлашни тақозо этади.

Замон бир жойда қотиб турмайди. Бир куни келиб кечагина нақиран ва бакувват бўлган ота кексайиб, қадди дол бўлади. Соғлиғидан путур, кўзларидан нур кетади, ҳар ишда бошқалар ёрдамига муҳтоҷ бўлиб қолади. Ҳаёт қонунига кўра, кечагина ожиз ва нотавон фарзанд бугун улғайиб, куч-куvvатга тўлади, ақли, фикри, иқтидори юксалади. Ана шундай пайтларда фарзандлар оталаридан инсонлик қарзларини узишлари, яъни уларга чиройли муомала қилишлари, улар шаънига доғ туширмайдиган, муносиб



инсонлар бўлишлари, қўлларидан келганича уларга ёрдам беришлари керак бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг бир неча ояти каримларида ота-оналарга яхшилик қилишни буюрган. Аммо айrim ёшларимиз бу илоҳий амрни унугиб қўйишяпти. Яшириб нима қилайлик, орамизда оталарига қўпол, ёмон муомалада бўладиган, илтимосларини бажаришни «эсдан чиқариб» қўядиганлар ҳам бор. Уларнинг дилини оғритадиган, ўзининг ёмон хулқи билан эл орасида отасини шарманда қиласидиган нобакор фарзандлар ҳам учраб туриши сир эмас. Энг ачинарлиси, баъзи ноқобил ўғил-қизлар бойлик ва имкониятлари бўлатуриб оталари кексайгач, ожиз ва нотавон бўлишганида уларни эъзозлаб парваришиш ўрнига ё қаровсиз ташлаб қўяди ё қариялар уйига жўнатади. Кексайган оталарининг хонадонга келтирадиган баракотларидан манфаатланиш, дуоларини олиш ўрнига, аксинча дийдорига зор қилиб, хўрлайди. **Бу борада Расулуллоҳ (с.а.в.) бундай марҳамат қиласидилар:**

«Оталарингизни ҳурматлаб, уларга яхшилик қилинглар, фарзандларингиз сизларга ҳам яхшилик қилишади».

Ажоддодларимиз оталарга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишида, уларни рози қилиб, фарзандлик бурчларини шараф билан ўтишда қанча авлодларга ибрат ва намуна бўлишган. Умар ибн Зар айтади: «Агар кундузи юрсам, ўғлим одоб юзасидан ортимда келар, кечаси эса менга бирон озор етишидан қўрқиб опдимда борар, мендан юқорида бўлмаслик учун ҳатто мен турган уй томига ҳам чиқмас эди».

Фазл ибн Яхё Бармакий отаси билан тутқунлиқда турганида ҳаво совуқ бўлиб, эрталабки изғиринда таҳорат олишга ота тоқати етмас эди. Шунда ўғли Фазл сувли идишини эрталабга қадар иситиш учун ухламай чироқ ёнида ушлаб турар ва илигач отаси таҳоратига берар эди.

Имом Товус айтади: «Тўрт тоифа инсонларни ҳурмат қилиши суннатdir: олимни, оқсоқолни, сultonни ва отани. Қишининг ота исмини айтиб чақириши қўполликdir».

Ота-онанинг, айниқса оталарнинг фарзанд зиммасидаги ҳақлари ўта муҳим ва эътиборга лойиқдир. Шунинг учун ҳар бир фарзанд ҳамиша улар қўнглини олиш, дуоларига сазовор бўлиш, хизматларида камарбаста туриш, яхши ишлари, ҳадялари билан уларни хурсанд қилиш пайидан бўлишлари лозим. Яхши фарзандлар эса бу яхшиликларни улар вафотидан кейин ҳам давом эттиришади, дуо ва истиғфорда бардавом бўлишади, отанинг дўст ва ақраболарини йўқлаб туришади, солиҳ амаллари билан улар шаънини пок сақлашади.

Халқимизда «Ота рози – Худо рози» деган ажиб ҳикмат бор. Сиз ҳам отангизни рози қилиб, Аллоҳ таоло розилигига эриша олдингизми?

«Албатта، осмонлару Ерни олти кунда яратган، сүнгра Аршни эгаллаган Роббингиз кечә ила кундузни қоплайди. Униси бунисини шошилиб қувлади. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди. Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Робби – Аллоҳ буюкдир»

(Аъроф, 54).

إِنَّ رَبَّكُمْ اللَّهُ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ فِي سِتَّةِ أَيَّامٍ ثُمَّ أَسْتَوَى عَلَى الْعَرْشِ يُغْشِي الْيَلَدَ النَّهَارَ بِطُلُّهُ، حَيْثِ شَاءَ وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ مُسَخَّرَاتٍ يَأْمُرُهُ أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ تَبَارَكَ اللَّهُ رَبُّ الْعَالَمِينَ ۝

۵۴

ОЛАМЛАРНИНГ РОББИ – АЛЛОҲ БУЮКДИР!

Ислом ақийдасига кўра, Аллоҳ таоло ўхшали йўқ Зотдир. Зотининг, сифатининг, амалларининг ҳам монанди йўқ. Ким уни бирор нарсага қиёслашга уринса, кофир бўлади. Шу боисдан, ушбу оятда зикр этилган ва Аллоҳга нисбат берилган ҳодисалар, оятда келганидек, Аллоҳнинг Ўзига хос равиша бўлган, деб тушунилади. Уларни бирор нарсага қиёслашга уриниш айни гуноҳ. Нега, нима учун, деб сўраш ҳам мумкин эмас.

«Албатта осмонлару ерни олти кунда яратган...» Аллоҳ таоло осмонлару ерни яратгани ҳақ. Аммо, қандай усолда яратганини билмаймиз. Демак, ўзига хос бўлган яратиш тадбири билан яратган.

Уларни олти кунда бунёд этганлиги ҳам ҳақ. Аммо, бу кунлар қандай кунлар эканини билмаймиз. Билишга имконимиз йўқ. Бу кунлар ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган кунлардир.

«...сўнгра аршни эгаллаган Роббингиз...» Аллоҳ таоло аршни эгаллагани ҳам ҳақ. Аммо, қандай, нечук эгаллаш эканини билмаймиз. Бу ҳақда сўраб-суриштирмаймиз ҳам. Ўтган салафи солихларимиз бундай масалаларни қўзиганларни бидъат-чи, бузғунчи, фитнакаш, деб атаганлар ва баъзиларини жазолашга ҳукм қилганлар.

Куръони каримда шу маънода бир қанча ояти карималар келиши эътиборидан ушбу жумла ҳақида ҳар бир мусулмон билиши лозим бўлган баъзи маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқдир. Аввало Арш ҳақидаги баъзи маълумотларни ақида китобларимизнинг энг мўътабарларидан ҳисобланмиш «Шарҳи ақийда Тоҳовия» китобидан билиб олайлик:

Шарҳ: «Арш» лугатда подшоҳнинг таҳтини англатади. Аллоҳ таоло Куръонда Сабаъ маликаси ҳақида **«унинг катта арши бор»** (*Намл сураси*, 23) деган. Яъни, маликанинг таҳти бор. Арш, жоҳил файласуфлар айтганидек фалак эмасдир. Улар Аршни тўққизинчи фалак ёки атлас фалаки, дейишган. Араблар Аршни ҳеч қачон бу маънода ишлатишмайди. Куръон араб тилида нозил қилингандир. Арш оёқлари бор таҳт бўлиб, уни фаришталар кўтариб юришади. Арш олам учун худди қуббадек, у маҳлуқотларнинг шифтидир. **Бунга далиллар ушбулардир:**

1. «У зот улуғ Аршнинг эгасидир. Ирода қилган нарсасини қилувчиидир» (*Буруж сураси*, 15-оят)
2. «У зот даражалари юксак, Арш эгасидир» (*Гофир сураси*, 15-оят)
3. «Сўнгра Аршни эгаллади» (*Юнус сураси*, 3-оят)
4. «Ва Арши сувнинг устида эди» (*Худ* сураси, 7-оят)

5. «Хеч бир илох йўқ, фақат У зот – карим Аршнинг Роббиси бор» (*Мўминлар сураси*, 116-оят)

6. «Аршни кўтариётганлар ва унинг атрофидагилар Роббилирига ҳамд ила тасбеҳ айтурлар, Унга иймон келтирурлар ва иймон келтирганлар учун истиғфор айтурлар» (*Ғоғир сураси*, 7-оят)

7. «Ва ўша куни Роббингнинг Аршини саккизтаси устларида кўтарур» (*Ал-Ҳааққа сураси*, 17-оят)

8. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуоларида келган гаплар: «Хеч бир илох йўқ, фақат азийму ҳалийм Аллоҳ бор. Хеч бир илох йўқ, фақат У – улуғ Арш Роббиси бор. Хеч бир илох йўқ, фақат Аллоҳ – осмонлар Роббиси, ер Роббиси ва карим Арш Роббиси бор». (*Бухорий, Муслим*).

9. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, одамлар ўлурлар. Биринчи ҳушига келган мен бўлурман. Қарасам, Мусо Аршнинг сёёкларидан бирини тутиб турган бўлади. Билмадим, у мендан олдин ўзига келганми ёки Турдаги зарба билан кифояланганми?» деганлар. (*Бухорий, Муслим*).«

Юқорида «Шарҳи ақоиди Тоҳовия» китобидан олиб зикр этилган маълумотлардан Арш ҳақида эътиқод қилишимиз лозим бўлган нарсаларни билиб олдик. Энди ушбу ва бошқа ояти карималарда келадиган Аллоҳнинг Аршни эгаллаши ҳақидаги маънони тушунишимиз борасидаги зарур маълумотларни билиб олишимиз лозим.

Аввал таъкидлаб ўтганимиздек, бу маънода ҳам салаф – ўтган мусулмон авлодлар ва уламоларнинг тутган йўллари бор нарсани ўзича қабул қилиш, бошқа нарса ҳақида ўйлаб ҳам ўтирамаслик бўлган. Бу масала «Аршга истиво» масаласи номи билан машҳурdir. Чунки бу ҳақдаги ояти карималарда «Алал Арши истава» бирикмаси Аллоҳ таолога нисбатан ишлатилади. Агар матнни сўзма-сўз таржима қиладиган бўлсак, «Аллоҳ Аршга баробарлашди», маъноси чиқади. Ўтган авлодларда бу маънони Аллоҳнинг Ўзига ҳавола қиласиз, бу ҳақда сўз очмаймиз, деб келишилган. Чунки у вақтда ҳамма яхши тушунчага эга бўлган, содда ҳаёт кечиришган ва турли фитналарга дучор бўлишмаган. Шу билан бирга, ушбу масалани кўтариб турадиган баъзи шахслар ҳам топилган. Лекин кўпчилик уларни фитначи деб номлаб, ўз фикрларини тарқатишларига йўл кўймаган. Шу билан мусулмонлар оммаси тинч-омон юрган.

Бу масалада имом Молик раҳматуллоҳи алайҳининг тутган мавқифлари ҳамманинг таҳсина газовор бўлган. Ривоятларда келишича, бир киши имом Молик раҳматуллоҳи алайҳининг хуурларига кириб, истиво ҳақида сўраган экан. Шунда имом Молик: «Истиво маълум, унинг қандайлиги номаълум. Унга иймон келтириш – вожиб, унинг ҳақида савол бериш – бидъат. Сен бидъатчи экансан, чиқаринглар буни менинг олдимдан!» деган эканлар. Салафи солиҳларимиз шу йўл билан Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг поклиги, ўхшashi йўқлиги ва бошқа барча камолот сифатларига бўлган тўғри эътиқодни сақлаб туришган.

Вақт ўтиши билан Ислом давлати ҳудудлари кенгайиб, турли ҳалқ, дин, фалсафа ва мағкурага эга одамлар ҳам Исломни қабул қилишиб ёки мусулмонлар билан аралашиб яшай бошлашди. Табиийки, улар ўзларининг эски фикр ва тасаввурларидан бирдан ва тўла узилиб чиқа олмас эдилар. Шу билан бир вақтда, Ислом душманлари ҳам доимий равишда турли иғволар қилиб туришар эди. Улар мусулмонларнинг ақийдаларига путур етказиш мақсадида турли шубҳали масалаларни ғоят усталик билан ўртага ташлашар эди. Ана шундай масалаларнинг энг катталаридан бири – Аллоҳ таолонинг сифатларига оид оят ва ҳадисларнинг зоҳирий маъноларини мисол қилиб, мусулмонлар ақийдасига зарар етказишга уриниш бўлди. Аллоҳнинг кўли, кўзи ёки У пок зотга нисбат берилган бошқа сифатларда кишиларни кўплаб залопатта кетказиш бошланди. Анчагина тоифалар бу масалада куфр кетишиди. Энди солиҳ аждодларга имом Моликка ўхшаб: бу

масалада савол бериш бидъатdir, деб фатво чиқариш иш бермайдиган ҳолга келинди. Балки шунга ўхшаш масалада савол сўрамайдиган одамнинг ўзи қолмади.

Ана шундай нозик бир пайтда Абу Ҳасан ал-Ашъарий ва Абу Мансур ал-Мотурудий каби буюк алломалар ақийданинг соғлигини сақлаб қолиш учун катта хизмат қилдилар. Бошқа нозик масалалар қатори Аллоҳ таолонинг сифатларига оид масалада ҳам ҳал қилувчи ечим топдилар. Бузгунчилар Аллоҳнинг Аршга истиво қилиши, унга баробарлашишиди, деган бўлсалар, ҳалаф – кейинги уламоларимиз, йўқ, унда Аллоҳга нуқсон нисбати берилган бўлади, шунинг учун, истивони Аллоҳ таолонинг бошқа баркамол сифатларига мос равиша тушунмоқ керак, дедилар. Шу тариқа, истиво – қувват ва султон ила эга бўлмоқдир, деган таъвиyl қилинди. Бунда ҳам худди салафи солиҳларга ўхшаб Аллоҳ таолони турли нуқсонлардан поклаш қасд қилингандир.

Ҳам салаф, ҳам ҳалаф уламоларимизнинг мақсадлари бир бўлган. Фақат мақсадга етиш учун ўз замонларига ва шароитларига мос йўл тутишган, холос. Сиз билан биз ҳам бу масалада жуда эҳтиёт бўлиб, ихтилоф қилмай иш тутишимиз лозим.

Юқорида саналган ҳодисалардан ташқари, ягона Роббимизнинг қудратига, санъатига, яратувчанлигига далолат қилувчи, биз кўзимиз билан кўриб, ўрганиб хulosа чиқариб олишимиз лозим бўлган сон-саноқсиз мўъжизалар теварак-атрофимизда истаганча бор. «...Роббингиз кечи ила кундузни қоплайди». Чор атроф ёп-ёруғ кундуз эди. Аммо бу ёруғлик саҳнини кечи – тун қоплаб олди. Ким буни қилди? Албатта, Аллоҳ қилди. Буни Үндан бошқа ҳеч ким қила олмайди. Ерни маълум суръатда айланадиган, шу туфайли кечи кундузни ўраб келаверадиган қилиб қўйган Зот Аллоҳдир. Аммо, кўз ўнгиде доимо бир меъёрда такрорланиб турадиган бу амалиётни барпо қилувчини инсон унугиб қўяди. Унинг назарида, бу улкан ҳодиса ўз-ўзидан содир бўлаётганга ўхшаб туюлади. Аммо диққат-эътибор билан назар солса, ҳар доим кечи кундузни шошиб қувлаётганини англаб етади: яъни, «Уни шошиби қувлайди». Шу ҳолнинг ўзиёқ Аллоҳ таолонинг Биру Борлитига далил эмасми? Фақат инсон бир оз эътибор қилиб, назар ташласа, бўлди. Дарҳол англаб етади.

Аллоҳ «куёш, ой ва ўлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди». Уларни Ўзи яратди ва уларга фақат Ўзи амриода қилади. Ҳа, Қуёш ҳам, Ой ҳам, ўлдузлар ҳам қанчалик улкан, қанча кўп бўлмасин, уларни Аллоҳ яратди ва уларнинг устидан фақат Аллоҳнинг Ўзи хукм юргизади. Улар эса, Унинг амрига сўзсиз бўйсунади. Шунингдек, инсон зотини ҳам Аллоҳ таоло ҳалқ қилган ва фақат унинг Ўзигина уларга амр қилиш ҳаққини даъво қилсалар, уларнинг оиласидан баъзи жоҳиллар Аллоҳ амрини қўйиб, ўша даъвогар банданинг амрига юрмоқдалар.

Эй одамлар: «Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосди!» Аллоҳнинг Ўзидан бошқа зот ҳеч нарсани яратади. Ким қилишга ҳам ҳақли. Аммо одам зотидан баъзилари бошқаларига амр қилиш ҳаққини даъво қилсалар, уларнинг оиласидан баъзи жоҳиллар Аллоҳ амрини қўйиб, ўша даъвогар банданинг амрига юрмоқдалар.

Ином Ибн Жарир Тобарий Абдулазиз Шомийнинг отасидан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким қилган яхши амали учун Аллоҳга ҳамд айтмай ўзини мақтаса, куфр келтирган бўлади ва қилган амали бекор кетади. Ким «Аллоҳ бандаларига амр қилиш ҳаққидан бир оз берган», деб ўзича гумон қилса, Аллоҳ Ўз Пайғамбарларига нозил қилган нарсага куфр келтирган бўлади», деганлар. «Оламларнинг Робби – Аллоҳ буюқдир». Демак, жамики нарсани фақат Унинг Ўзидан сўраш, жамики нарсада фақат Унинг арз қилиш керак.

(«Тафсири Ҳилол», 2-жилд)

ЖАННАТ ВА ДЎЗАХ ОРАСИ

Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Бизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадис айтдилар. У зот содиқу масдуқдиirlар: «Сизнинг ҳар бирингизнинг халқ қилиниш моддаси онасининг қорнида маний ҳолида қирқ кун жам қилинади. Сўнгра ана шу мислича алақа (зулусимон қон) бўлади. Сўнгра ана шу мислича музға (чайналган гўшт) бўлади. Сўнгра ичига руҳ пуфланади. Ва тўрт калима: ризқи, ажали, амали ва бадбаҳт ёки некбахтлигини ёзиш амр қилинади. Ундан бошқа илоҳий маъбуд йўқ Зот билан қасамки, бирингиз жаннат аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан жаннат орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, дўзах аҳлининг амалини қиласида, унга киради. Албатта, бирингиз дўзах аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан дўзах орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиб кетиб, жаннат аҳлининг амалини қиласида, унга киради», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ривоят қилишган).

Шарҳ: Абдуллоҳдан ривоят қилинди, дейилса, Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху кўзда тутилган бўладилар. Ушбу ҳадиснинг муқаддимасида ровий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху хабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир сўзлари рост, тасдиқланган зот эканларини таъкидлаб қўймоқдалар. У кишининг: «У зот содиқу масдуқдиirlар», деган гапи шу мъяномони ифода қиласида. Содиқлик сифати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг машҳур, энг кўп тарқалган сифатларидан бири экани яхши маълум. Масдуқликлари, яъни ростгўйликлари тасдиқланган зот эканлари ҳам худди шундай маълум ва машҳурдир. Ровийнинг аввал бу сўзларни айтиб олиб, кейин ўзлари эшигтан ҳадисни ривоят қилишга киришишларидан мақсадлари – бу ҳадисда келадиган маъноларга шакшубҳа бўлмаслиги керак, деганларидир.

Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг илми нақадар чексиз, нақадар шомил, нақадар аниқ экани баён қилинмоқда. Шунингдек, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани аниқ ўлчов билан қилиши, бу ўлчов ўзгармаслиги ҳамда ўша нарсаларни Аллоҳ таоло азалдан қиёматгача аниқ ва равшан билиб туриши баён қилинмоқда. Келинг: ҳадиси шарифда баён этилган фикрлар билан бирин-кетин танишиб чиқайлик:

«Сизнинг ҳар бирингизнинг халқ қилиниш моддаси онасининг қорнида маний ҳолида қирқ кун жам қилинади». Ким жам қиласи? Албатта, Аллоҳ таоло ҳам қиласи. Демак, ҳар бир инсон отасининг сұлбидан маний ҳолида онасининг қорнига-бачадонига ўтиши фақат Аллоҳнинг илми ва тадбири илиа бўлади. Дунёдаги неча миллиардлаб одам ўтган бўлса ҳаммаси шундай бўлган. Ҳозирги лаҳзада дунё бўйича неча сұлбдан қанча маний, неча раҳмга ўтаётган бўлса ҳам Аллоҳ билиб турибди. Лекин манийнинг бачадонга ўтиши бола пайдо бўлди, дегани эмас. Ўша манийдаги уруғлик аёлнинг тухумига урчиши керак. Бу эса, Аллоҳнинг иродасисиз, тадбирисиз бўлмайди. Ота-она жинсий алоқа лаззатини ҳис қилишлари мумкин, лекин маний нима бўляяпти, уруғлик урчияптими, йўқми, буларни била олишмайди. Ҳомила бўлган-бўлмаганини била олмай, аломуларидан биладиганларига мурожаат қиласидилар. Уруғликнинг урчиши ҳақида уларнинг ҳеч қандай илми йўқ. Буни фақат чексиз илм соҳиби – Аллоҳ таолонинг Ўзигина билади. Аллоҳ таоло отанинг сұлбидан ўтган манийни онанинг қорнида қирқ кун жамланиб туришини ирова қилган экан. Ана ўша муддатда турган маний урчиса, ҳомила бўлади. Ундан олдин тушиб кетса, ҳомила бўлмайди. Албатта, бунинг ҳаммаси Аллоҳнинг илми ва қудрати билан бўлади.

«Сўнгра ана шу мислича алақа (зулусимон қон) бўлади». Яъни, юкорида зикр қилинган муддат мислича – қирқ кун алақа ҳолида туради. «Алақа»ни эски китобларимизда «лахта қон» деб айттилган. Араб тилида «Алақа» сўзи зулукни англатади. Ҳа, қон сўрадиган ҳайвон, зулук, арабчада «алақа» дейилади. Қадимги кишилар бачадоннинг ичига зулук нима қиласи, дейишган бўлса керак, унинг моддасини эътиборга олиб «лахта қон» деб айтишган. Илм ривожланниб, ҳозирда бачадон ичини асбоблар билан кўриш ва сувратга олиш имкони туғилди. Ҳомиланинг «алақа»лик ҳолини сувратга туширсалар, бачадон деворига ёпишиб ётган зулук бўлиб сувратга тушган. Дунёнинг кўзга кўринган олимлари ҳадисдаги улкан илмий ҳақиқатга тан бериб, ҳомиланинг бошқа ҳолатларини ҳам ўрганиб

чиқдилар. Ҳомиланинг барча ҳолатлари Қуръон ва Суннатдаги аниқ васф қилинганидай ҳеч бир жойда васф қилинмаганини эътироф қиласидилар. Қуръон ва Суннат оддий нарса эмас, илоҳий мўъжиза эканни таъкидладилар.

Аллоҳ таоло ана ўша сон-саноқсиз бачадонлардаги нутфаларни алақага айланиш жараёнини яхши билиб туради ва тадбирини қиласи. Бу жараённи У Зоти Олийдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳатто аёлларнинг ўзлари ҳам ўз бачадонларидағи нутфа қайсилаҳзада қандоқ қилиб нутфадан алақага айланганини билмайдилар. Битта бачадондаги жараённи бутун дунё бир бўлиб пойласа ҳам, унга аралаша олмайди, анигини билмайди. Аллоҳ таоло эса, ҳамма бачадонлардаги жараённи билиб турувчиdir. Одам дунёга келгандан бери, қиёматгача билувчиdir.

«Сўнгра ана шу мислича музға (чайналган гўшт) бўлади». Яъни, алақа бўлгандан сўнгра ана шу муддат – қирқ кун мислича музға бўлади. Энди зулусимон лаҳта қон бачадонда чайналган гўшт ҳолига айланаби, қирқ кун туради. Бу ҳам олдин васф қилинганидек, фақат ягона Аллоҳ таолонинг илми ва тадбири илиа бўлади. Аллоҳ таоло ирова қилмаса, ҳоҳ нутфалик, ҳоҳ алақалик, ҳоҳ музгалик ҳолида, бошқа ҳолга айланмай бачадондан тушиб кетади. Бечора бачадон эгаси эса, уни тушиш жараёнидаги ўзгаришлардан сезади, холос.

«Сўнгра ичига руҳ пуфланади». Яъни, музға бачадонда қирқ кун тургандан кейин ичига руҳ-жон пуфланади. Ушбу ҳолат энг мухим жарайён ҳисобланади. Бу ҳаётнинг улкан сиридир. Ҳозиргача ҳеч ким жон нима, у инсон ичига қандоқ пуфланади, буни билмайди. Инсон ўзининг узоқ ҳаётни давомида бу сирни англаб етиш учун кўлидан келган ҳамма нарсани қилди, аммо англай олмади. Ҳамма нарсани билишни давво қилаётган инсон шунчалар жоҳил, у дунё сирларини биламан, деб дъяво қиласиди, ақалли ўзини ҳам билмайди. Бу сирни фақат Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина билади. Фақат билибгина қолмай, тадбирини ҳам қиласи.

Ана энди, биз ўрганаётган мавзу, қазо ва қадарга тегишли жараён бошланади. «Ва тўрт калима: ризқи, ажали, амали ва бадбаҳт ёки некбахтлигини ёзиш амр қилинади».

Кимга амр қилинади? Вакил қилинган фариштага амр қилинади.

Ким амр қиласи? Аллоҳ таоло амр қиласи.

Нима амр қилинади? Ёзиш амр қилинади.

Ёзиш нима дегани? Ёзиш билимни қайд қилиш, дегани. «Илмини ёзиш илиа қайд қилинглар», дейилган бир ривоятда. Ёзиш илмни янада аниқроқ исбот қилиб қўйишни англатади. Бирор нарсани ёзиб, илмни қайд қилиб қўйиш, бошқа бирорни ўша ёзилган нарсага мажбур қилиш, дегани эмас. Ҳусусан, ўша ёзилган нарса сир тутилса, умуман ҳеч қандай таъсири бўлмайди, бўлиши мумкин ҳам эмас. Инсон онаси қорнида турганида, келажакда бўлладиган ўнга тегишли маълумотлар, Аллоҳнинг илми қайд қилинади. Ҳуш, ушбу илмни ёзиб қўйиш-қайд қилишни уни мажбурлаш, деб бўладими? Йўқ, албатта! Ҳусусан, қайд қилинган нарсалар, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарсаларку! Энди мазкур тўрт нарсани алоҳида ўрганиб чиқайлик:

1. РИЗҚ. Дунёдаги барча жонзотларнинг ризқини фақат Аллоҳнинг ўзи билади. Бу жонзотларнинг қайси бирига қаҷон, қанча ва қандоқ

ризқ тегишини Аллоҳ таолонинг Ўзигина билди, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди. Бутун дунё тўпланиб, биргина жонзотнинг бир лаҳзалик ризкини билмоқчи бўлсалар, бунга эриша олмайдилар. Халқ ичидаги «ютганинг ўзингники, чайнаганинг гумон», деган накл бор. Бу гап ризқ Аллоҳдан бошқа ҳаммага гумон эканини таъкидлаш учун айтилган. Кишининг оғзида чайнаб турган таоми ўзига ризқ бўладими-йўқми, била олмайди, деган маънодаги гап. Аслида бу ҳам унча аниқ ифода эмас. Ютганинг ҳам гумон бўлади. Чунки томоқдан ўтган нарсани ҳам тўлиқ ризқ бўлади, деб айта олмаймиз. Аллоҳ унинг ризқ бўлишини хоҳламаса, ўша таом заҳарга айланниб, инсонни бемор қилиши ёки ҳалок этиши мумкин. Ёки кўнгилни айнитиб, куски бўлиб, чиқиб кетиши мумкин. Хўш, шунчалик сир нарса инсон ҳаётига таъсир қилиши мумкинми? Йўқ, албатта!

Барча жонзотларни йўқдан бор қилган Зот ҳам, шу жумладан, инсонни яратган Зот ҳам, Аллоҳ таолодир. Унинг нутфалигидан олдин ҳам, ўлгандан кейин ҳам барча ҳолатларини аниқ биладигон Зот Аллоҳдир. Дунёдаги барча ризқларни яратган, уларни яхши ва тўлиқ биладиган, тадбирини қиласиган Зот ҳам Аллоҳдир. Бинобарин, ҳар бир инсонга қанча ва қандоқ ризқ тегишини ҳам фақат Аллоҳнинг Ўзи билиши ғариф нарса эмас. Ўша Ўзи билган нарсани фаришталаридан бирига айтиб, ёздириб қўйиши ҳам қийин эмас. Аллоҳнинг бу илмида мажбурлаш аломати йўқ.

2. АЖАЛ. Бу иш ҳам фақат Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайдиган нарсалардан. Аллоҳ Ўзининг шомил илми ила барча жонзотнинг, жумладан, ҳар бир инсоннинг ажалини аниқ билади. Аллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳатто муққараб фаришталар ҳам, бирор жонзотнинг ажалини билмайди. Дунёнинг ҳаммаси тўпланиб, бир дона кичкина қумурсаңинг ажалини билишга ҳаракат қиласалар ҳам, уddyалай олмайдилар. Дунёдаги барча жонзотни, жумладан, инсонларни яратган Зот–Аллоҳ. Уларга жон ато этган Зот–Аллоҳ. Уларни ўлдирадиган Зот–Аллоҳ. Бинобарин, ҳар бир жонзотнинг, жумладан, ҳар бир инсоннинг ажалини фақат Аллоҳнинг Ўзи билиши ғариф эмас. Ўша Ўзи билган нарсани фаришталаридан бирига айтиб ёздириб қўйиши, қийин эмас. Аллоҳнинг бу илмида ҳам мажбурлаш йўқ.

3. АМАЛ. Бунинг илми ҳам, фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хос бўлган нарсалардан бири. Инсон нафақат бошқаларнинг, ҳатто ўзининг ҳам бир оздан сўнг нима қилишини ҳеч ким аниқ билмайди. Инсон бир нарсани ният қиласи, унинг учун интилади. Аммо, ўша ишнинг амалга ошиши ёки амалга ошмаслиги Аллоҳ таолонинг хоҳиш-иродасига боғлиқ. Аллоҳ хоҳлаган иш бўлади, хоҳламагани бўлмай қолади. Шу сабабдан, Аллоҳ таоло ҳар бир инсоннинг туғилганидан тортиб, ўлгунига қадар қиласиган амалини тўлиқ ва аниқ билиши ғариф эмас.

Чунки инсонни Аллоҳ яратган ва унинг барча имкониятлари, хусусиятлари ва бошқа нарсаларини тўлиқ ва аниқ биладиган ягона Зот – Аллоҳ. Шунингдек, инсон ҳаёт кечирадиган дунёни яратган Зот ҳам – Аллоҳ. Бу дунёнинг икир-чикирлари, майда-чўйдаларигача тўлиқ ва аниқ биладиган Зот – Аллоҳ. Инсоннинг ҳам, дунёнинг ҳамма тасаруфини қилиб турадиган Зот – Аллоҳ.

Бинобарин, инсоннинг нима амал қилишини ягона Аллоҳнинг Ўзи билиши ҳақ гап. Агар Аллоҳ бу нарсани билмаса, Аллоҳлиги қолармиди?! Аллоҳ ўша Ўзи билган инсон амалларини фаришталаридан бирига айтиб, ёздириб қўйиши қийин эмас. Ўз навбатида Аллоҳнинг бу илми бандани у ёки бу амални қилишга мажбурлаш ҳам эмас.

4. БАДБАХТЛИК ЁКИ НЕКБАХТЛИК. Ҳар бир инсон баҳтли ёки баҳтсиз эканини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Билганда ҳам Ўзининг ҳамма нарсани қамраб олувчи илми илиа азалдан билади. Нафақат инсонга онасининг қорнида жон пуллагандан, балки азалдан билади. Шуда ҳадисда айтилаётган маъною, ўша азалий илмни қайд қилиш холос. Бутун инсоннинг тўпланиб олиб, ичларидан битталарини ҳақиқий баҳтли ёки бадбаҳт эканини билишга уринсалар ҳам, била олмайдилар. Ҳатто пайғамбарларнинг саййиди Муҳаммад соллалпоҳу алайҳи васаллам ҳам фақат Аллоҳнинг билдириши илиа ўн кишинигина жонната кириши ҳақида башорат берганлар, холос. Қолғанларнинг нима бўлишини Аллоҳнинг Ўзигина билади.

Аллоҳ таоло ўша илмни фаришталаридан бирига айтиб ёздириб қўйиши, қийин эмас. Шу билан бирга, ўша илмни, ёзид қайд қилиб қўйиш бандани бадбаҳт ёки некбаҳт бўлишига мажбур қилиш эмас. Чунки илм бир нарсани кашф қилувчи нурдур, бирорни мажбур қилувчи куч эмасдири!

Эътибор берайлиқ, энди ҳадиснинг давомида нима учун одамлар бир-бирларининг ёки ўзларининг бадбаҳт ёки некбаҳтлигини била олмасликлари баён қилинади. Пайғамбаримиз ҳадиснинг бу қисмини: «**Ўндан бошқа илоҳий маъбуд йўқ Зот билан қасамки**», деб бошламоқдалар. Бу эса, келажак гапнинг ўта муҳим эканига далолатдир. «...**бириңгиз жоннат аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан жоннатнинг орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиди кетиб, дўзах аҳлининг амалини қиласи-да, жоннатга киради**».

Одамни нима бўлишини ким билар эди? Ҳатто ўша одамнинг ўзи ҳам билмайди. Умр бўйи тоат-ибодатда юриб, охирида шайтоннинг иғосига учуб иши расво бўлиши мумкин. «**Албатта, бириңгиз дўзах аҳлининг амалини қилиб келиб, ўзи билан дўзахнинг орасида бир аршин қолганида, ундан ўша китоб ўзиди кетиб, жоннат аҳлининг амалини қиласи-да, жоннатга киради**».

Бунақаси ҳам бўлиши мумкин. Умр бўйи нима қилиб юрган бўлса-да, охиригай пайтда инсонлиги қўзиди, яхши бир амал билан ҳоли батамон ўзариги қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам «Ақоид» уламолари ушбу ҳадиси шарифни ва шунга ўхшаш бошқа ҳадисларни далил қилиб: «**Аҳли қибладан муайян шахсни жоннатий ёки дўзахий эканига қатъий хукм қилиб бўлмайди**», дейдилар.

Аммо юкорида зикр қилинган икки ҳолатда ҳам қадарнинг, Аллоҳнинг собиқ илменинг мажбурий таъсири йўқ. Китобнинг ўзиди кетиши эса, унда ёзилган илменинг ўта аниқ ва пухта эканини билдиради холос. Ушбу ҳадиси шарифда Аллоҳнинг илми шомилу комил, анигу пухта, ҳамма нарсани қамраб олувчи экани баён қилинди. Бу ҳақиқатни бирма-бир ўрганиб чиқдик. Ҳадиснинг охирида инсон ўз асосида ҳукм чиқариб, Аллоҳни унтишиб қўймаслиги ёки кўнгли бироз бўлса ҳам бошқа томонга бурилиши мумкин эмаслиги таъкидланмоқда. Бирор «умрим бўйича яхши амал қилдим, энди, албатта, жоннатга кираман», деб хотиржам бўлмасин! Ҳатто умрининг охирига лаҳзасида ҳам иш бошқачага айланниб кетиши мумкин. Чунки ҳамма нарса Аллоҳнинг амри билан бўлади.

Ишларнинг хотимасига қараб якун ясалади. Умрнинг интиҳоси қачонлигини ҳеч ким билмайди. Шунинг учун, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини умрнинг охири деб билиш керак. Яхшилик қилиб юрганлар, охириги иши ёмонлик бўлиб қолмаслиги учун интилиши керак. Ёмонлик қилғанлар, қолган ҳар бир лаҳзани умрнинг охирига лаҳзаси, деб яхшилик қилишга ўтиши керак. Қазо ва қадарга бўлган иймоннинг фойдаси ҳам шунда! Кишини доимо яхшиликка чорлаб, ёмонлиқдан қайтариб туришида!

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- Пайғамбаримиз соллалпоҳу алайҳи васалламнинг содиқу масдуқликлари.
- Инсон онасининг қорнида маний ҳолида қирқ кун жам бўлиши.
- Инсон онасининг қорнида алақа ҳолида қирқ кун қолиши.
- Инсон онасининг қорнида музға ҳолида қирқ кун қолиши.
- Сўнгра инсонга руҳ пуфланиши.
- Аллоҳ таолонинг ҳар бир инсоннинг ризқини, ажалини, амалини, бадбаҳт ёки некбаҳтлигини азалдан билиши.
- Бу илми инсон онаси қорнида турганида ёзид, қайд қилиб қўйшилиши.
- Бирор гапни таъкидлаш учун Аллоҳнинг номи ёки сифати ила қасам ичиш жоизлиги.
- Умр бўйи жоннат аҳлининг амалини қилиб юрган одам охирида дўзах аҳлининг амалини қилиб қўйиб, дўзахга тушуб қолиши мумкинлиги.
- Умр бўйи дўзах аҳлининг амалини қилиб юрган одам охирида жоннат аҳлининг амалини қилиб, жоннатга кириб қолиши мумкинлиги.
- Ўзининг яхши амалидан қувониб, бепарво бўлиши яхши эмаслиги.
- Ўзининг ёмон ишларидан тушкунликка тушуб, ноумид бўлиши керак эмаслиги.
- Қазо қадарга нисбатан иймоннинг мустаҳкам бўлиши зарурлиги.

(«Ҳадис ва Ҳаёт», 2-жилд, 184-194-бетлар)

МАЗҲАБСИЗЛАР БИЛАН БАҲС

(Доктор Муҳаммад Саид рамазон Бутийнинг нашрга тайёрланаётган «Мазҳабсизлик – ислом шариатига таҳдид солуечи энг хатарли бидъатдир» китобидан боб)

Бу одамнинг кимлигини ҳам, унинг исмини ҳам айтмайман. Унинг мазҳабсизликни ўрганувчи эмас, ўргатувчи эканини билсангиз кифоя. Агар уни ва фикрини ғаройиб мутаассибликнинг энг олис воҳасига улоқтириб юборган ана шу ифлос доғи бўлмаганида у ҳам олийжаноб инсон ва софидил йигит эди!

У ҳақиқатни бошқа ўринларидан ҳам излашга одатланган бир неча ажойиб йигит билан келди. У билан сұхбатни бошларканман, шундай дедим:

– Сиз Аллоҳнинг ҳукмларини англашда қандай услубни қўплайсиз? Уларни Қуръон ва Суннатдан оласизми ёки мұжтаҳид имомларданми?

– Мен имомларнинг фикрларини ва уларнинг ҳужжатларини кўриб чиқаман-да, сўнг Қуръон ва Суннатдаги далилга энг яқин бўлган фикрга сұяноман!

– Сизда беш минг Сурия лираси бор. Уларни олти ой сақладингиз, сўнг у пулга мол сотиб олиб, савдо қила бошландингиз. Ана шу молнинг закотини қачон берасиз – қолган олти ойдан кейинми ёки тўлиқ бир йилдан кейинми?

У бироз ўлланиб, сўнг деди:

– Саволингизга қараганда, сизнингча, савдо молидан закот бериш керакми?

– Мен фақат сўрайаман. Ўзингизга хос услубингиз бўйича жавоб беришингизни хоҳляяпман. Мана, қаршингизда кутубхона. Унда тафсирга, суннатга оид китоблар ва мұжтаҳид имомларнинг китоблари бор...

У бироз ўлланиб, кейин деди:

– Э-э биродар, ахир бу дин, ўйлаб-ўйламай жавоб бериладиган оддий савол эмас. Бунинг учун таҳлил қилиш, кўриб чиқиш ва ўрганиш керак, буларнинг ҳаммаси учун эса вақт керак. Биз бу ерга бутунлай бошқа мавзуни мұхокама қилиш учун келганимиз!

Мен бу саволга нуқта қўйдим ва дедим:

– Жуда яхши... Айтинг-чи, ҳар бир мусулмон имомларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиши, сўнг улардан Қуръон ва Суннатга кўпроқ мос келадиганига эргашиши шартми?

– Ҳа.

– Бундан чиқдики, ҳамма одамлар ҳам худди мазҳаб имомлари каби ижтиҳод қилиш салоҳиятига эга экан-да. Эҳтимол, уларнинг салоҳияти яна ҳам юқоририк, яна ҳам етуқдир? Ахир буюк-буюк имомларнинг фикрларига ҳукм бериш ёки уларни Қуръон ва Суннат мезони асосида тўғри ва нотўрига чиқариша қодир бўлган одам шубҳасиз ҳамма имомлардан кўра илмлироқ бўлади-да!

– Аслида одамлар уч тоифа бўлади: мұқаллид, муттабиъ ва мұжтаҳид. Бир мазҳабни бошқаси билан солишириб, Қуръонга яқинроғини ола биладиган одам – муттабиъдир. Бу тақлид билан ижтиҳод орасидаги ўрта дараҷа.

– Мұқаллидинг вазифаси нима?

– Ўзига маъқул бўлган мұжтаҳидга эргашиш.

– Уларнинг фақат биттасига оғишмай эргашиб, бошқасига эргашмаслигида унга гуноҳ борми?

– Ҳа, бу унинг учун ман этилган (ҳаром).

– Бунга ҳужжат борми?

– Ҳужжат шуки, у Аллоҳ таоло унга фарз қилмаган нарсани ўзи учун фарз қилиб олган.

– Сиз Қуръонни етти қироатнинг қайсисида қироат қиласиз?

– Ҳафс қироати билан.

– Ҳар доим шу қироат билан ўқийсизми ёки ҳар куни ҳар хил қироат биланми?

– Йўқ, мен ҳар доим фақат Ҳафс қироати билан ўқийман.

– Хуш, нима учун сиз буни ўзингизга фарз қилиб олдингиз? Ахир Аллоҳ таоло сизга Қуръонни фақат Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинганидек ўқиши буорган-ку?

– Чунки бошқа қироатларни ўзлаштирган эмасман. Шу қироатдан бошқасида ўқишига имконим йўқ.

– Фикҳи Шоғеъий мазҳаби бўйича ўрганган бу киши ҳам бошқа мазҳабларни тўлиқ ўзлаштира олмаган. Унга диний аҳкомларини фақат шу имомдан ўрганишга имкони бўлган. Агар сиз у барча имомлар ижтиҳодини ўрганиб, ҳукмларни уларнинг ҳаммасидан олиши шарт десангиз, у ҳолда ўзингиз ҳам барча қироатларда ўқишингиз учун уларнинг ҳаммасини ўрганишингиз лозим бўлади-ку! Агар ўзингизни ожизман деб оқлайдиган бўлсангиз, унда ўша муқаллидни ҳам оқлашингиз керак бўлади. Нима бўлганда ҳам, биз шундай деймиз: Аллоҳ таоло унга бир мазҳабдан иккинчисига ўтишни ҳам, доим фақат битта мазҳабга эргашиши ҳам буормаган бўлатуриб муқаллид бир мазҳабдан бошқасига ўтишни ўзи учун вожиб қилиб олиши шарт, деган гапни қаердан олдингиз?

– Унга ушбу лозим тутишни Аллоҳ буорган, деб эҳтиқод қилишгина тақиқланган.

– Бу умуман бошқа масала. Бу ҳеч қандай шубҳа ва ихтилоғиз ҳақиқат. Лекин Аллоҳ буни унинг зиммасига юкламаганини билган ҳолида фақат битта мұжтаҳидни лозим тутган муқаллид гуноҳкор бўладими?

– Йўқ, гуноҳкор бўлмайди.

– Аммо сиз ўқитаётган китобча сўзларингизнинг аксини айтапти. Унда бу нарса тақиқланган, дейилган. Ҳатто баъзи жойларида фақат битта имомга оғишмасдан эргашган одамни «коғир» дейишгача борилган.

– Бу қаерда айтилиби?

У китобасини очиб, ундаги матн ва жумлаларни ўқир экан, муаллифнинг: «Барча масалаларда фақат бир имомга оғишмай эргашувчи киши – кўр-кўрона эргашувчи адашган мутаассибидир ва у динни бўлиб, фирқа-фирқа бўлиб олганлардандир», деган сўзлари ҳақида фикрлай бошлади. Сўнг деди:

– Бу ерда у шариат буорган, деган эҳтиқод билан мунтазам эргашиши назарда тутган. Бу иборада баъзи нуқсонлар бор!

– Унинг айнан шуни назарда тутганига ҳужжат борми? Нима учун муаллиф адашган, демаяпиз?

У яна бу иборанинг тўғрилиги, шунчаки тушириб қолдирилган сўзлар эътиборидан шундай экани ва муаллиф бу ерда ҳеч қандай хатога йўл қўймаганини таъкидлашда туриб олди!

Мен шундай дедим:

– Бироқ, бундай эътиборга кўра – баҳслашишга ўрин қолмайди. Унинг фойдаси ҳам йўқ. Ҳеч бир мусулмон йўқки, тўрт имомдан биттасига эргашиб шариат буйруқларидан эмаслигини билмас. Ҳар бир мусулмон маълум бир мазҳабни лозим тутар экан, у бу ишни ўз ҳоҳиши ва ихтиёри билан қилади.

– Қанақасига? Мен кўпчиликдан, баъзи аҳли илмлардан эшитганманки, шариатда маълум бир мазҳабни лозим тутиш вожибидир. Ҳатто унинг учун бир мазҳабдан бошқасига ўтиш мумкин эмас!

– Шу гапни айтган биттагина оми ёки олим одамнинг исмини айтинг-чи.

У жимиб қолди. Бироқ у сұзларим түғри чиқиши мүмкінлигідан ҳайратта түшди ва биргина нарсаны – күпчілік одам бир мазхабдан бошқасига ўтишини тақиқлашади, деб тасаввур қилишини тақрорлай бошлади.

Мен унга шундай дедім:

– Ҳозир бир киши ҳам бундай ботил хомхаелгә эзтиқод қылмайды. Түғри, Усмонийлар даврининг охирги авлодлари ҳақида келган ривоятларда улар Ҳанафий мазхабидаги кишининг ўз мазхабидан бошқа мазхабға ўтишини катта (генох) деб ҳисоблаганлари айттылган. Уларнинг бу фикрлари (агар нақт түғри бўлса) аҳмоқликнинг вўқр-кўронада манфур мутаассибликнинг чўққиси эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Ана шундан сўнг унга:

– Сиз муқаллид билан муттабиъ орасидаги фарқни қаердан олдингиз? Бу фарқ лугат жиҳатиданми ёки истилоҳ жиҳатидан? – дедим.

– Йўқ, улар орасида лугавий жиҳатидан фарқ бор.

Шунда унга бу иккى сўзниңг лугавий фарқини кўрсатиб бериши учун тилга доир манбаларни олиб келдим. У ҳеч нарса топа олмади.

Мен шундай дедім:

– Албатта, Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳу, мусулмонлар у зотга тайинлаган маошга қарши чиқкан аъробийга: «Агар муҳожиқлар рози бўлсалар, сиз уларга эргашувчисиз холос», деганлар. У киши «эргашиш» сўзини ҳеч қандай бошқа фикрға ўрин қолдирмайдиган розилик маъносида қўллаганлар (Бу маънода Аллоҳ таоло: «У пайтда эргашилганлар азобни кўриб, эргашганлардан тонарлар ва сабаблар ҳам улардан кесилар», деган сўзида эргашишлини кўр-кўронада тақлид қилишининг энг тубан кўринишларидан бири, дея таъбир қилган).

– Майли, атамалардаги фарқ бўла қолсин... Ахир бирор нарсага ўзим атама беришга ҳаққим йўқми?

– Албатта, бор. Лекин сизнинг бу атамаларнинг нарсанинг моҳиятини мутлако ўзгартира олмайды. Сиз муттабиъ деб атаётган одам агар ҳужжатлар ва улардан ҳукм чиқариш услубидан хабардор бўлса, демак у мұжтаҳидир. Агар ҳужжатлар ҳақида бехабар бўлса ёки улардан ҳукм чиқара олмаса, бундай ҳолатда у муқаллидир. Агар у баҳзи масалалардан хабардор, бошқаларидан бехабар бўлса, демак у баъзи масалаларда муқаллид, баъзиларида мұжтаҳид бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам тақсимот иккى қисмга бўлуниши ва уларнинг ҳар бирига тегиши бўлган ҳукм аниқ ва маълумдир.

– Муттабиъ – фикрлар ва уларнинг ҳужжатлари орасидан түғриларини ажратадиган ва улардан бирини бошқаларидан устун кўя оладиган одамдир. Бу соғ тақлид даражасидан фарқли даражадир.

– Агар сиз фикрларни ҳужжатнинг кучли ёки заифлигига қараб саралашни назарда туғаётган бўлсангиз, унда бу ижтиҳоднинг олий даражасидир. Шахсан сизнинг қўллингиздан шу нарса келадими?

– Мен кучим етганича шундай қиласман.

– Шахсан сизнинг бир жойда ва бир вақтда берилган уч талоқ бир талоқ ҳисобланади, деган фатвони берганингизни биламан. Мана шу фатвони беришдан аввал сиз имомларнинг фикрлари ва ҳужжатларига мурожаат қилиб, сўнг уларни таққослаб кўриб, сўнг шулар асосида фатво чиқардигизми? Уваймир ал-Ажлоний «лиъон» қилганидан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи васалламнинг мажлисларида ўз хотинига уч марта талоқ берди. У: «Эй Аллоҳнинг Расули, агар уни (никоҳимда) олиб қоладиган бўлсан унга тұхмат қилган бўламан. Уни уч талоқ қилдим», деди (Бу – битта лафз билан «уч талоқ» деса, уч талоқ тушишига ҳужжат бўладиган очиқ ва саҳиҳ Суннатдаги кўплаб далиллардан биридир. Бу хусусда «Муҳозаротун фил-фиқҳил-муқорин» деган китобимга мурожаат қилинг).

Сиз ушбу ҳадис, унинг бу масалага нисбатан тутган ўрни ҳақида ва бу ҳадис жумхурнинг мазхабига ёки Ибн Таймиянинг мазхабига қай даражада далолат қилиши ҳақида нима биласиз?

– Мен бу ҳадисни учратмаганман.

– Ундай бўлса, қандай қилиб сиз бу масалада тўрт мазхаб иттифоқ қилган фикрга қарши чиқиб, уларнинг ҳужжатларини ва уларнинг саҳиҳ ёки заифлик даражасини ўрганмай туриб фатво чиқардигиз? Мана, ўзингизга ўзингиз мажбурият қилиб олган ва бизга ҳам мажбурият қилишга уринаётган қонун-қоидангиз – иттибоз деб ўзингиз атама берганингиздан четлашибисиз!

– У пайтда менда ҳамма мазхабларни ва уларнинг ҳужжатларини ўрганиш учун етарли китоблар йўқ эди.

– Аксар мусулмонларнинг ҳужжатларидан хеч нарса ўрганмай туриб, уларнинг фикрга тескари бўлган фатвони шошилиб чиқаришга сизни нима мажбур қилди?

– Ахир мендан сўрашган бўлса, менда эса китоблар кам бўлса, нима қилишим керак эди?

– Сиз барча буюқ олимлар ва имомлар қилган нарсани қилишга имконингиз бор эди. У ҳам бўлса «Мен билмайман», дейишингиз керак эди. Ёки савол берган одамга тўрт мазхаб имомларининг фикрини ва уларга қарши бўлган фикрни иккисидан бири асосида фатво чиқармасдан келтиришингиз мумкин эди. Бундай қилишга имконингиз бор эди. Балки бу сизнинг вожибингиз эди. Қолаверса, бу сизни қандайдир хуносага келишига мажбур қиладиган даражадаги муаммо эмас эди! Сиз бўлса тўрт имом иттифоқ қилган ҳукмга тескари фикр асосида, тан олганингиздек, уларнинг ҳужжатларини ўрганмай туриб, тўртала мазхабға зид бўлган фикр кўнглингизга яқинроқлигидан кифояланиб фатво чиқарибисиз. Бу – сиз биз ҳақимизда гумон қилаётган мутаассибликнинг охирги нуктасидир.

– Мен тўрт имомнинг фикрларини Шавконийнинг китобидан ва «Субус - салом» китобидан ҳамда Сайид Собиқнинг «Фикхус-сунна»ларидан ўрганиб чиқканман.

– Бу китоблар ушбу масала бўйича тўрт имомга мухолиф бўлганларнинг китоблари. Уларнинг барчаси бирёклами фикр билдириб, ўзларининг фикрини кувватловчи ҳужжатларнинг келтиришган. Сиз иккى хусуматчи ҳақида ҳукм чиқарсангиз, улардан факат биттасини, унинг гувоҳлари ва яқинларининг эшитиб кўриб ҳукм чиқараверасизми?

– Мен ўз ҳатти-ҳаракатларимда ҳеч бир маломатга қўядиган нарса кўраётганим йўқ. Мен сўровчига фатво беришим шарт эди ва буни ўз тушунчам даражасида бажардим.

– Мен муттабиҳман деяпсиз. Сизнингча, биз ҳам шундай бўлишимиз шарт экан. Сиз иттибоҳни «барча мазхабларнинг ҳукмларини кўриб чиқиб, уларнинг ҳужжатларини ўрганиб, саҳиҳ далилга яқинроқларига эргашиш», деб таҳрифладингиз. Ўзингиз эса бу ишингиз билан ўз қонун-қоидангизни йўққа чиқаряпсиз! Бир вақтда ва бир жойда берилган уч талоқ учта талоқ бўлишига тўрт мазхаб имомлари иттифоқ қилишган. Буни биласиз. Бунга уларнинг далиллари борлигини ҳам биласиз. Сиз эса уларни ўрганиб чиқмагансиз. Лекин улар иттифоқ қилган фикрдан воз кечиб, кўнглингиз тусаган фикрни олгансиз. Сиз аввал тўрт имомнинг ҳужжатлари ботил эканига амин эдингизми?

– Йўқ, мен уларни ўрганиб чиқмагандим. Чунки менда унга тегиши манбалар йўқ эди.

– Унда нима учун кутиб турмадингиз? Нега шошилдингиз? Ахир Аллоҳ таоло сизга буни буормаган эди-ку! Жумхур уламоларнинг далилларини ўрганмаганингиз Ибн Таймиянинг раъйини кувватлайдиган далил бўла оладими? Сизлар бизни ноҳақ айблабётган мутаассиблик (фанатизм) аслида мана шу эмасми?

– Ўзимда мавжуд бўлган китоблардан мени қонаотлантирадиган ҳужжатларни топдим ва Аллоҳ таоло менга бундан ортигини буормаган.

– Агар мусулмон одам ўзида бор китоблarda бирор нарсанинг ҳужжатини кўрса, бу нарса унинг тушунчасига зид бўлган мазхабларни (уларни ўрганмаган бўлса ҳам) тарқ этиши учун етарли бўладими?

– Унга шунинг ўзи кифоя қиласади!..

– Айтайлик, диний ажкомларни бажаришни энди бошлаган, ҳали Ислом маданиятидан ҳеч нарса олиб улгурмаган ўспирин бола Аллоҳ таолонинг: «Машриқу мағриб Аллоҳницидир, қаёққа қарасангиз Аллоҳнинг юзи бор. Албатта, Аллоҳ кенг қамровли,

билиувчи Зотдир» (Бақара сураси, 115-оят) оятини ўқиди. У бу оятини «Мусулмон одам намозида юзини ҳохлаган томонга буриши мумкин экан, оятнинг зоҳирий маҳноси буни аниқ кўрсатиб турибди» деб тушунди. Бироқ бола тўрт буюк имом намозида юзни фақат Каъба томонга буриш керак, деб иттифоқ қилишганини, уларда бу ҳақда далиллар борлигини эшитган экан, лекин ўша ҳужжатларни ўрганмаган. Хўш, у намозга турганида нима қиласди? Ўзи ҳужжатдан қаноат ҳосил қилган нарсага эргашадими ёки иттифоқ бўлиб, бунга тескари ҳукм чиқарган имомларгами?

– У ўз қаноатига эргашиши лозим!!!

– Масалан, у машриққа қараб намоз ўқиса, намози дуруст бўладими?

– Ҳа. Чунки у ўз шахсий қаноатига эргашиши лозим!

– Агар шахсий қаноати унга кўшнининг аёли билан зино қилиш, қорнини ҳамр или тўлдириш, одамларнинг молини ноҳақ тортиб олишда ҳеч қандай гуноҳ йўқ, деб ишонтирадиган бўлсанчи? Унинг «шахсий қаноати» шарофати туфайли Аллоҳ таоло унга бу нарсаларни ҳалол қиласдими?

У бироз сукут қилиб, сўнг деди:

– Нима бўлганда ҳам, сиз мендан сўраган ушбу ҳолат воқеҳлиқдан узоқ ва ҳаётда юз бериши мумкин эмас.

– Бу воқеҳлиқдан узоқ эмас, аксинча, бундай нарсалар ва бундан ҳам ажабтовур ҳодисалар ҳаётда тез-тез учраб турибди! Ислом, Қуръон ва Суннат ҳақида илмга эга бўлмаган ўспирин тасодифан ушбу оятини эшитиб ёки ўқиб қолиб, ундаги зоҳирий маҳнога қараса, у ҳамманинг бошқа томонга эмас, айнан Каҳбага қараб намоз ўқишини кўриб турганига қарамай, ҳар қандай араб тушунадиган нарсани тушунади: намозхон юзини истаган тарафга бурса ҳам «гуноҳ йўқ» экан дея! Яъни, мусулмонлар орасида Исломдан ҳеч нарса билмайдиган одамлар бор экан, бундай бўлиши табиий ва ҳар қачон юз бериши мумкин. Қисқаси, бу ҳолат хоҳ воқеълик бўлсин, хоҳ воқеҳлиқдан узоқ бўлсин, сиз бу ҳақда чиқарган ҳукм воқеълиқдан узоқ эмас эди. Сиз шахсий қаноатни ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳукм чиқариш учун асос бўлади, деб ҳисобладингиз. Бу эса сизнинг одамларни уч тоифага – муқаллид, муттабиъ ва мужтаҳидга ажратишингизга зид келади.

– У текшириб кўриши керак. Ахир у бирорта ҳадис ёки бошқа оятини ўқимаганми?

– Ҳудди талок ҳақида фатво чиқараётганингизда сизда йўқ бўлганига ўхшаб, унда ҳам текшириш учун зарур манбалар йўқ эди. Унда бу оядан бошқа қиблага ва уни белгилашга тегишли нарсаларни ўқишига ҳам имконият йўқ эди. Хўш, шундан кейин ҳам у имомларнинг ижмоъсини рад қилиб, ўзининг шахсий қаноатига эргашишини таъкидлаб, ўжарлик қилавериши керакми?

– Ҳа, агар у текшириб кўришига қодир бўлмаса, узрли бўлади. Раъий ва изланиши нимага олиб келган бўлса, ўша нарсага таяниши унинг учун етарли.

– Айтиб қўйай, тилингиздан қанчалик ғалати ва хатарли сўзлар чиқаётганини бошқаларга айтиб бераман!

– Мен ҳақимда ҳохлаган нарсангизни айтаверинг, кўрқадиган жойим йўқ!

– Албатта! Аллоҳ таолодан кўрқмаган, ўзининг сўзлари билан У Зот азза ва жалланинг «Агар билмасангиз, зикр аҳлидан сўранг» (Анбиё, 7) деган оятини йўқка чиқарган одам мендан кўрқармиди?

– Э-э, биродар, ўша имомлар ҳам бир гуноҳкор бандалар. Мен суняётган оят эса – Беайб Парвардигорнинг каломи. Қандай қилиб Беайб Парвардигорни кўйиб, адашувчи бандаларнинг этагидан тутиш мумкин?

– Воажаб... Аллоҳ таолонинг «Машрику мағриб Аллоҳни кидир...» (Бақара, 15) деган сўзларидағи асл маҳно ҳақ, албатта! Бироқ Ислом маданияти, унинг аҳкомлари ва Қуръон маҳноларидан мутлақ узоқ бир йигитчанинг тушунчалари ҳақ ҳисобланмайди. Яъни, мен шу жоҳил ўспириннинг тушунчаси билан тўрт имом тушунчасини қиёслаямсан. Икковиям банда,

беайб эмас, лекин бирорининг илмисизлиқда, юзакилиқда муккасидан кеттани, иккичи томоннинг эса тадқиқот, илм ва таҳлилга берилгани аниқ кўриниб турибди-ку!

– Албатта, Аллоҳ таоло уни жидду жаҳди олиб борган нарсадан бошқасига буормаган!

– Унда мана бу саволимга жавоб беринг. Бир кишининг фарзанди бор. Бола қасал бўлди, дейлик, шамоллаб қолди. Шаҳардаги ҳамма табиблар уни текшириб, унга фалон дорини бериш керак, дейиши. Улар боланинг отасига пенингиллин уколидан эҳтиёт бўлишин уқтириб, бу боланинг ўлимига олиб келади, деб айтиши. Бироқ боланинг отаси пенингиллин шамоллаш ҳолатларида ёрдам беради деб тиббий журнallарда ўқиган эди. У бу масалада ўзининг билимларига асосланиб, табибларнинг маслаҳатини бир тарафга улоқтириди, чунки уларнинг айтган гапларига ҳужжат-далилларини билмайди. У шахсий қаноатига суняниб, боласига пенингиллин укол қилдиради. Натижада бола Аллоҳнинг хузурига йўл олади. Ўша отани маҳкамага тортиш керакми? Бу ерда унинг гуноҳи борми?

У бироз ўйланиб турди ва жавоб берди:

– Булар бошқа-бошқа масалалар.

– Аксинча, булар айни бир хил масалалар. Ҳудди бояги ўспирин олимларнинг иттифоқ қилган фикрларини эшитгани каби ота ҳам барча табибларнинг фикрларини эшитди. Лекин у фақат тиббий журнالда ўқиган маҳлумотига таянди, ҳудди бояги ўспирин Аллоҳнинг Китобидан ўқиган битта матнига таянгани каби. Иккаласи ҳам ўз шахсий қаноатини кўллади!

– Биродар, Қуръон – нурдир.. нур ... Бу нурни бошқа қандайдир сўзлар билан солишириб бўлармиди?

Мен: «Қуръон нури уни тафаккур қилувчи ва ўкувчи ҳар бир одамнинг онгига тажаллий этади: ўша одам эса бу нурни Аллоҳ ирода қилганичалик тушунади. Агар зикр аҳли ҳам, улардан бошқалар ҳам ушбу нурдан бирдай оладиган бўлса, улар орасида ҳар қандай фарқ бўлиши мумкин? Иккала мисол ҳам бир хил, улар орасида мутлақо фарқ йўқ. Энди сиз менга жавоб беринг: бу мисоллардаги одамлар ўзларининг шахсий қаноатларига эргашадиларми ёки мутахассисларгами?» дедим.

– Шахсий қаноати унга асос бўлади.

– У шахсий қаноатини кўллади ва натижада фарзанди ва-фот этди. Бунинг учун у шариат бўйича ёки бошқа қонун бўйича қандайдир жавобгарликка тортиладими?

У оғзини тўлдириб жавоб берди:

– У ҳеч қандай жавобгарликка тортилмайди!

– Мунозарага мана шу ерда нуқта қўяйлик. Сиз мана шу хуносангиз билан ўртамизда ягона фикрға келиш ва бу асосда қандайдир изланиш юритиш йўлтини бутунлай йўқ қилдингиз! Ўзингизнинг ажабтовур жавобингиз билан бутун Ислом уммати иттифоқига қарши чиқаётганингизнинг ўзи кифоя қиласди. Йўқ, Аллоҳ таолога қасамки, агар манфур мутаассибликнинг соҳиблари сизнинг ўзингиз бўлмасангиз, Ер юзида манфур мутаассибликнинг бирор бир маҳноси қолмайди!

Диний саводи йўқ мусулмон Қурхонни тушунишда ўз «шахсий қаноати»га суняниб, намозни бутун мусулмонлардан фарқли – Каъбадан бошқа тарафга қараб ўқисаю, унинг намози дуруст ҳисоблансан! Оддий одам ўз шахсий қаноатига суняниб, ҳохлаган одамини ҳохлаганча даволаса, унинг кўл остида бемор вафот этсаю, бу «табиб»га «Аллоҳ сенга оғият берсин!» дейишдан нарига ўтилмас!

Ундей бўлса, нима учун «Дин аҳкомларидан ва ундаги далил-ҳужжатлардан бехабар одамлар мужтаҳид имомлардан бирининг мазҳабига эргашиши лозим, чунки у имом ундан кўра Аллоҳнинг Китоби ва Унинг Расули соплаллоҳу алайхи вассаламининг суннатини яхшироқ билади», деган шахсий қаноатимизга сунянишимизга қўйишмайди?!

Агар улар фикрларимизни хато деб ҳисоблашса, бу ҳам уларнинг «шахсий қаноат»лари эканини эсдан чиқаришмасин. Улар учун юкоридалари – Каъбага орқасини қилиб намоз ўкувчининг намози дуруст, боланинг ўлимига сабаб бўлиш эса ижтиход ва даволашдир, деб ҳисоблаётган кимса яхши ибрат бўлсин!

АЗОН ВА ИҚОМАТ

«Азон» сүзи луғатда «эълон этиш, билдириш, огоҳ этиш» маңноларини билдиради. Истилоҳда фарз намоз вақти кирганидан огоҳлантирувчи ва намозга чорловчи чақириқ «азон» дейилади. Азон намоз вақти етганида масжид ташқарисида айтилади. Намоз вақти кирмасидан олдин айтилган аzon ҳисобга ўтмайди. Азонни оқил, балоғатга етган, яхши-ёмонни ажратса оладиган эркак киши айтиди. Таҳорат билан айтилса, яхши, лекин таҳоратсиз айтилса ҳам ўтади. Аёлларнинг аzon айтиши жоиз эмас. Азон икки қўлнинг кўрсаткич бармоқларини қулоқ ичига тиқиб, бош бармоқларини қулоқнинг юмшоғига теккизиб айтилади. Азон калималари ушбулардир:

«Аллоҳ ақбар» (Аллоҳ улуғдир) – тўрт марта;

«Ашҳаду анла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига икрорман) – икки марта;

«Ашҳаду анна Мұхаммадар Расууллоҳ» (Мұхаммад Аллоҳнинг пайғамбари эканига икрорман) – икки марта;

«Ҳайя Ҷалас солаҳ» (Намозга шошилинглар) – икки марта;

«Ҳайя Ҷалал фалаҳ» (Нажотга шошилинглар) – икки марта;

«Аллоҳ ақбар» (Аллоҳ улуғдир) – икки марта;

«Ла илаҳа иллаллоҳ» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ) – бир марта.

Бомдод намози учун айтилган аzonга иккинчи «ҳайя ҳалал фалаҳ»дан кейин икки марта «Ассолату хойрум минан навм» (яъни: «Намоз уйқудан афзал»)ни кўшиб айтиш суннат амаллардан ҳисобланади. Иқомат сўзлари ҳам аzonнига ўхшаш, фақат «Ҳайя Ҷалал фалаҳ»дан сўнг «Қод қоматис-солаҳ» жумласи кўшилади.

Беш вақт фарз намози, жума намозига аzon айтиш эркакларга суннати муаккададир (таъкидланган суннат). Икки ийд (ҳайит) ва жаноза намозларига аzon айтилмайди. Бир вақт намоз учун маҳалла масжидида айтилган аzon етарли бўлади. Аzonни эшитганлар бу пайтда ҳар қандай ишни, гап-сўзни тўхтатиб, аzonга жавоб беришлари суннатдир. Агар аzonдан олдин масжидда Қуръон ёки намоз ўқиётган бўлса, тўхтатиш лозим эмас.

Аzonга жавоб сўз ва амал билан бўлади. Муazzин ҳар калимани айтганида эшитган киши ҳам ўша калимани айтиши вожиб. Фақат «Ҳайя Ҷалас солаҳ» деганида «Ла ҳавла ва ла қувватла илла биллаҳил Ҷалийул ҳазим» (яъни: «Қудрат ва қувват Улуғ Аллоҳ таолодангинадир») ва яна «Ҳайя Ҷалал фалаҳ» деганида «Маша'аллоҳу канва ма лам яшаш лам якун» (яъни: «Аллоҳ таолоҳохлаган иш бўлур ва У хоҳламаган иш ўеч бўлмас») калималарини айтиб жавоб бериши сўз билан аzoniga ижобат қилиш, дейилади. «Ассолату хойрум минан навм» деганида «Содақта ва барирта» (яъни: «Рост айтдинг ва яхши қилдинг»), дейилади.

Ҳадиси шариғфа мувофиқ «Аzon айтилганида уни тингламасдан бошқа ишлар билан машғул бўлиш ўша кишининг имонида камчилик борлигини кўрсатади». Аzonни эшитган киши масжидга жамоат билан намознинг илк вақтида ўқиши учун юриши аzonга амал билан жавоб қилиш бўлади. Агар муazzиннинг аzonини эшитган киши бирор узрли сабаб билан масжидга бора олмайдиган бўлса, аzon хурматидан ҳар қандай ишини тўхтатиб, уни эшитиши лозим. Баъзи уламоларимиз аzonни масхара қилган, калималарини истезҳо билан такорлаган ёки «Бу қандай ғаройиб овоз» ё «Бу бегона бир овоз» ёки «Бу жом овозидир», каби сўзларни айтган киши кофир бўлади, дейишган.

Аzon билан иқомат айтилаётганида салом берилмайди ва алик олинмайди. Масжидда аzon айтилган бўлса, уйида намоз ўқийдиган киши учун алоҳида аzon айтиш лозим эмас, тақбир айтилса етарли.



Сафарда аzon айтилади. Аzon ва иқоматдаги суннатлар ушбулардир: эркак киши айтиши; аzonни ҳам, тақбирни ҳам тик турган ҳолда айтиш; кўпчиликка эшиттириш мақсадида овозни баланд кўтариш; аzonни баланд жойга чиқиб айтиш; аzon ва иқоматни қиблага юзланиб айтиш; аzonда «ҳайя Ҷалас солаҳ»ни айтиётганида юзни ўнг томонга, «ҳайя Ҷалал фалаҳ»ни айтиётганида чап томонга ўгириш. Киши ёлғиз ўзи учун аzon чақирса, ўнг ва чап томонга қараши шарт эмас, чунки бунга ҳожат йўқ; аzon жумлаларининг ораларини ажратиб (яъни, бир жумлани айтиб бир лаҳза сукут қилиш ва кейин иккинчиси) айтиш; аzonда шошилмаслик, иқоматда эса бир оз тезроқ айтиш; аzon айтиётгандан таҳоратли бўлиш; шом намозида вақт қисқалиги сабабли аzonдан кейин дарҳол тақбирни айтиш, бошқа намозларда эса, аzon билан иқомат ўртасида намозхонлар масжидга етиб келишга улугришлари учун бир мuddат тин олиб ўтириш (бу мuddат тўрт ракат намоз ўқиш миқдорича бўлади); аzon калималарини ўринисиз чўзиб, маңноларини бузиб юборишдан сақланиш; тақбир айтилгач, кечиктирмай намозни бошлиш. Ином ҳам, жамоат ҳам тақбирдаги «ҳайя Ҷалас солаҳ» жумласига айтилганида ўринларидан туриб, «қод қоматис-солаҳ» жумласига етганда намозга ният қилишга киришишади.

Аzonни айтувчи ҳам, эшитувчи ҳам аzonдан сўнг ҳадиси шариғга мувофиқ олдин «Аллоҳумма солли Ҷала Мұхаммад ва Ҷала али Мұхаммад», деб Пайғамбаримизга салавот айтиб, кейин ушбу аzon дусосини ўқиди: «Аллоҳумма, Робба ҳазиҳид даъватит томмати вас-солатил қоимати ати Мұхаммаданил василата вал фазилата вад дарожатар рофиҳата вабъасху мақомам маҳмуданилазий ваъдатху варзуқна шафаҳатаху явмал қиёмати иннана ла тухлифул миъад» (яъни: «Ушбу комил дуонинг ва вақти кирган намознинг эгаси Аллоҳ! Мұхаммадага васила ва фазилат ҳамда баланд даражани бер, у Зотни Ўзинг ваъда қилганинг мақтовли жойларда тирилтири, қиёмат кунида бизга унинг шафоатини насиб эт. Албатта, сен ваъдангта хилоф иш қилмайсан»).

Аzon билан иқомат ўртасида қилинган дуога албатта жавоб бўлади. Демак, бу фурсатни ғанимат билиш керак. Аzon билан иқомат ўртасида дунёвий гап-сўзларни узрсиз айтиб ўтириш дуруст эмас. Баъзи уламолар буни ҳаром ҳам дейишган. Мўмин киши Аллоҳ таолони эслаб ўтиргани маъқул ва савоблидир. Уламолар ҳадиси шариғга таяниб: «Бола туғилганида ўнг қулогига аzon ва чап қулогига иқомат айтиш суюкли ишлардандир», дейишган. Қайси бир жамоа, қишлоқ ёхуд шаҳар келишиб, аzonни бекор қилишса, улар Исломнинг шиори бўлган энг муҳим нарсалардан бирини инкор қилган ҳисобланишади.

АЁЛЛАРГА ХОС МАСАЛАЛАР

БОШҚОРОНҒИЛИКДА ҮЗНИ ҚАНДАЙ ТУТИЛАДИ?

Келиним биринчи марта бошқоронғи бўлганида эркалик ва тантиқликни шунақсанги ошириб юбордики, ҳалигача «туғаман» деса юрагим безиллади. Бу борада шариатнинг алоҳида кўрсатмалари борми?

ЖАВОБ: Бошқоронғилик аёл ҳомиладорлигининг илк даврида унда намоён бўладиган ҳиссий ҳолатdir. Кўнгил айниши, муайян нарса ҳидини ё муайян таомни ёқтирасмаслик ёки муайян таомни, кўпинча нордан таомларни ейишини исташ, жizzакилик кабилар бошқоронғилик белгиларидир. Бошқоронғи аёл кўнгли нордан таомларни қаттиқ тусашини сезади.

Бошқоронғиликнинг эр-хотин иноқлигига ва уларнинг алоқаларида жозибага таъсири борми ёки йўқми? Бошқоронғиликнинг ҳомиладор аёл мизожи ва кўнгли ўзгаришига, унинг асаблари ва жисмига таъсир кўрсатиши сир эмас. Бошқоронғилик аёлнинг туйғу ва истакларида ҳамда кўп ҳолларда эри билан муносабатларида акс этадиган ҳолатdir. Бошқоронғи аёл гоҳо эрининг ҳидини ёқтирамайди, эри унга яқинлашганида нафратланади. Бу эрини ёмон кўрганидан эмас, балки бутун мизожи ўзгаргани, безовталиги ва ҳаяжонидан бўлади. Аёл бу ҳолда ўз туйғу ва истакларини бошқаролмайди. Шунинг учун бу ҳолдан эсон-омон ўтиб олгучиша унинг бу ҳолини ҳисобга олиш, бу даврда унга ғамхўрлик қилиш лозим бўлади.

Ақлли, зийрак эр хотинининг бошқоронғи бўлганини билганидан унга вазифаларни кўп айтмаслиги, юмшоқ бўлиши, аёлининг оромини ҳисобга олиши, қийинчилекларини тушуниши, ўз истак ва талаблари билан аёлига оғирлик туширмаслиги керак.

Ўз навбатида бошқоронғи аёл ҳам эрини баҳтиёр қилиш ва унга ором етказиш учун бор имконини сарфлаши лозим. У доимо шуни ёдда тутиши керакки, бошқоронғилик она бўлишнинг биринчи белгисидир. Оналик эса шафқат, меҳр, яхшиликдир (Аллоҳ билувчиидир).

ПУШТНИ ТУШИРИШ МУМКИНМИ?

Бир биродаримизнинг аёли ҳозирча туғишини истамай, пуштни тушириш (аборт) учун ҳаракат қиляпти. Бу борада шариатнинг ҳукми қандай? Агар туғишина соғлигига хавф солса, пушт тушириш жоизми?

ЖАВОБ: Бу масалада жуда кўп фиқҳий китоблар ҳам, фуқаҳоларнинг бу ҳақдаги сўзлари ҳам бор. Уларнинг хуласаларидан энг кучли ва эҳтиётлиларини қўйидаги тартибда баён этиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, фуқаҳоларнинг ҳаммалари пуштни жон киргизилгандан сўнг заруратсиз тушириш (олдириш) ҳаром, деб айтишган. Она ҳаёти хатарда қолиши каби ҳолат бўлганида пуштни тушириш мумкин. Ҳадиси шарифларда кўрсатилганидек, пушт яратилишининг аввалги тўрт ойидан сўнгги ўн кун ичидаги унга жон киргизилади.

Иккинчидан, жуссасидан баъзи аъзолар: соч, бармоқ, оёқ кабилар кўринган ва билинган пуштни тушириш жиноятдир. Унинг тушишига сабабчи бўлган одамга, она ё бошқа бўлсада, «ғурра» (пушт товони) бериш вожиб бўлади. Уламо ва фуқаҳоларнинг бу борадаги фикрлари бундай: бу босқичдаги пуштда жон бўлмайди, шундай бўлса-да, уни тушириш жиноятдир, заруратсиз тушириш ҳаромдир.

Учинчидан, баъзи уламолар пуштни жуссаси кўринмасдан ва шаклланмасдан олдин тушириш мумкин, деганлар. Пушт яратилишининг аввалги қирқ кунида шу босқичда бўлади, демак, ҳануз сув (нутфа) ҳолида туради, нутфани ташлаш, хотиндан суғуриб, ургуни чиқариш каби жоиз, дейдилар. Аммо жуда кўп фуқаҳолар бу сўзни эътиборсиз ҳисоблаб, рад этганлар ва бундай қилган ё унга сабабчи бўлган одам гуноҳкор бўлади, деганлар. Қийида машҳур иккى фақиҳ Имом Фаззолий ва Қозихоннинг «Иҳё» ва «Фатово»даги сўзларини келтирамиз. Имом Фаззолий «суғуриб тўкиш» билан «тушириш» орасидаги фарқни ва «тушириш»нинг ҳукми «суғуриб тўкиш» ҳукмидек эмаслигини баён этиб, бундай тушунтирадилар: «Тушириш ҳосил бўлган пуштга жиноятдир. Пуштнинг

босқичлари бор. Пуштнинг биринчи босқичи уруғ бачадонга тушиб, аёл тухуми билан қўшилиши ва жон қабул этишга тайёр бўлишидир. Бу ҳолни бузиш жиноятдир. Сув қуюқлашиб қонга айланган бўлса, жиноят оғирлашади. Агар унга жон киритилган ва жусса етилган бўлса, жиноят янада оғирлашади. Пушт тўла жонли ва жуссали бўлиб, ажралганида тушириш жиноятнинг энг оғиридир».

Қозихон бу босқичда пуштни тушириш мумкин, деганларнинг сўзларини келтирганларидан сўнг дейдилар: «Мен тушириш мумкин, демайман. Зеро, ҳаж ёки умранинг эхромидаги киши ов қилинадиган бирор нарсанинг тухумини синдириса, тухум у нарсанинг асли бўлганидан унинг қийматини тўлаши керак.

Пуштини туширган онага бўладиган гуноҳ ҳам ундан кам эмас. Аммо бу она гуноҳи қотиллик гуноҳи даражасига етмайди. Бу узрсиз туширганлар ҳақидадир».

«Тушириш» ҳақидаги сўзларни шундай хulosалаш мумкин: пуштни шаклланмасидан олдин тушириш ҳаромга яқин, макруҳдир. Шаклланган пуштни тушириш ҳаромдир. Жон киритилган пуштни тушириш жуда оғир ҳаромдир. Бу ҳукмлар зарурат бўлмаган ҳолдаги туширишга тегишидир (Аллоҳ билувчидир).

ПАРДОЗ-АНДОЗ АХЛОҚҚА ЗИДМИ?

Яқинда бир дугонам: «Муслима аёл безаниши, хушбўй атирлар сепиши, соchlарини чиройли турмаклаши мумкин эмас, чунки бу исломий ахлоққа зид», деб менга танбеҳ берди. Унинг бу таънаси ўринлими?

ЖАВОБ: Йўқ, унчалик тўғри эмас. Безак, хушбўйликлар эркак ва аёлни бирдай гўзал, чиройли қиласидан неъматлардандир. Безак кўз учун лаззатдир. Зеро, кўз безакли нарсани кўрса, қувонади. Хушбўй ис димоққа лаззат бахш этади. Инсон ширин ҳидлардан завқланади. Шунинг учун шариатимиз мусулмонларни жума, ийд ва бошқа оммавий йигинларга хушбўй ва ораста бўлиб боришга ундайди. Зеро, мусулмон биродарлари назарида гўзал ва хушбўй бўлиши керак. Ундан ҳеч ким нафратланадиган бўлмасин.

Бу ҳол эр-хотин ўртасида янада мухим ва аҳамиятлидир. Хотини эри олдида доимо безаниб юриши керак. Унинг олдида ҳамиша хушбўй ҳид таратиб юрсин. Бу ишларга, хусусан, қўшилишдан олдин катта эътибор бермоғи лозим. Безак уни эрининг кўзи ўнгидаги янада чиройли қиласи, хушбўйлиги ўзига тортади ва эрини ром қиласи.

Безак эри олдида чиройли лиbosларни кийиш билан ҳам бўлади. Эр-хотин ёлғиз бўлганларида лиbosларининг қисқа ё узунлигига, юпқа ё қалинлигига фарқ бўлмайди.

Шунингдек, хотин эрининг муҳаббатини қозониш учун аёлларга хос тилла ва бошқа тақинчоқларини тақиши ҳамда сурма, упа каби воситалардан ҳам фойдаланиб безаниши мумкин.

Сочларини чиройли турмаклаб, қўл ва болдириларидаги ортиқча жунларни кетказиб безанса ҳам бўлади. Айниқса, танаси ва оғзининг тозалигига эътибор бериши керак. Қўлтиқларидаги бадбўй ҳидларини кетказиши лозим.

Аёлнинг ўз бадани бичимига дикқат қилиши, мумкин қадар семириш ва ёғ босишидан сақланиши ҳам зийнатдир. Зеро, бадан бичими ҳам гўзаллиkdir.

Аммо таъкидлаш лозимки, аёл фақат ва фақат ўз эри учун безанади ва хушбўй бўлади. Эридан ўзгага безанган ва хушбўй бўлган аёл гуноҳкордир. Безак ва хушбўйлик лаззат беради, аёл эридан бошқа кимсалар ундан лаззат олишига йўл қўймаслиги керак.

Эрлар ҳам ўз аёлларига «бепардоз» кўринмасликлари зарур. Эр сочини тўғрилаши, мўйлабларини қисқартириши, бадани ва оғзининг тозалигига эътибор қилиши, хотин учун ўзини хушбўй қилиши, муносиб тарзда безаниши керак. Хотинининг кўзи ундан қувонсин, тотли ҳидига ғарқ бўлсин. Агар эр-хотин бу айтилганларга эътибор қилиб, хоссатан, қўшилишдан олдин уларга риоя қилса, баҳтиёрликнинг мухим

ХУЛУЬ ҲАМ ТАЛОҚМИ?

Яқинда талоқнинг «хулуъ» деган хили борлигини эшиждим. Бу қандай талоқ, шу ҳақда маълумот берсангиз.

шартига риоя қилган бўлишади (Аллоҳ билувчидир).

ЖАВОБ: «Хулуъ» (хуль) талоқнинг бир тури. Бу ҳақда Бақара сурасининг 229-оятида зикр этилган: «Эй мусулмонлар! Агар эр-хотиннинг Аллоҳ таоло кўрсатган шаръий ҳудудга риоя этолмасликларидан хавфсирасангиз, хотиннинг эридан ажралиш учун эрига мол беришида ва эрнинг уни олишида гуноҳ йўқдир». Яъни, хотин эрига пул ёки мол бериб талоқ олиши, ўзини ундан ҳалос қилиши гуноҳ эмас.

Ислом динида биринчи хулуъ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида содир бўлди. **Имом Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишларича, Собит ибн Қайс Ансорийнинг хотинлари** (Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин) **Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг олдиларига** келиб мурожаат қилди: «Эй Расууллоҳ! Мен Собит ибн Қайсни на хулқда, на динида айбламайман. Аммо Исломда ношуқрлик қилишини ёмон кўраман». **Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам** ундан сўрадилар: «Унга богини қайтариб берасанми?» Аёл: «Ҳа», деб жавоб бергач, **Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам** Собит ибн Қайс розийаллоҳу анхуга: «Богни олгин-да, уни бир талоқ қўйгин», дедилар. Собит ибн Қайс у хотинга уйланганларида маҳрига хурмо богини берган эдилар.

Бу ўринда шуни билиш мухимки, аёлнинг талоқ учун ҳали олмаган маҳридан кечиши ё олган маҳрини эрига қайтариб бериши ўз ҳохиши билан бўлиши лозим. Нисо сурасининг 4-ояти мазмуни бундай: «Хотинларга маҳрларини розилик билан беринг. Агар улар маҳрларидан бирор нарсани ўзлари рози бўлиб сизга қайтарсалар, уни енг, бунда гуноҳ ва бало йўқ».

АЗОБ ёки қийноқ таъсирида хотини маҳридан кечган эр хурсанд бўлмасин. Аллоҳ таоло эътиборида бу хотиннинг ҳукуқлари эрнинг зиммасидан тушмайди. У эр икки бор ҳисоб беради: хотинига зулм қилиб, азоблагани учун бир ҳисоб берса, хотинининг ҳаққини егани учун яна бир ҳисоб беради (Аллоҳ билувчидир).

(Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг нашрга тайёрланаётган «Ҳаёттый масалаларга доир зарур фатеъолар» китобидан)

АБУ УБАЙДА ИБН ЖАРРОХ

Абу Убайда Омир ибн Абдуллоҳ ибн ал-Жарроҳ ибн Ҳилол (Аллоҳ ундан рози бўлсин), машҳур саҳобалардан. Маккалик илк мусулмонлардан кейин биринчи бўлиб Исломга кирган. У Қурайш қабиласининг Бани Фихр уруғидан бўлиб, сулоласи еттинчи отада (Фихрда) Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сулолалари билан бирлашади. Аввал Ҳабашистонга, кейин Мадинага кўчганлардан. Тириклигида жаннат башорати берилган ўн саодатманд саҳобийнинг бири, яъни Ашараи Мубашшарадан. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан барча юришларда қатнашган. Ислом тарихида шижоатли, ўта жасур жангчи, буюк саркарда, одил, ҳәёли, ишончли киши сифатида танилган. Расууллоҳ вафотларидан сўнг ва Ҳазрати Умардан кейин Ислом умматига раҳбарлик таклиф этилганида кўнмаган. Ҳижратнинг 18 (милодий 639) йили Шомда тарқалган бир касалликдан Ўрдунда вафот этди, қабри Амё қишлоғида.

Абдуллоҳ ибн Умар (Аллоҳ ундан рози бўлсин) бундай дейди: «Қурайш қабиласида уч киши бор: улар инсонларнинг энг очик чехрали, гўзал ахлоқи ва ҳаёлиси дидирлар. Агар сизга гапиргудай бўлишса, бир луқма ҳам ёлғон кўшишмайди, агар сиз уларга гапирсангиз, сизни ёлғончига чиқаришмайди. Булар Абу Бакр Сиддик, Усмон ибн Аффон ва Абу Убайда ибн Жарроҳлардир» (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин).

Абу Убайда Исломга биринчилардан бўлиб Абу Бакр Сиддик чорлови билан кирган, Абдураҳмон ибн Авф, Усмон ибн Мәъзун, Арқам ибн Абу Арқам (Аллоҳ барчаларидан рози бўлсин) билан бирга Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига бориб, шаҳодат калимасини айтган эдилар. Илк мусулмонлар кўрган барча қиинчилек, хўрлик, Ислом душманларининг жабр-ситамини у ҳам бошдан кечирдилар. Кейинчалик мушриклар билан бўлган маъракаларда алоҳида шижоат ва мардлик кўрсатдилар. У кишининг Аллоҳга иймони кучли, Ислом уммати орасида ишончга сазовор, омонатга вафодор эди.

Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анху Уҳуд кунининг энг кўзга кўринган қаҳрамонларидан бири бўлдилар. Уҳуд уруши-нинг иштирокчиларидан **Абу Бакр Сиддик бундай ҳикоя қиладилар**: «Уҳуд уруши куни Расууллоҳ одамлардан ажраб ёлғиз қолганларида мен биринчилардан бўлиб у зот томон юрдим. Қарасам, бир одам у зотнинг олдиларида ҳимоя қилиб уруш қилмоқда: «Толҳа бўлса эди, отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин! Толҳа бўлса эди, отам ҳам, онам ҳам унга фидо бўлсин!» деб борсам, орқамдан Абу Убайда худди күшдек учиб келди. Биргалашиб етиб борсак, Расууллоҳнинг олдиларида Толҳа йиқилиб ётган экан. Расули акрам алайҳиссолату вассалом: «Биродарингизга қаранг, у ҳақлидир», дедилар.

Шу пайт Пайғамбар алайҳиссаломнинг ёноқларига бир нарса келиб тегиб, дубулғанинг ҳалқасини киритиб юборди. Уни Пайғамбар алайҳиссаломдан чиқариб олиш учун борган эдим, Абу Убайда: «Аллоҳ хайрингни берсин, Абу Бакр, менга қўйиб



бер», деди ва у кирган нарсани чиқара бошлади. Пайғамбар алаҳиссаломга озор бермаслик учун тиши билан чиқаришга ҳаракат қилди ва чиқариб олди. Абу Убайданинг олд тиши тушди. Сўнгра мен кейингисини олишга уринган эдим, Абу Убайда яна: «Абу Бакр, Аллоҳ хайрингни берсин, менга қўйиб бер», деди. Яна тиши билан чиқариб олди. Абу Убайданинг яна бир тиши тушди. Абу Убайда ибн Жарроҳ розияллоҳу анхунинг ўшанда тушган икки тишлари умр бўйи у кишининг Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга садоқатлари нишони бўлиб қолди.

Мұхаммад ибн Жаъфар ҳикоя қилади: «Бир куни Расууллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига насронийлар гурухи келип:

– Эй Абул Қосим, ўртамиздаги мол-мulkни тақсимлай олмай, бир-бirimiz билан қиргичоқ бўлиб кетаёздик. Сиз, мусулмонлар тўғрисўз, омонатдор кишисизлар. Шунинг учун бир ишонган одамнингизни бизга қўшиб берсангиз, у молларимизни адолат билан тақсимлаб берса! – дейишиди.

– Эртага келинглар, сизларга энг ишонган одамимни қўшиб бераман, – дедилар Фахри Коинот.

Бу ҳикояни Умар ибн Хаттоб (Аллоҳ ундан рози бўлсин) давом этиради:

– Эртаси куни пешин намозини ўқиш учун масжидга одатдан эртароқ келдим. Аллоҳ ҳаққи, умрим бино бўлиб, бирор марта одамлар орасида қозилик қилишни истамаган эдим, лекин ўшанда Сарвари олам «бу ишга мени танласалар-ку», деган орзу билан ёнардим. Пайғамбар алайҳиссалом бизга пешинни ўқиб бергач, ортларига ўғирилдилар. Нигоҳлари билан одамлар орасидан кимнидир ахтара бошладилар. Мен умид билан бўйнимни чўзиб қарадим. Пайғамбаримиз назарлари Абу Убайдага тушиб, уни чақирдилар. «Меҳмонлар билан бирга бориб, улар келиша олмаётган масалани одиллик билан ҳал қилиб бер», деб буюрдилар. «Улокни Абу Убайда илиб кетди», деб қўйдим ичимда.

Анас ибн Моликдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Албатта ҳар бир умматнинг амини (ўта ишончли кишиси) бўлади, бизнинг

аминимиз Абу Убайда ибн Жарроҳдир», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Термизий ривояти).

Жобир ибн Абдуллоҳдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Абу Убайда ибн Жарроҳни бош қилиб бизларни Курайш карвонини пойлаш учун юбордилар. У зот (алайхиссалом) бизни бир идиш хурмо билан таъминладилар, бошқа нарса топа олмадилар. Абу Убайда бизларга бир дона-бир донадан хурмо берар эди. «Уни нима қилар эдинглар?» деб сўрадим. «Гўдак сўргангча ўхшатиб, сўрар эдик. Сўнгра устидан сув ичар эдик. Баъзиларимиз таёкларимиз билан барт қоқиб келар эдик. Кейин уни хўллабер эдик», деди» (Абу Нуъайм ривояти).

Абу Саълаба (розияяллоҳу анҳу) қуидагиларни айтади: «Расууллоҳга (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) учраб: «Эй Аллоҳнинг Расули, яхши таълим олиш учун мени бир одамга йўлланг», дедим. Шунда у зот мени Абу Убайда ибн Жарроҳга юбордилар ва: «Мен таълимингни ва одобингни яхшилайдиган кишига жўнатдим», дедилар» (Ибн Асокир ривояти).

Абу Умома Бохилийдан (Аллоҳ ундан рози бўлсин) ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Абу Бакр, Умар, Абу Убайда ибн Жарроҳ (розияяллоҳу анҳум) ва бир гурух саҳоба билан ўтирган эдилар. Бир идишда шарбат кептирилди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Абу Убайдага тутдилар. Шунда Абу Убайда: «Сиз ўзингиз олинг, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. «Сен ол!» дедилар у зот. Абу Убайда пиёлани олди ва уни ичишдан олдин янга: «Сиз ўзингиз олинг, эй Аллоҳнинг Расули!» деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ич, барака албатта улуғларимиздадир. Ким кичигимизга раҳм қилмаса ва каттамизни улуғламаса, биздан эмас», дедилар» (Табароний ривояти).

Абу Убайда ибн Жарроҳ (розияяллоҳу анҳу) Шомга волий қилиб тайинланиб, катта мансабга эга бўлганидан кейин ҳам заррача ўзгармади. Қўл остида ўша вақтдаги дунёнинг энг кучли лашкари турганига қарамай, оддий аскардек юраверди. Шомдаги одамлар Исломдан олдин дабдабага ўрганиб қолишган эди. Мусулмонлар амирининг аҳволи бирпасда ҳамма ёққа овоза бўлиб тарқаб кетди.

Урва ибн Зубайрдан (розияяллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Ҳазрати Умар Шомга келган куни шомлик жуда кўп одам ва катталар кутиб олишди. Шунда Умар: «Оғайним қани?» деб сўради. «Ким у?» дейиши. «Абу Убайда», деди Ҳазрати Умар. «Ҳозир келади», дейиши. Абу Убайда каноп юганли туяни миниб келди. Ҳазрати Умар Абу Убайда ибн Жарроҳ билан кучоқлашиб кўришди. Кейин унинг уйига кирди. Уйда қилич, қалқон, эгаржабдуқдан бошқа нарса кўрмади ва: «Бошқа шерикларингга ўхшаб сен ҳам у-бу қилмадингми?» деб сўради. «Эй мўминлар амири, ётиб-тургани шу ҳам етади», деди Абу Убайда. Шунда Умар ибн Хаттоб розияяллоҳу анҳу: «Сендан бошқа ҳаммамизни дунё ўзгариб юборди, эй Абу Убайда», деди» (Имом Аҳмад, Абдуллоҳ ибн Муборак, Абу Нуъайм ривояти).

Мана шунинг учун ҳам Ҳазрати Умар Абу Убайда ибн Жарроҳни жуда яхши кўрар ва хурмат қилар эди. У киши ҳамма раҳбарлари, ишбошилари ва волийлари Абу Убайда ибн Жарроҳга ўхшаш бўлишини орзу қилар эди.

Имом Бухорий «Тарихи сағир»да Зайд ибн Аслам розияяллоҳу анҳудан, у киши Убай розияяллоҳу анҳу қилган ривоятда қуидагилар айтилади: «Умар ибн Хаттоб ўз

соҳибларига: «Орзу қилинглар!» деди. «Мен бир уй тўла дирҳамларим бўлиши ва уларни Аллоҳнинг йўлида инфок қилишни орзу қилурман», деди бири. «Орзу қилинглар!» деди у яна. «Мен мана шу уй тўла олтингларим бўлиши ва уларни Аллоҳнинг йўлида инфок қилишни орзу қилурман», деди бири. «Орзу қилинглар!» деди у яна. «Мен мана шу уй тўла олтингларим бўлиши ва уларни Аллоҳнинг йўлида инфок қилишни орзу қилурман», деди бири. «Орзу қилинглар!» деди у яна. «Бундан бошқа орзумиз йўқ», дейишиди улар. Шунда Умар: «Аммо мен мана шу уй тўла Абу Убайда ибн Жарроҳ, Муоз ибн Жабал ва Ҳузайфа ибн Ямон розияяллоҳу анҳум каби одамлар бўлишини ва уларни Аллоҳнинг тоати учун омил қилишни орзу қилар эдим», деди.

Сўнгра у Ҳузайфага мол юборди ва: «Назар солинглар, нима қилар экан?» деди. У молни тақсимлаб юборди. Сўнгра у Муоз ибн Жабалга мол юборди ва: «Назар солинглар, нима қилар экан?» деди. У молни тақсимлаб юборди. Сўнгра у Абу Убайдага мол юборди ва: «Назар солинглар, нима қилар экан?» деди. У молни тақсимлаб юборди. «Ана, сизларга айтмабмидим!» деди Умар.

Шомда вабо тарқалаётгани ҳаммаёқда шов-шув бўлгандан Абу Убайда розияяллоҳу анҳу халифа Умар ибн Хаттоб розияяллоҳу анҳудан қуидаги амрни олдилар: «Менинг сенга бир ҳожатим чиқиб қолди. Сенда бошқа мен учун уни ҳал қила олмайди. Агар ушбу мактубим сенга кечаси етиб борса, тонг отмасдан мен томонга йўл олишингни талаб қиласман. Агар ушбу мактубим сенга кундузи етиб борса, кеч бўлмасдан мен томонга йўл олишингни талаб қиласман». Абу Убайда розияяллоҳу анҳу мактубни ўқиб кўриб: «Мўминлар амирининг менга тушган ҳожатини билдим. У киши боқий эмас кимсани боқий қилмоқчи», дедилар. Сўнгра қуидаги мактубни ёздилар: «Эй мўминларнинг амири, менга тушган ҳожатингни билдим. Мен мусулмонлар лашкари ичадаман. Уларга етган нарсадан ўзимни четга олмоқчи эмасман. Аллоҳ менинг ва уларнинг ҳақида ўз ҳукмини қилмагунча улардан ажрамоқчи эмасман. Қачон сенга ушбу мактубим етиб борса, мени талабингдан ҳалол қил. Менга қолишига изн бер». Ҳазрати Умар мактубни ўқиб, қаттиқ иғладилар. У кишининг атрофида турганлар: «Нима, Абу Убайда ўлибдими, эй мўминларнинг амири?» дедилар. «Йўқ. Лекин ўлим унга яқинлашибди», дедилар у киши. Абу Убайда ибн Жарроҳ розияяллоҳу анҳу одамлар орасида юриб, уларни сабрга чақиради. Охири дард у кишининг ўзларига ҳам хуруж қилди. Синчалоқларига кичкина бир нарса чиқди. Одамлар у кишига тасалли бермоқчи бўлиб, ҳеч нарса эмас, дедилар. У киши бўлса, Аллоҳдан умидим бор, шунга ҳам барака берса ажаб эмас, дедилар. Охири у киши хаста бўлиб ётиб қолдилар.

Ибн Асокир Саъид ибн Абу Саъиддан ривоят қилади: «Абу Убайда ибн Жарроҳ розияяллоҳу анҳу Урдунда вабога чалинганида (қабри ўша ерда) ўша ерда ҳозир бўлган мусулмонларни чақириб: «Мен сизларга бир васият қиласман. Агар уни қабул қиласангиз, яхшилиқда бардавом бўлурсизлар—намозни ўқинглар, закотни беринглар, Рамазон ойи рўзасини тутинглар, садака қилинглар, ҳаж қилинглар, умра қилинглар. Бир-бирингизга насиҳат қилинглар. Амирларингизга насиҳат қилинглар, уларни алдаманглар. Дунё сизни ҳалок қилмасин. Агар бир одам минг йил яшаса ҳам, албатта, менинг сиз кўриб турган ҳолимга тушиши бор. Аллоҳ таоло бани одамга ўлимими ёзгандир. Улар ўларлар. Уларнинг энг фаросатлиси ўз Роббисига итоаткорроқ бўлгани ва қайтар куни учун кўпроқ амал қилганидир. Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи! Эй Муоз, одамларга намоз ўқиб бер». Ана шундан кейин Абу Убайда ибн Жарроҳ розияяллоҳу анҳу вафот этдилар. Аллоҳ таоло бу кишидан рози бўлсин!

Аҳмад МУҲАММАД тайёрлади

БИДЪАТ

«Бидъат»нинг луғавий маъноси «бир нарсан янгидан пайдо қилиш, янгилик киритиш» деганидир. Шаръий истилоҳда динда бўлмаган нарсани динга қўшиш, диний ишларда кейинчалик жорий бўлган одатлар «бидъат» дейилади.

Динга янгилик киритиш ҳаромдир. Чунки дин Аллоҳ таолонинг Ўз Расули (с.а.в.) орқали кўрсатган йўриғидир. **Диндаги бидъат икки хил бўлади:** 1. Эътиқодга тааллуқли бўлган бидъатлар (мўхтазилалар, равофизлар, жуҳаймия ва бошиқ тоифаларнинг Аҳли суннат вал жамоа эътиқодига қўшган фикрлари эътиқодий бидъатлардир). 2. Аллоҳ ҳамда Унинг Расули кўрсатмаган бирор иш ёки одатни ибодат сифатида динга киритиш каби амалиётдаги бидъатлар. **Пайғамбаримиз (с.а.в.) бидъатлардан огоҳ этиб:** «Сизлар Аллоҳнинг йўлига эргашинглар, ўзга йўлларга эргашманглар»; «Ким бизнинг бу ишимиз (динимиз)да ундан бўлмаган нарсани янгитдан пайдо қилса, у мардуд (яъни, рад этилган)дир»; «Аллоҳ бидъатчининг амалини то у бидъатни тарк этмагунича қабул қилмайди»; «Аллоҳ бидъат эгасининг рўзасини, ҳажини, умрасини, жиҳодини, фарз ва нафл намозларини қабул қилмайди ва у хамирдан қил суғурилгандек Исломдан чиқади»; «Албатта, энг тўғри Сўз Аллоҳнинг китобидир, энг яхши ҳидоят Мухаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо бўлганларидир. Ҳар бир янги чиқкан иш бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Барча залолат дўзахадир», деганлар. Бу айтилганлардан мусулмонлар ҳаётида янги пайдо бўлган, лекин диннинг асосига тегишли бўлмаган нарсалар бидъат бўлмайди. деганлар (*Абдуллоҳ ибн Масъуд*). Бидъатга қарши курашишнинг йўли илим ва уламолардир. Уламолар деганда илмига амал қилувчиларни тушуниш керак. Илмга амал қиладиган уламоларнинг камайиши бидъатнинг ривожланишига олиб келади. Аллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ суннатларини ўрганиб, уларга амал қилинса, иншааллоҳ, бидъат балосидан халос бўлинади. Бидъат ҳақидаги таърифларнинг ҳаммасини жамлаб таҳлил қилган мутахассислар уларни икки асосий йўналишга тақсимлайдилар. Биринчи йўналишдаги уламоларга имом Шофеъий ва у кишининг мазҳабидаги уламолардан Иzz ибн Абдуссалом, Нававий, Абу Шома, моликийлардан Қуроғий ва Зарқоний, ҳанафийлардан Ибн Обидийн, ҳанбалийлардан Ибн Жавзий ва зоҳирийлардан Ибн Ҳазм киради. Бу йўналишдаги уламолар бидъатни, у хоҳ ибодатларда бўлсин, одатларда бўлсин, яхши ёки ёмон бўлсин, «Қуръон ва Суннатда йўқ ва янги пайдо бўлган нарса», деб таърифлашади. Бу йўналишдаги таърифларнинг маъносини ўзида тўла акс эттирган таъриф Иzz ибн Абдуссаломни бўлиб, унда: «Бидъат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг даврларида бўлмаган нарсадир», дейилган. Биринчи йўналишдаги бидъатлар «вожиб бидъат» (масалан, нахъв илмини ўрганиш каби), «ҳаром бидъат» (қадария, ҳаворижлар каби адашган фирмалар каби), «мандуб бидъ-

ат» (мадрасалар ташкил этиш ва таровех намози каби), «макруҳ бидъат» (масжидларни нақш ила безатиш каби), «мубоҳ бидъат» (намоздан кейин қўл берib сўрашиш каби) ларга бўлинади. Кўпчилик мазкур таърифга биноан, бидъатни иккига тақсимлаб қўя қоладилар ва бидъат икки хил: яхши ва ёмон бидъат, дейдилар. Иккинчи йўналишдаги уламолар – имом Молик, Шотибий, Турсиший, ҳанафийлардан имом Шумунний ва Айний, шофеъийлардан Байҳақий, Ибн Ҳажар Асқалоний ва Ибн Ҳажар Ҳайсамий, ҳанбалийлардан Ибн Ражаб ва Ибн Таймиянинг фикрича, бидъатнинг барчаси – ибодатдагиси ҳам, одатдагиси ҳам залолатдир. Иккинчи йўналишдаги таърифларнинг энг машҳури ва жамловчиси имом Шотибийнинг таърифи ҳисобланади. У киши бидъатни икки хил таъриф қилган: 1. Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга ўхшатиш киритилади. Унга юриш ила Аллоҳга ибодат қилишда муболага қасд қилинади. Бу таърифда дин жавҳарига янги ўзгариш киритиш ҳақида, ибодатларда шариат кўрсатган йўлга ўхшаш йўл пайдо қилиш ҳақида сўз бораётгани очиқ-ойдин кўриниб туриди. 2. Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга ўхшатиш киритилади. Унга юришдан шариат йўлига юриш қасд қилинади. Имом Шотибийнинг иккинчи таърифи биринчисидан кенг бўлиб, унда ибодат ва одатлардаги янги ихтиро қилинган нарсалар бидъат экани таъкидланган. Имом Шотибийнинг ўзи эса, бидъат фақат ақида ва ибодатларга хос бўлишига мойил бўлган. Бинобарин, мусулмонлар ҳаётида янги пайдо бўлган ва дин асосига даҳлдор бўлмаган нарсалар бидъат бўлмайди. Ҳар бир янги пайдо бўлган нарса бидъат, ҳар бир бидъат залолат, барча залолатчи дўзахда бўлса, ҳолимиз не кечар эди? Ҳолбуки, Пайғамбаримиз ҳаётлик даврларида Қуръони карим китоб шаклига келтирилмаган, мадрасалар қурилмаган, турли илмлар шаклланмаган, китоблар ёзилмаган эди. Буларнинг барчаси кейин пайдо бўлди ва барча мусулмонлар, жумладан, бидъат маъносини тор олган уламолар ҳам бу ишларни катта қувонч билан маъкуллашади. **Бидъатнинг ҳукми ақийдада, ибодатда ва одатдагилигига қараб турлича бўлади:** 1) ақидадаги бидъат динда маълум бўлган очиқ-ойдин эътиқодга хилоф бўлса, ҳаром бўлади ҳамда куфрға олиб боради. Агар ақидадаги бидъат юқоридаги зикр қилинган нарсадан паст ва Аҳли сунна ва жамоа ақидавий мазҳабига хилоф бўлса, фисқ бўлади. 2) ибодатдаги бидъат гоҳида ҳаром, гоҳида макруҳ бўлиши мумкин. Ҳаромига таркидунчелик, офтобда туриб рўза тутиш ва аёлларга яқинлашмаслик учун ўзини бичиши каби бидъатлар мисол бўлади. Ибодатдаги макруҳ бидъатга жума хутбасида сultonларни зикр қилиш ва масжидларни ортиқча безаш мисол бўлади. 3) одатлардаги бидъат макруҳ ёки мубоҳ бўлиши мумкин: масалан, еб-ичишида исроф қилиш – макруҳлиги, емоқ ва ичмоқда лаззатни исташ – мубоҳлиги каби. «Бидъат» сўзи «Мусталаҳул ҳадис» уламолари истилоҳида ҳадис ривоят қилувчи ровийнинг Набий соллаллоҳу алайҳи вассалламдан кейин ҳавои нафсга берилиб, шариатда бўлмаган баъзи бир амалларни янгидан пайдо қилишини англатади. **Бидъатчи ровийнинг ҳукми бундай:** 1. Агар бидъатчининг бидъати кофирилкка олиб борса, унинг ривояти рад қилинади, қабул қилинмайди. 2. Агар ровийнинг бидъати фисққа олиб борса, бу борада ихтилоф бор. Лекин саҳиҳ қавл шуки, унинг ривояти икки шарт билан қабул қилинади: а) ўзининг бидъатига одамларни чақирмасин; б) ўша бидъатини тарғиб қиладиган ривоятни қилмасин.

Сайфуллоҳ АШУРОВ
тайёрлаган.

РАСУЛУЛЛОҲНИНГ ХИРҚАЛАРИ

Каъб ибн Зухайр жоҳилияят даврида Пайғамбаримизни (алайхиссалом), мусулмонларни, Ислом динини масхаралаб, ҳажв илиб шеърлар тўқир эди. Лекин Аллоҳнинг тавфиқи билан кейинчалик мусулмон бўлди. Шундан сўнг Ислом даъватига ҳисса қўшиб шеърлар айта бошлади. У «Пайғамбар дунёни нурлантирган машъала» деган маънодаги мисраларини ўқиганида Набий алайхиссалом хурсан бўлиб, елкаларидағи хирқани (тўнни) унинг эгнига ёлган эдилар.

Кейинчалик бу хирқани машҳур сахобий Муовия ибн Абу Суфён шоир Каъбнинг ворисларидан қирқ минг дирҳамга (олтин пулга) сотиб олди. Сўнгра бу муборак либос умавийлардан аббосийларга, улардан усмонлиларга ўтди. Ҳозирда эса, Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейида сакланмоқда.



ШАЙХ ШОМИЛНИНГ СЎЗИ

«Шайх Шомил бошчилигидаги Кавказ ҳалқининг истилочи русларга қарши бўлган истиқпол курашларида кўрсатган буюк жасорати олдида коммунизм ғоясининг отаси Карл Маркс ҳам ҳайратини яшира олмай: «Ҳурриятга қандай эришиш кераклигини Кавказ тоглиларидан ибрат олиб ўрганинг. Ҳур яашни истаганларнинг нималарга қодир эканини кўринг. Миллатлар, улардан сабоқ олинг...» дега эътироф этишга мажбур бўлган экан» (Рафиқ Иброҳим хотираларидан).

Шайх Шомил рус босқинчиларига қарши чорак аср кураш олиб борди. Истилочиларнинг сараланган сон-саноқсиз кўшинларини ер тишлатди. Унинг ҳар қилич сермашида, албатта душман калласидан жудо бўларди. Уни кўрганда рус аскарлари қочгани жой тополмай қолишарди.

Шиддатли жангларнинг бирда Шайхнинг кўксига найза санчилди. У совуққонлик билан найзани суғуриб олиб, бир четга улоқтириди. Сўнгра яраланган шер каби жангни янада қаттикроқ давом эттириди. Унда бир томондан ярасининг, иккинчи томондан олдинги жангда ҳалок бўлган дўсти Фозий Муҳаммаднинг

алами бор эди. Шайхнинг мардона ҳамлаларидан кейин душман тумтарақай бўлиб кетди.

Кеч киргач шайх Шомил бирдан кўздан фойиб бўлиб қолди. Ўша ердаги бир масжиднинг муаззини унинг ярадор эканини пайқаб, ортидан кузатиб юрган эди. Атрофни қоронғилик ўраб бўлгач, муаззин Шомилни душман кўзидан панароқдаги бир форга яшириди. Сўнг Шайхнинг ярадор бўлганини унинг қайнатаси Абдулазиз Афандига хабар қилди. Абдулазиз Афанди Догистоннинг катта табибларидан эди. У Шомилни форда парваришлиб, ўт-гиёҳлар билан даволади. Аммо яраси жуда хавфли эди. Шунинг учун бехуш ётган Шайхни қишлоққа олиб тушишга мажбур бўлишиди. Сўнг муолажа яна қишилқда давом эттирилди.


Орадан йигирма беш кун ўтиб, муолажалар ўз таъсирини кўрсатди. Ниҳоят шайх Шомил кўзини очди. Биринчи назари тушган киши тепасида турган онаси бўлди. Шунда унинг илк айтган сўзи ушбу бўлди: «Онажон, намоз вқатини ўтказиб юбормадимми?».

ИСТИБДОД ФОЖИАЛАРИ

Хиндистон Англияning мустамлакаси бўлган кезларда бир куни инглиз аскарлари велосипед ҳайдаб кетаётган инглиз қизига ҳурматсизлик қилишгани учун ерли аҳолидан етти юз кишини ўша ернинг ўзида отиб ташлашди. Кейин вилоят губернатори бутун шаҳар аҳолисини бир неча кун фақат эмаклаб юришга мажбур этди. Ундан нега бундай бўйруқ берганини сўрашганида: «Улар Ҳудоларига ишонишади, аммо битта инглиз аёли уларнинг барча илоҳларидан олийдир», деб жавоб берди.

Туркистонни босиб олишда жонбозлик кўрсатган рус генерали, Фарғона генерал губернатори М. Скобелев бундай деган экан: «Тўкилган ҳар томчи рус қони учун душманнинг (ўрта осиёликларнинг) қонини дарё қилиб оқизаман» (Мажид Ҳасаний. «Юрт бўйнидаги қилич», Тошкент, 1977).

Биринчи жаҳон уруши пайтида Мўсулда (Ироқ) ҳалқ очлиқдан оғир аҳволда қолиб, ҳар куни қанчалаб инсонлар



кўчаларда қийнала-қийнала жон берган ва бунинг олдини олишга ҳеч қандай чора топилмаган.

Энг даҳшатлиси, очликдан ўлган бечора ёш болаларнинг этларини гўшт дўконларида қўй ва қўзи эти деб сотган ёки ошхоналарда пишириб, ҳалқа едиришдек ваҳшийликка йўл қўйган ўн-ўн икки киши қатл этилган.

МАКРУХ АМАЛЛАР

Макрух амаллар иккиге бўлинади: ҳалолга яқин (танзихий) макрух амаллар ва ҳаромга яқин (таҳримий) макрух амаллар. 1. Ҳалолга яқин (танзихий) макрух амаллар – шариат жазмисиз ва уқубат таҳдидисиз манъ қилган иш ва нарсалар. Бунга мушук ва йиртқич қушлар теккан сувда таҳорат қилиш, мисол бўлади. Бундай ишни қилмаганлар савоб олади, мақталади, қилганлар эса иқоб қилинмайдилар, маломатга қолмайдилар. 2. Ҳаромга яқин макрух (таҳримий) амаллар – қилиш шариат жазмий равишда ман қилган, лекин ман қилишни қатъий бўлмаган далил (оҳод ҳадислар) сабит бўлган амаллар; кўнгил қабул қилмайдиган ва табиат нафрат қилиб жирканадиган, ман этилган иш ва нарсалар. Улар ҳам ҳаромдай гап.

Макрух ишни гуноҳидан қўрқиб қилмаган киши савобли, қилаверган киши гуноҳли бўлади. Ҳанафий мазҳабида таҳримий макрух қисқа қилиб «макрух» деб қўйилади. Танзихий макрух эса таъкидланади. Макрух ишларнинг макрухлигини инкор қилган киши коғир бўлмайди, гуноҳкор бўлади. Макрух ва муфсиҳ (зараарли, бузғунчи) амалларнинг машҳурлари ушбулардир:

1. Ахлоққа хилоф куй-кўшиқлар, шеърлар тинглаш, рақслар томоша қилиш.
2. Пардасиз шеърлар битиш.
3. Илмга аҳл бўлмаган кишиларга илм ўргатиб, вақтни соvuриш.
4. Қуръони каримдан ёд олган сурга ва оятларни тақрор қилмай унудиши.
5. Иш қилаётган кишилар ҳузурида Қуръон тиловат қилиш.
6. Қуръонни, оятлар ёзилган қоғозларни ва диний китобларни номуносиб жойларга ташлаш.
7. Оят ёки бошқа яхши нарсалар ёзилган қоғозларни ёндириб юбориш.
8. Жунуб, ҳайзли, нифосли ва таҳоратсиз кишиларнинг Қуръонни гифофсиз ушлашлари.
9. Мазкур ҳолатдаги кишиларнинг тиловат қилишлари (таҳоратсиз киши Қуръонни ёддан ўқиши мумкин).
10. Жунуб ва таҳоратсиз кишининг аzon ва тақбир айтиши.
11. Жунуб, ҳайзли ва нифосли ҳолда масжидга кириш.
12. Масжидда дунёвий сўзларни сўзлаш.
13. Масжидда дунёвий ишларни қилиш.
14. Масжидда олдинги сафларга ўтиш учун ўтирганларнинг елкаларидан ошиб ўтиши.
15. Масжидда бармоқларини қирсиллатиб, соқол ва мўйловларини силаб одобсизлик билан ўтиши.
16. Масжидда тиш кавакларини ва бурунларини кавлаб ўтиши.

17. Масжидда эснаш ва қаттиқ овоз билан аксириш.
18. Масжидда имом хутба ва мавъиза қилаётганида ўзаро сўзлашиб ўтиши.
19. Имом жума хутбасини ўқиётган пайтда жума суннатларини ёки нафл намоз ўқиши.
20. Масжид ичида тупуриш ва бурун қоқиши.
21. Масжидда тақаббурлик билан (керилиб) ўтиши.
22. Намоз ўқиётган кишининг олдидан ўтиши.
23. Азон айтилаётган пайтда бирорга салом бериш ёки алик олиш.
24. Азон айтилаётган пайтда сўзлаши ёки бирон иш қилиш.
25. Нафл намоз ёки рўзани узрсиз бузии (мехмон хурсандчилиги учун нафл рўзасинигина, кейин қазосини тутшиш шартни билан, очиш мумкин).
26. Қуёш чиқаётган, қиёмга келган ва ботаётган пайтда намоз ўқиши.
27. Тонг отганидан сўнг қуёш чиққунича ва аср намозини ўқиганидан сўнг қуёш ботгунича нафл намоз ўқиши.
28. Жума ва шанба кунларини хослаб рўза тутшиш.
29. Ўртада ифторлик қилмай, кунни кунга улаб рўза тутшиш.
30. Эрнинг рухсатисиз нафл рўза тутшиш.
31. Арафа куни, ҳайт куни ва ташриқ кунларида умра қилиш.
32. Қуръон ўқишини яхши билмайдиган киши ўзининг яроқсизлигини билатуриб имом бўлиши.
33. Масжидда намоз тугамай ёки Қуръондан тиловат қилинаётган пайтда чиқиб кетиши.
34. Жунуб киши ювингай туриб овқатланиши.
35. Овқат ва ичимликларни чап кўл билан истеъмол қилиш.
36. Чақирилмаган жойга меҳмонга бориш.
37. Эгасининг розилигисиз таомини ейиш.
38. Дасттурхонда ўзгаларнинг олдидан олиб ейиш.
39. Овқат ва ичимликларни жаҳл билан тўкиб юбориш.

40. Овқатни (хом, қаттық, пишмажан ёки аччиқ, деб) ёмонаш.
41. Овқатни ҳудлаш.
42. Нон устига пичоқ, түздөн каби нарсаларни қүйиши.
43. Нон бүлактарини қолдириб, яңғисини синдириши.
44. Пичоқ ва құлни нон билан тозалаш.
45. Нонни бир құл билан синдириши.
46. Такаббурлық билан ётиб ёки ёнбошлаб овқатланиши.
47. Тик туриб овқатланиши өсім ичиши.
48. Зиёфатдаги овқат ва нарсалардан әзасининг рухсатисиз олиб кетиши.
49. Зиёфат пайтида фаҳш сүзларни айтшиш.
50. Дастанхондан овқатлар олинмай туриб тарқалиши.
51. Дастанхон атрофида ўтирган одамлардан бирини түрғизиб юбориб, ўрнига ўтириши.
52. Никоқ түйини зиёфатсиз ўтказиши.
53. Замзам суви, сут ёки хушбүй нарсалар берилганида қайтариши.
54. Дастанхонга қүйилған овқатни дархол ўтириб емасдан күттіриб қүйиши.
55. Баданға заифлик келтирувчи нарсаларни ейиши.
56. Ёнда оят ёзилған қотозлар билан ҳожатхонага кириши.
57. Соғ бўлатуриб ўй ичида ҳожат ушатиши.
58. Тик туриб сийиши.
59. Масжид ва қабрларга қирқ қадам яқин жойларда таҳорат ушатиши.
60. Ҳожатхона ичида таҳорат олиши өсім қилиши.
61. Истинжони ўнга құл билан қилиши.
62. Ҳожатхонада ахлатига қараши.
63. Ҳожатхона каби нохуш жойларда узрсиз күп ўтириши.
64. Сувга сийиши.
65. Мевали даражтлар тагига ҳожат чиқазиши.
66. Одамларга кўриниб туриб таҳорат ушатиши.
67. Ҳожатхонада қиблага қараб ёки қиблага орқа қилиб ўтириши.
68. Очиқ жойларда ойга ёки күёшга олдини ё орқасини қилиб ўтириши.
69. Ҳожатхонада сўзлашиб ўтириши.
70. Кесакни (хало қофозини) ўнга құл билан тутшиш.
71. Азон айтиласётган пайтда таҳорат ушатиши.
72. Қофоз, суюк, барғ каби нарсалар билан истинжо қилиши.
73. Одамларга кўринган ҳолда кесак тутшиб кириши.
74. Кесак тутшиб юрган кишига салом бериш.
75. Ўнга құл билан бурун қоюши.
76. Аврат жойларни узрсиз ўнга құл билан ушлаш.
77. Одамлар ичида беузэр ел чиқарииши.
78. Чумоли каби кичкина ҳашаротлар инига сийиши.
79. Ахлатларни махсус қурилмаларга ташламай, ўйлга ва гузар жойларга ташлаш.
80. Ҳожатхонада туриб салом бериш ва алиқ олиши.
81. Салом берганда ва алиқ олганда бошини эгиб ёки құлни күкракка қўйиши.
82. Саломлашмай туриб сўз бошлаш.
83. Иймонсиз кишига биринчи бўлиб салом бериш.
84. Бирон ҳаром ва гуноҳ ишни қилиб турган одамга салом бериш.
85. Мўйловларини ўстириб кириши.
86. Соқолни қисқа қилиши.
87. Соңнинг бир тарафини қириб, бир тарафини ўстириб кириши.
88. Соқол ва мўйловларини бутунлай қирдириб кириши.
89. Аёллар сочларини қирдириши ёки кестириши.
90. Соқол, мўйлов ва сочларининг оқарган тукларини юлиб ташлаш.
91. Юзидағи ва қош орасидаги тукларни юлиш.
92. Эркаклар соқол, мўйлов ва сочларини қорага бўяшлари (қизил ва сарғиши рангларга бўяса бўлади).
93. Эр кишилар қўлларига хина қўйишлари.
94. Жунуб ҳолда соч олдириши.
95. Жунуб, ҳайзли ва ниғосли ҳолда тирноқ олиши.
96. Тирноқни тиш билан узиши.
97. Тирноқларни қирқ кунгача олмай юриши.
98. Олинадиган тукларни қирқ кунгача олмай юриши.
99. Тирноқ ва тукларини ифлос жойларга ташлаш.
100. Аёллар сочларига соч улашлари.
101. Зийнат учун тишиларни эговлатиши.
102. Аёлларнинг умумий ҳаммомларга бориши.
103. Аёлларнинг кўчага зийнатланиб ва хушбўйланиб чиқишилари.
104. Баданга турли суратлар ва нақшлар чиздириши.
105. Аёллар эрлари ёки маҳрамларисиз сафарга чиқишилари.
106. Фол кўрувчи билан мулокот қилиши.
107. Зарур бўлмаган пайтда Аллоҳнинг номи билан қасам ичиши.
108. Сотуечи молини мақтаб қасам ичиши.
109. Иймонсиз кишиларгина киядиган кийимларни (ҳаеас қилиб) кийиши.
110. Балоғатга етмаган ўғил болаларга ипак кийим кийдириши.
111. Ифлос кийимлар кийиши.
112. Такаббурлық учун шим ва иштонларни узун кийиши.
113. Эр кишиларнинг қизил ва сариқ кийимлар кийиши.
114. Ўзига ўлим тилаш.
115. Узоқ яшаш ва кўп ишларни қилишни ҳавас қилиши.
116. Вабо касаллиги тарқаган жойдан қочиб чиқиб кетиши.
117. Вабо касаллиги тарқаган жойга кириши.
118. Табиб бўлмаган шаҳар ва қишлоқларда яшаш.
119. Юқумли касали бор кишига уч газдан яқин келиши.
120. Ўлик учун дод солиб йиғлаш.
121. Ўз сўзини ўтказиш учун тўғри сўзга қарши чиқиши.
122. Ҳақиқатини билмай туриб ўз гумонича гапириши өсім қилиши.
123. Ўзида йўқ яхшиликлар билан мақтаниши.
124. Бирорда йўқ яхши сифатлар билан мақташ.
125. Одамларни кулдириши учун ёлғон сўзлар билан мазах қилиши.
126. Уят ва фаҳш сўзларни сўзлаш.
127. Бирордан бирон ҳожат сўрагандага, Аллоҳ учун, деб сўраш.
128. Аллоҳ учун, деб ҳожат сўраган одамни қуруқ қайтариши.
129. Бирорга қилган яхшилик ва эҳсонини миннат қилиши.
130. Фойдали гапларни керагидан ортиқ гапириши.
131. Бехуда гапларни гапириши.
132. Қарз ёки бирон ҳожат сўрагандага хирадлик қилиши.
133. Оғизни тўйлдириб сўзлаш.
134. Бирорнинг устидан киноя қилиб кулиши.
135. Бесабаб кўп кулиши.
136. Инсон ва ҳайвонлар суратларини уйда рўпарага осиб қўйиши.
137. Уйда им боқиши.
138. Золим бошлиқларни иззат қилиши ва улардаги йўқ сифатларни айтшиб мақташ.
139. Ота-она, устоз ва олим кишилардан бошқаларнинг қўлларини ўпиши.
140. Ўзини ўзи қарғаш.

**Сайфуллоҳ АБДУЛЛОҲ ўғли
тайёрлади.**

(Давоми келгуси сонда)

Аҳмад МУҲАММАД

ЛОҚАЙДЛИК БАЛОСИ

Искандар Мақдунийнинг (Александр Македонскийнинг) отаси, Македония ҳукмдори Филипп Коринфга қарши юриш бошлаганини, у ерда ўзига қарши урушга тайёргарлик кетаётганини эълон қилди. Шунда юонон донишманди Диоҳен (Диоген) ўзи яшаб турган хумни у ёқдан бу ёққа думалата бошлади. «Нега бундай қиляпсан, Диоген?» деб сўрашганида: «Ҳозир ҳамма ўзига яраша ташвиш билан югуриб-елиб юрибди. Мана шундай бир пайтда менинг бекор ўтиришим, лоқайд туришим яхши эмас. Хумни думалатишим боисига келсак, бисотимда бундан бошқа нарсам йўқ», деб жавоб берган экан.

Диоҳеннинг бу гаплари мени кўп ўйлантиради. Бисотида ичи-га тушиб тунайдиган биттагина хуми бўлган донишманд юрт бошига иш тушганида бекор ўтириши эп кўрмай, ҳеч бўлмаса шуни думалатиб турай, деган хаёлга борган экан. Биз-чи? Бизлар ҳам мана шундай таҳликали кунларда юонон донишманди каби иш тута оламизми? Қўшнимиз, дўстимиз, ҳамкасбимизнинг бошига бирор кулфат тушганида ёрдамга ошиқа оламизми? Ёрдам бериш қўлимиздан келмаса, ҳеч йўқ бир оғиз сўзимиз билан тасалли беришга ярайимизми? Бунга ҳам ярамасак, нари борса унинг ҳолига чин дилдан ачина оламизми?

Йўқ! Минг афсус, юз минг афсус, орамиздаги айrim кишилар ана шу саволларга ҳамиша ҳам ижобий жавоб бера олишмайди. Сабаби – одамлар орасида «лоқайдлик» деган оғир бир дард, тузалмас бир хасталик жуда илдиз отиб кетган. «Қўшнининг уйи ёниб кетса, менга нима, менини омон қолди-ку!» деган кайфиятдаги одамлар ҳам бор. «Дўстим қамалиб қолган бўлса, мен қаматганим йўқ-ку, ўзи жуда ҳадидан ошиб кетганди-да, босар-тусарини билмай, керилиб кетган эди», дея ўзимизни овтамиз. «Қариндошим турмушда қўйналиб қолган бўлса, менинг нима айбим бор, ҳадеб уйида ётавермай мундоқ елиб-юргурсин эди», деб ақл ўргатадиганларимиз ҳам топилади. Йўлда машинаси бузилиб қолган ёки бензини тугаб қолган ҳайдовчининг илтико билан кўтарилган қўлини кўрмаганга олиб ўтиб кетамиз. Баҳонамиз ҳам тайёр: «Юмушимга шошиб турувдим» ёки «машина тузатиш қўлимдан келмаса» ёки «ўзимда ҳам ёнилғи кам эди». Ҳузурингизга ёрдам сўраб ёки маслаҳат олиш илинжида келган кишининг гапини эшитингиз ҳам келмайди, чунки сизга ҳам «лоқайдлик касали» юқсан. Юртимизга Ғарб ўлкаларидан шиддат билан бостириб келаётган «поп-маданият» билан ҳам, ёшларимиз ахлоқига заҳарли ханжар бўлиб урилаётган фаҳш ва бузуқликларни тарғиб қилувчи матбуот, китоб ва филмларнинг кўпайгани билан ҳам, фарзандларимиз ўқишида эмас, компьютер ўйинхоналарида вақт совуришшётгани билан ҳам ишимиз йўқ. Чунки бу нарсалар гўё бизга тааллуқли эмас, чунки биз лоқайдлик касали билан оғриганмиз.

Балки, ушбу сатрларни ўқиётган бирор киши: «Жа оширвор-манг, биринчидан бунақа гирт лоқайд, ҳафсаласиз, худбинлар ҳаётда жуда кам учрайди, иккинчидан одамлар майда-чўйда нарсаларда лоқайдлик кўрсатишса ҳам юрт ёки миллат бошига оғир синов келса, қараб туришмайди» деб эътироз билдиromoқчи бўлаётгандир? Унда масалани сал каттароқ, миқёслироқ қилиб оламиз. Худо кўрсатмасин, юртга бирор табиий оғат ёки каттароқ бир бало келганида айнан ўша лоқайдлар «менинг уйим қишлоқнинг энг четида» деб кўзларини юмиб, қулогига пахта тикиб олади. Қўшнисининг уйи ёнганида бошини кўрпасига қаттиқроқ ўраб олган лоқайд кимса юрт ёнаётганида ҳам деразадан бosh чиқарib қараб кўймайди. Дўстининг бoshига кулфат келганида эти жимиirlab қўймаган лоқайд кимса халқининг кулфатига ҳам томошабин бўлиб тураверади. Бир

мусулмон биродарининг бошига келган мусибатга бепарво юрган лоқайд кимса дунёнинг турли бурчакларида зулм остида эзилаётган диндошларининг қисматига заррача ҳам ачинмайди. Мусулмонларнинг қалб жароҳатига айланган Афғонистон, Кашмир, Ирок, Фаластин каби ўлкалардаги мусулмонларнинг дод-фарёди бундай кимсаларнинг қулогига кирмайди. Кўплари ҳатто бундай ўлкалар борлигини билишга қизиқишмайли ҳам.

Чунки кўпларимиз фароғат излашга ўрганиб қолганимиз. Тин-клигимизни, роҳатимизни ўзгалар муаммоси туфайли бузгимиз келмайди. Мабодо, фарзандимиз синфдошининг алкаш отаси уни уйидан ҳайдаганини ёки мушукнинг дарахта осилиб қолганини айтиб киргудай бўлса, «сенга нима?» деб ўшқиришга одатланганимиз. Биздан бундай тарбия олган, ибрат кўтарган фарзандимиз эртага лоқайдларнинг лоқайди бўлиб етишса, яна кимдан ўпкалаймизу кимдан хафа бўламиз? Қадимги Хитой донишманди Шан Ян мамлакатни заифлаштирувчи текинхўрликнинг олти кўриниши ҳақида ёзар экан, биринчи бўлиб кексайганда лоқайд яшашга интилишни келтиради.

Абу Ҳурайрадан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинишича, Расуулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай марҳамат қилганлар: «Ким дунёда бир мўминнинг дунё ғамларидан бирини енгиллаштиrsa, Аллоҳ таоло ҳам ундан қиёмат ғамларини енгиллаштиради. Ким қийинчиликда қолган биродарини осонликка чиқарса, Аллоҳ таоло уни дунё ва охиратда осонликка чиқаради... Агар банда биродарига ёрдам берса, Аллоҳ таоло ҳам бандасининг ёрдамида бўлади» (Муслім ва Бухорий). Бошқа бир ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссаломдан ушбу мужда бор: «Амалларнинг энг фазилатлиси бошқаларнинг ҳожатини чиқаришдир».

Улуғ валийлардан бири Сирри Сақотий пиёда ҳажга кетаётганида ҳамсафарлари: «Эй шайх, умрингизда ҳеч хато қилганимисиз?» деб сўраб қолишибди. Шайх бошини ерга эрган кўйи: «Эй қардошларим, бир хатойим борки, унинг отаси мана ўттиз йилдирки юрагимни ёндиради, ҳар эслаганимда қалбим ўртанади», деб жавоб берибди. «У қандай мудҳиш хато эканки, сизни бунчалар қўйноққа солган?» деб сўрашибди ҳамроҳлар. Фазилатли шайх бундай жавоб қилди: «Ўттиз йил олдин Бағдодни ёнғин олди. Дўконим жойлашган Чорсу мавзеи ҳам ёнғин балосидан омонда қолгани йўқ. Ўша куни сафарда эдим. Хабарчилар барча қўшниларимизнинг дўкони ёниб битгани ҳолда менинг дўконим оловдан омон қолгани хабарини беришибди. Қувонганимдан «Алҳамдуллаҳ» деб Парвардигорга ҳамд айтдим. Аммо шу заҳотиёқ бощқа мусулмонларни унутиб, ёлғиз ўзимни ўйлаганим учун кўп афсуслар қилдим. Дарҳол тавба қилиб, истиғфор айтдим. Каффорат бўлсин деб дўконимдаги ҳамма молларимни садақа қилдим».

Ўтмиш аждодлар ана шундай ўзгалар ғамида жон куйдирувчи, биронлар деб молини, борингки, жонини фидо қилувчи асл инсонлар бўлишган. Бизлар лоқайдлик, бепарво-

лик, танбаллик, худбинлик бобида биринчимиз. Ўзимиз лоқайд бўлибина қолмай, ўзгалар ғамида юрган, бошқаларга ёрдам бериш пайда бўлган олийжаноб инсонлар устидан куламиз ҳам.

Бир танишимиз тўқимачилик корхонасида бош муҳандис эди. У корхонани ривож топтириш учун янги-янги ихтиорлар ўйлаб топар, турли ташаббуслар билан майдонга чиқар, оламшумул режалар тузар эди. Аммо бош директорнинг бу янгиликларга лоқайд муносабатидан фифони фалакка чиқиб, ҳаммага шикоят қилиб юради. Нима бўлдию, замона бир айланниб унинг ўзи корхонага бош директор этиб тайинланди. Шунда ҳамма «Ана энди янги бошлиғимиз олдин ўзи рўёбга чиқара олмаган ғояларини ишга солади, корхона ишларини равнақ топтиради, ишларимиз гуриллаб, маошларимиз ҳам ошади», дея ширин ҳаёлларга борди. Аммо иш улар кутганидай бўлиб чиқмади. Янги бошлиқ уч йилгина олдин таъмирдан чиқкан корхона идорасини бошқатдан «замонавий» қилиб таъмирлашдан ташқари бирор янгиликка қўй урмади. Сал оғзи ботирроқлар тайинланганига икки йил бўлса ҳам ҳеч қандай ўзгариш қилмаётган бошлиқни қийин-қистовга олишса, у бундай жавоб қилган эмиш: «Мени бу ерга боғлаб қўймаган, яна икки-уч йилдан кейин бўшатишлари мумкин. Шундок бўлгач, нима қиласман жонимни койитиб, ўзимга мuaамo ясаб?! Ким мендан миннатдор бўлар эди?!»

Бундай фикрлайдиганлар фақат ўша калтабин бошлиқнинг ўзи эмас! Худди у каби қанча раҳбар ва раҳбарчалар ё курси-ларидан хавотирланиб, ё катталарга ёқмай қолишдан чўчиб ёки шунчаки лоқайдликларига бориб, ишхоналарида ҳар қандай ўзгаришларга йўл бермай, янгиликлар киритишга ҳафсала қилмай туришибди. Жамоат манфаати, юрт равнақи, миллат фаровонлиги йўлида жон койитилиари келмай юришибди.

Оиладаги, майший ҳаётдаги лоқайдлик бора-бора кучайиб, энди ижтимоий, диний, мъянавий аҳамият касб этмоқда. Кеча боласининг ахлоқизлигига индамаган ота бугун жамият аъзоларининг жиноятларидан ҳам кўз юммоқда. Кечак кўшнисининг ночорлигига ачинмаган кимса бугун бутун бир ҳалқнинг ахволига ҳам ачинмайди. Оила аъзосининг эътиқоди ҳақида бош қотирмаган оила бошлиғи бугун айрим юртдошларининг миссионерлар тузогига осонгина илинаётганига ҳам бел парво. Шу каби оддийгина лоқайдлик бундан катта жиноятларга, кулфатларга йўл очади. Бугун арзимас бир нарсага лоқайд қараган бир иш эгаси эртага бутун миллатни ҳалокатга дучор қилувчи бир вабо ёки иллатнинг юртда тарқалишига индамай томошабин бўлиб туради. Бугун лоқайдликни иллат санамаган бир ходим озигина садақа эвазига эртага ирси ўзгартирилган сабзавотларининг бутун ўлкага тарқатилишига бемалол йўл очиб беради. Бугун лоқайдлиги билан фахрланувчи бир ақаҳон эртага ўз фойдасини кўзлаб қанчалар инсонларнинг ҳаётига зомин бўлувчи доридармон ёки эмлаш воситасини мамлакатга тарқатишга ўйламай имзо чекиб юборади.

Ана шундай лоқайдлик касалидан айниқса мусулмонларимиз ниҳоятда эҳтиёт бўлишлари зарур. Чунки Ислом фаоллик, эзгулик, инсонийлик динидир. Бу дин ўзгалар баҳти-саодати йўлида фидокорлик кўрсатишга, бошқалар фамини чекишга, ҳар бир мусулмоннинг эътиқоди ва ахлоқи ҳақида жон койитишга чорлайди. Ўтмиш аждодларимиз буни яхши ҳис этган ҳолда бир-бирларини ҳамиша йўқлаб туришган, бир-бирларига ёрдамга ошиқишган, сафардаги қўшниларининг оиласидан ҳабар ошишган, бир-бирларини яхшиликка чақириб, ёмонликдан қайтаришган, ҳамма нарсани ҳамжихатлиқда, уюшган ҳолда бажаришган.

Хозирги пайтда мусулмонларни қолоқлиқда, келишмаслиқда, лоқайдликда айблаб, Ислом шаънгига тинмай тухмат ва иғво тошлари отилаётганида мусулмонларнинг ҳам айби бор. Сўнгги асрларда илм-фан тараққиётидан ортда қолиш, майда-чуйда ички ихтилофлар билан ўралашиши, Ислом биродарлигининг тобора унтулиб бораётгани, дин қайғусининг дин ялқовлиги ва лоқайдлигига айлангани, энг даҳшатлиси, аждодлар ибрати ва

меросидан воз кечилгани ана шу хатоларнинг бошидир.

Австриялик машхур сиёсатдон ва ёзуви Асад Вайс бундай ёзади: «Менинг Ислом таълимотидаги бенихоя кенг доирани ўрганишим жараённида мусулмонларнинг бу таълимотдан узоқлашаётганларидан ҳайрат ва таажкубим орта борди. Исломдаги фаоллик, ҳаётсеварлик мусулмонлар орасида ялқовлик ва лоқайдликка айланганини, Исломдаги олийжаноблик, Ҳақ учун фидокорлик эса тор мъянодаги тарафкашликка, енгил ҳаётга интилишига айланганини кўрдим».

Демак, бир вақтлар аждодлари ер юзида Исломни тарқатиш йўлида жон фидо қилган, бунинг учун бир қанча ўлкаларни фатҳ этиб, ҳалқларга ҳидоят, нажот, иккни дунё саодатини олиб борган мусулмонлар буғунги кунда ўз ибратлари, исломиятнинг инжалари орқали ғайримуслимларнинг қалблари, ақллари, шуурларини забт этмоққа бурчлидирлар.

Лоқайдлик худбинлик ва танбалликни туғади. Ўзгалар ғам-ташвишига лоқайд одам факат ўзини ўйлаган, ўз роҳат-фароғати, манфаатини ҳамманикidan устун кўювчи ўта худбин кимсалар бўлади. Худбинлик эса меҳр-шафқат, одамийлик, фидойиликнинг кушандасидир. Юқингизни кўтара олмай турганингизда индамай тескарига қараб кетган, машиналарини йўлнинг ўртасига тўхтатиб, ҳаракатга халақит берган ҳолда салом-алик қилаётган, гижиллашиб қолган икки кишини ажратиб, муросага келтириш ўрнига можарони томоша қилиб турган, машина уриб кетган йўловчига ёрдам кўрсатиш ўрнига ҳалокатга учрагани телефонига суратга туширишга уринаётган кимсалар жамиятдаги энг хавфли иллатга чалинган баҳтиқаролардир.

Одамзод яратилганидан буён унинг жисмида мавжуд бўлган сўзлаш, хаёл, сезиш қувватлари каби танлаш қуввати ёрдамида инсон бошқалардаги гўзл ва хунук хислатлар, муҳим ва зарарли ишларнинг яхши-ёмонини ажратади. Абу Наср Форобий ёзганидай: «Танлаб олиш хосияти ёрдамида инсон бирор нарсани истайди ёки ундан қочади, унга берилади ёхуд ундан жирканади, ундан таъсирланади ёки тортинади. Бунинг натижасида нафрат ва муҳаббат, дўстлик ва душманлик, қўрқинч ва жасурлик, ғазаб ва розилик, шаҳват ва миннатдорлик, лоқайдлик ва фидойилик хис-туйғулари пайдо бўлади».

Лоқайдликнинг энг ёмон кўриниши бекорчилик ёки ўзи севмаган машғулотни қилиш, ўзгаларнинг миннатли эҳсонларига кўз тикиб яшаш, ўзингизга ёки инсониятга фойда келтирмайдиган ишлар билан шугулланишдир. Булар ҳам ҳаётингизнинг маромини бузадиган, турмушингиздан файз ва лаззатни олиб қўядиган энг ёмон иллатлардандир. Бекорчилар барчанинг назаридан қолган ва ҳамманинг эътирозига сабаб бўлувчи кишилардир. Чунки уларнинг иродаси бўш, ўзлари эса ачинишга лойиқ бебаҳт кишилардир.

Инсоннинг энг тубан ва хатарли ҳолатларидан бири унинг лоқайд, бекорчи бўлиб қолишидир. Бундай инсон икки тарафига қалқа-қалқа пастликка шитоб билан тушиб бораётган ҳайдовчисиз машинага ўхшайди. Агар бекорчи, ишёқмас, танбал бўлиб қолар экансиз, ўзингизни ғам-андух ва қўрқинчлар гирдобига тайёрлайверинг. Чунки бекорчилик сизга ўтган, ҳозирги ва келажак ҳаётдаги барча паст-баландликлар, мashaқкат ва озор-ўқинчлар ҳақидаги маълумотлар дафтар-часини олиб келади. Миянгизга бир-биридан ваҳимали ташвишларни, ғам-ташвишига қоришган ўй-фикрларни тўлдириб ташлайди ҳамда сизни бесаранжомлик ва гурбат чангальзорларига киритиб юборади.

Лоқайдлик биргина мусулмонларнинг эмас, бутун дунё ҳалқларини ташвишига солаётган муаммолардандир. Лоқайдлик ҳар қандай фаровон ва аҳил жамиятни ҳам ҳалокатга элтубув, парокандаликка дучор этувчи хавфли иллатдир. Бундан холос бўлиш учун эса динимиз одамларга эзгулик улашиш, меҳр-шафқат кўрсатиш, ҳаммага бирдай яхшилик қилиш, дин ва ҳалк манфаатини ўз манфаатларидан устун қўйишга буюрган. Буни бирор лаҳза бўлса ҳам эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ!



ЭНГ АЧЧИК НЕЪМАТ

(ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

АЛЛОМАНИНГ ЎЛИМИ

Аллома аср бошида таваллуд топган. Ўн беш ёшгача хужрада таҳсил кўрди. Куръон хатим іилди, тафсир, ҳадис, фикҳ илмини эгаллади. Сўнг алгов-далғов кунлар бошлиниб, оиланинг тинчи бузилди. Ҳар куни тўс-тўполон. Эртанинг не бўлиши қоронгу. Дўйст ким, душман ким – ажратиб бўлмайди. Минг йиллар мобайнида қурилган, тикланган, битилган, яратилган, кўникилган барча нарсани уч-тўрт йилдаёқ ер билан яксон қилишди, тугатиши, воз кечиши. Бунга чидоммаган отаси завжасини етаклаб бир кечада Афғонистонга ўтиб кетди. Безгак хуруж қилиб ётган Аллома улар билан боролмади. Ота бир ҳисобда унинг юртда қолишидан хурсанд ҳам эди. Эҳтимол, замон тинчидан қайтиб келинар, унгача боғ-роғлар, ички-ташқи ҳовлилар бегоналарга ўтиб кетмай, ўғли эгалик қилиб турар? Ҳеч бўлмаса, ўғли уларни сотиб, тиллога айлантирса, мусофири юртларда аскотарди.

Аммо ниятлар амалга ошмади. Алломанинг шифо то-пиши чўзилиб кетди. Бу орада йўл ҳам бекилиб қолди. Тақдирга тан бериб, ота-онани қўмсаб кун кечираверди. Кўпчилик қувонч билан қарши олган янги замонга у кўнига олмади. Масjid ва мадрасаларнинг бузилишини қўриб қон-қон йиғлади. Шариат топталгани, йўққа чиқарилганидан ўқинди. Буюк алломаларнинг жилд-жилд китоблари ўтга ташланганида аламдан лабларини чайнаб ташлади. Ўзлигини унутаётган, қадриятини оёқ ости қилаётган, ғанимларга ёқиш учун ўз миллатдошларини қиймалаётган оломонни қўриб, дунёдан ҳафсаласи пир бўлди. Одамлардан ўзини тортди. Хонанишин бўлиб қолди.

Бу орада уйланди. Аммо турмуши узоққа чўзилмади. Хотини «мен қулоқнинг боласи билан бирга турмайман» деб

кетиб қолди. Кейин Аллома чакув билан ўн йилга қамалди. Тurmada ҳам ҳаёти бошқаларнидан оғирроқ кечди. Тош конида итдек ишлатиб, бир бурда нон беришди. Шунда ҳам тилидан Аллоҳ номини қўймади, ибодатини тарк этмади. Уни уруш тугаганда бўшатиши. Кетаётib, ҳужжатига имзо чекаётган зобитдан қамалиш сабабини сўради. Унинг кўзларини чақчайтириб: «Ҳа, яна беш-ўн йил ўтиргинг келляптими?» деган ўшкиришидан дами ичига тушиб кетди. Шу оғзига талқон согланича анчагача бировга оғиз очмади, икки киши гаплашиб турган бўлса, чеккалаб ўтадиган бўлди.

Боғлару, ҳовлилардан бир парча ҳам тегмади. Ҳаммасини янги ҳукумат тортиб олди. У ёқда ота-онасидан садо йўқ. Борарага жойи, юкингани кишиси йўқ, аллакимларницида тунаб юрди. Сўнг отасининг танишларидан бири меҳмонхонасидан жой берди, қарз-ҳавола қилиб уйлантириб қўйди. Икки фарзанд кўришди, бири турмади.

Эр-хотин ҳозирги мана шу уйни ўз қўллари билан тикилашган. Эр девор урса, хотини лой ташиган. Раҳматлининг умри қисқа экан. Бу уйларда яйраш, набираларининг қувнашини қўриш насиб қилмади. Ўлғиз ўғлини Аллома ўзи уйлатди. Аммо «ғалати табиатли» қайнотанинг гап-сўзлари, қиликлари келин болага ёқмай қолди. Баланд иморатлардан уй олиб чиқиб кетиши. Опоғдадасини кўришга орзуманда набираларини ҳам кўпда юбормайди. «Анақа» бобонинг гаплари болаларнинг «психикасини» бузармиш...

Аллома уйда ёлғиз қолди. Кимдир унинг ўғлига насиҳат қилишга тушди: «Кампираидан ажраб, шундоқ ҳам ёлғиз одамни ташлаб кетиб, тўғри иш қилмадингиз-да, ўғлим. Битта хотинни кўндиrolмасангиз, сизга ҳам қойил қолмадим».

Үйилдан нажот ёки садо чиқмагач, маҳалладошлар Алломани уйлантириш тадорикига тушишди. Аммо улар топган хотинлар Алломага ўтиришмади. Бирини у деди, бирини бу – хулласи мархума рафиқасига ўхшатолмади. Кейинчалик бу ишлар ҳам ҳолва чиқиб қолди.

Аллома бир нарсага ҳеч күника олмайди, муроса қиполмайди. Ким бўлмасин, унинг эркига тажовуз қисса, ориятига тегиб кетса, ундан яхшилик кутмай кўяверсин. Унинг энг нозик жойи шу.

«Инсон ҳамиша озодликка интилади, унга доимо ташна. Эрк йўлида бор-будидан айрилади, ҳатто жонини тикиди. Аммо унинг қисматига ҳамиша кимгadir, нимагадир, не учундир қарам бўлиш, қуллуқ қилиш, бўйин эгиш ёзиб кўйилгандай эркнинг висолига етолмай азоб чекади.

Аллома бир умр таъкиб ва жаҳолат исканжасидан халос бўлиш учун курашиб ўтди. Маҳалладошларининг кўпчилик билан юз кўрмас бўлиб кетишига ҳам ўзининг қўпчилик белгилаб қўйган тартиб-қоидаларни назарга илмагани сабабчи эмасмикин, деб ўйлаб ҳам қолади. Авваллари у маҳалладаги маърака-маросимларга аралашиб турарди. Кейинчалик оралатиб чиқадиган бўлди. Биронкига қатнашса, бошқасиникига баҳона топади. Бошда ҳеч ким эътибор қилмаган экан. Аллома ўзига тўқроқ хонадонлардан оёғини тортаётганини кейинчалик сезиб қолиши. Маҳалланинг оғзи полвонларидан дўкондор Нодир каллак бир куни уни қишин-қистовга олиб қолди:

- Ҳа, менинг овқатимдан ҳазар қиляпсанми, дастурхонимдан ижирғаняпсанми? Нима, мен ҳаромдан пул топяманми? Ҳой, маҳалла, нимага индамайсиз? Қачондан бўён бу кишим поқдомон бўлиб, биз ҳаромхўр бўлиб қолдик? Айбимиз шу ҳалққа хизмат қилайлик, деб четдан мол опкелиб сотганимизми?

Аллома «ҳар ким суйган овқатини ичади», дедиу балога қолди. Ҳар томондан чўқилаб, маломат қилиб, таъна тошларини отиб кўз очирмай қўйиши. Ноилож аламини ичга ютди. Нафратини яширди. Бу жоҳил қўпчиликка, ўз фикридан воз кечишга орияти йўл қўймайдиган нодонлар гуруҳига дилингдагини айтсанг, эътиқодингни очсанг баттар хуружга киради. Сенинг улардан бошқача фикрлаётганинг, уларнинг йўлидан юрмаётганинг, энг даҳшатлиси уларнинг гапини нотўғрига чиқараётганинг қўпчиликка асло ёқмайди. Аллома буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳамиша сукут қилади. Виждони қийналса ҳам, ўзи билан ўзи олишавериб руҳи қақшаса ҳам индамасликни афзал қўради. Чунки жаҳолат билан якка олишув ҳам жоҳиллик, деб тушунади.

Унинг Нодир каллак билан даҳанаки жангни лоқайдгина кузатиб, ҳатто дўкондорнинг ёнини олиб турган маҳалладошлари бир нарсани тушунишмасди ёки буни исташмасди. Аллома уларга ўхшамасди. Улар каби тарбия топмаганди. Отаси ўзгалар хонадонида иложи борича таомланмас, уйидан олган бир бурда нонини енг ичидан майдалаб, еб ўтиради. Бу унинг инжикилиги, ёки бошқаларнинг дастурхонидан ҳазар қилгани эмасди. Унинг тақвоси, ҳаром аралашган ёки ҳаром йўл билан топилган нарсани еб қўйиб, болаларимнинг ҳалқумини булғаб қўймайин, деган ҳадик, кўркуви эди. Фақат унинг отасигина шундай эмасди. Дадасининг, устоzlарининг ҳикоясича, бу миллатнинг мутлоқ қўпчилиги ана шундай ҳаромдан ҳазар қиласди. Аллоҳдан қўрқани учун ўзганинг молига кўз олайтирмасди. Ҳалқумини, таомини поклаб юради. Эгасидан сўрамай, тиш кавлаш учун дарахтидан чўп синдириб олмасди. Эгасини рози қилмай ариқдан оқиб келган биттагина олмани

еийшдан тийиларди. Кўчадан бирор нарсани кўтариб келган боласини воқеанинг тагига етмагунча тинч кўймасди. Бу миллат ана шундай эди...

Аллома энди одамларнинг ҳеч нарсадан парҳез қилмаётганини, ҳаромдан ҳазарни унтиб қўйганини, нопок йўл билан бойиб кетган бир давлатманднинг дастурхонини камбағал косибницидан афзал кўриб, кекириб-мақтаб чиқаётган маҳалладошларининг таъна-маломатларини ўйларкан, ичидан нимадир узилиб кетгандай бўларди. Аммо одамларга ўйлаб турган, ичидан ғалаён кўтараётган ҳис-туйғуларини тушуниришга, уларни ҳалолликка даъват қилишга ҳадди сифмасди. Аввало улар кўпчилик. Оломон ноҳақ бўлса ҳам, ҳамиша устун. Кейин шундоқ ҳам Алломани ҳамма ёмон кўради. Агар амри маъруф ёки ёмонликдан қайтишга даъват қилиб қўйса, яна ўтган галгидай кўплашиб устидан ёзиб беришдан тойишмайди.

Аллома бошқа кўпгина масалаларда ҳам маҳалладошларининг аксарияти билан чиқиша олмасди. Масалан, тунов куни қайсиdir фирмада ишлаб, босар-тусарини билолмай қолган бир йигитга «Ўғлим, эрталабдан-кечгача нарда ўйнаб, ғанимат умрни совургандан кўра, ибодат қилсангиз бўлмайдими, ёшлиқ ҳам бир лаҳзалик давр, сувдай оқиб кетади», дедиу балога қолди. «Бобой, насиҳатингизни ўйингизда қилинг, менинг насиҳаттўйларим етарли», деб тўнғиллаб берди. Пиёниста Фани совуқни танқид қилиб, яна балога қолди. Ичидан келиб, эшигининг тагида ярим соат бақир-чақир қилди: «Ҳой, зўравон, кучинг бўлса, бўёққа чиқ! Сен товук сўфининг дастидан бу маҳаллада тинч яшаб бўладими ўзи?! Қачон қарасанг, одамларга осиласан, «Намоз ўқи», деб мажбур қиласан! Конунда динга мажбурлаш ўй! Билиб қўй буни, узун чопон! Ичвотган бўлсан, сани пулингга эмас, хотинимни пулига ичяпман-ку! Сенга нима оғирлиги тушяпти?!»

Шунақа пайтларда Алломанинг дунёси қоронғу бўлиб кетади. Ўзи янама кичрайиб, бир ҳовучгина бўлиб қолганга ўхшайди. Одамлар пиёнистанинг ёнини олади. Ўғрига раҳмлари келади. Битта бузук аёлнинг гапига ишонишиди. Аммо Алломанинг гапи ҳеч кимга ёқмайди. Ҳеч ким унинг тарафини олгиси келмайди. Ҳаммага ҳам унинг гапи оғир ботади, малол келади. Ўзи ҳам баъзида бўғилиб кетади. Нима қилсин, силаб-сийпалаб, авраб-ўргилиб тилёғламалик қилишни билмайди. Тили узун, дasti дароз одамларга лаганбардорликни эплолмайди. Ана шу феъли учун ҳам маҳалладан сурилиб, яккаланиб қолгани тўғри!

Шунда ўзига тасалли беради: «Майли, бунинг ҳам ажри бор. Аллоҳнинг ҳузурида юзим ёруғ бўлади. Унинг амр-фармонларини, тақиқларини одамларга етказяпман. Зиммамдаги бурчни адо этяпман. Қабул қилиш ёки қилмаслик уларнинг иши. Менга Аллоҳнинг розилиги бўлса, бас! Маърифат аҳлининг жоҳиллар орасидаги мақоми шундай!» Бир алломанинг ёзғанлари эсига тушиб қолди ҳозир: «Аллоҳнинг дўстлари бўлмиш маърифат аҳли доимо балова ифво тифига нишон. Аҳли дунё назарида уларнинг итоати – исён, ибодати – куфрон, ихлоси – диндан чиқиш бўлиб қўринади. Шу туфайли улар кувғинда ва маломат остида!»

Бу ҳақ сўздан дили ёришгандай бўлди. Лаблари охииста пичирлади: «Эй Буюк Мавлоим – Аллоҳ, ҳар ишда оқибатимни хайрли қилгин! Дунё шармандалигидан ва охииста азобидан паноҳ бергин! Дунёдаги ғариблигимда, ўлим пайти вафотимда, қабрдаги яккалигимда, ҳузурингда турганимда менга раҳм қилгин!» Аллома ана шу сўзларни айтиб бўлиши билан руҳи танасини тарқ этди...



ЯХШИЛАР КИМЛАРДИР?

Ўзгаларга яхшилик қилиш мўминнинг энг афзал хислатидир, Аллоҳ розилигини топишининг осон йўлидир. Яхшилик Аллоҳнинг бандага раҳматидир. Яхшилик қилганларни Аллоҳ таолонинг ўзи мукофотлайди. Унинг ваъдасига кўра яхшилик қилувчи мўминлар жаннат неъматларидаирлар. Қуръони каримда Аллоҳ таолонинг яхшиларга берадиган мукофотлари башоратини бундай зикр этилади: «Шак-шубҳасиз, яхшилар жаннат неъматларидаирлар» (Инфитор, 13); «Дарҳақиқат, яхшиларнинг номаи аъмollари шак-шубҳасиз Иллийундадир» (Мутаффифин, 18);

Аллоҳ таоло айтади: «Тақволи зотларга: «Раббин-гиз (Ўз Пайғамбариға) нимани нозил қилди?» дей-илганида улар: «Яхшиликни», дейишади. Бу дунёда яхшилик қилганлар учун чиройли мукофот бўлур» (Наҳл, 30). Аллоҳ таоло яхшиликни бундай баён этиди: «(Яхшилик) бўйинни (кулликдан) озод этиш, ёки очарчилик кунида бирор қардош етимга ё муҳтож бечора-мискинга таом беришдир» (Балад, 13-16).

Кимлар «яхши» деб аталишга муносиб? Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалломдан ривоят қилинган ҳадисларда яхшиларнинг бир неча сифатлари баён этилган:

Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анху) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қиласи: «Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, уни (бошқаларга) ўргатувчиларингиздир» (Имом Бухорий);

Абу Хурайра (розияллоҳу анху) ривоят қиласи: Мен Абул Қосим соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Сизларнинг яхшиларингиз, агар тушунса, ахлоқи гўзал бўлганингиздир», деганларини эшитганман» (Ибн Ҳиббон «Саҳиҳ»да ривоят қилган);

Ибн Аббос (розияллоҳу анху) ривоят қиласи: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Сизларнинг яхшиларингиз аҳли-оиласига яхшилик қилувчиларингиздир ва мен сизларнинг ичингизда ахлига кўпроқ яхшилик қилувчингиздирман» (Имом Термизий, Ибн Можа);

Пайғамбар алайҳиссалломдан ривоят қилинган ҳадисларда яхшилар яна бундай сифатланишади: «Сизларнинг яхшиларингиз умри узун, амалда чиройли бўлганингиздир» (Имом Аҳмад, Ибн Ҳиббон, Байҳақий); «Сизларнинг яхшиларингиз яхшилигидан умид қилинувчи ва ёмонлигидан омон бўлинувчиларингиздир» (Имом Термизий ва Ибн Ҳиббон).

Яхшиликнинг катта-кичиги, ози-кўпи бўлмайди. Одамларга озор етказмаслик ҳам – яхшилик, етим-мискинларни тўйдириш ҳам – яхшилик, бировга чиройли муомала қилиш ҳам – яхшилик, йўлдаги халал берувчи нарсани олиб ташлаш ҳам – яхшилик. Қуръони каримда яхшиларнинг бир неча сифатлари зикри келган: «Ана энди ким (ўз молидан закот ва садақотларни) ато этса ва (Аллоҳдан) қўрқса ҳамда гўзал оқибатни (жаннатни)

тасдиқ этса, Биз уни осон йўлга мұяссар этурмиз» (Вал-лайл, 5-7). «Албатта иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар – ана ўшалар яралмиш жонзотларнинг энг яхшисиidlар. Уларнинг Парвардигорлари хузуридан мұкофоти – остидан анҳорлар оқиб турувчи мангу жаңнатлардир, улар ўша ерда абадий қолишади» (Баййина, 7-8).

Абу Зарр Ғифорийдан ривоят қилинади: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга: «Яхшиликлардан бирортасини паст санамагин, агар у биродаринга очиқ юз билан қараш бўлса ҳам», деганлар (Имом Муслим). Фаҳри коинот яна бундай марҳамат қилғанлар: «Эй муслиматар, бир аёл бошқасига қўйнинг туёғини беришдаги яхшиликни ҳам паст санамасин», деганлар (Имом Бухорий ва Муслим). Яна бир ҳадиси шарифда «Ҳар бир яхшилик садақадир», дейилган (Имом Бухорий).

Донишмандлардан бири айтади: «Яхшилик мол ва фарзандларнинг кўплигида эмас, яхшилик кенг феъли, ахлоқли бўлиш, илм олиш ва Аллоҳга ибодатда бошқаларга ўrnak бўлишдир». Мұхаммад Зеҳний айтади: «Одамларнинг яхшироғи ўз қалбида яхшиликка йўл очгани ва ёмонликни, очкўзликни ҳайдаб чиқарганидир».

Яхшилик ва ҳилм дарахтими эккан омонлик ва хотиржамлик мевасини териб олади. Ёвузлик уругини сепган пушаймонлик-надомат ҳосилини йиғиб олади. Ҳақиқий комил инсон ёмон хислатлардан, номаъкул ва номарғуб хулқ-атвордан пок бўлади, гўзал сифат ва ахлоқ билан ўзини ораста қиласи, ёмонлардан четланади ва ҳеч кимга озор етказмайди. Ким қилган яхшилиги ёки амали билан мақтанса, унинг барча яхшиликлари ёмонликка айланади.

Хусайн Воиз Кошифий айтадики, «Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўнтадир ва буларнинг биринчиси бошқаларга яхшилик қилишдир». Яхшилик қилиш билан ҳеч нарса ютқазмайсиз. Саъдий Шерозий айтганидай, «Бир шам бошқа бир шамни ёққани билан нуридан ҳеч нарса камаймайди». Абдуллоҳ ибн Аббос бундай деганлар: «Яхшилик ҳақида ўйлаш ўша яхшиликни қилишга ундейди, ёмонликка надомат эса ўша ёмонликни тарк этишга чақиради».

Ислом дини ҳам, ахлоқимиз ҳам инсонларни фақат яхшилик қилишга, ёмонликлардан четда бўлишга буюради. Яхшилик энг аввало ота-онага, яқинларга, қўни-қўшниларга кўрсатилади. Яхшиликнинг катта-кичиги бўлмайди. Бирор моли билан (бу саҳоватдир), бирор кўли билан, яна бошқаси чиройли сўзи билан яхшилик қиласи. Ҳатто бошқалар йўлидаги халақит бераётган шохчани олиб ташлаш ҳам яхшиликка киради.

Яхшилик қилишга шошилиш керак, чунки Пайғамбар алайхиссаломнинг: «Кимга яхшилик қилиш эшиги очилса, фойдаланиб қолсин, зеро, унинг қачон ёпилишини билмайди»; «Ҳар бир яхшилик садақадир, дўстингга очиқ юз билан муомала қилишинг яхшиликдир, унинг челягига ўз челягиндан сув қўйиб беришинг ҳам яхшиликдандир», «деган насиҳатлари бор».

Яхшиликка чақирган киши ҳам уни қилганга тенглаштирилади. «Ўзгаларга озор беришдан сақланиш яхшилик алматларидандир», дейишган улуғларимиз.

Мұхаммад Зеҳний: «Одамларнинг энг яхшиси қалбида яхшиликка йўл очган, ёмонлик ва очкўзликни қалбидан ҳайдаб чиқарган кишидир», деган. Наклларда келишича, ким бирорнинг ғамини енгиллатса, охиратда унинг ғами енгиллаштирилади, қийинчиликда қолган бир кишига ёрдам қўлини чўзган киши ёрдамсиз қолмайди, ким бирорнинг айбини беркитса, унинг айби ҳам беркитилади.

Кўпларимиз яхшилик қиламизу дарров унинг мұкофотини, биздан марҳамат кўрганларнинг миннатдорчиликларини кутамиз ёки яхшиликларимиз билан мақтанамиз. Аллома Умар ибн Ҳорис бундай деган: «Қадимда яхшиликларни кўп қилишарди, аммо гапиришмасди. Кейин ҳам қиладиган, ҳам гапирадиганлар келишди, энди эса фақат гапиришяпти». Қандайдир манфаат кутиб қилинган яхшилик фазилат саналмайди.

Ваҳоланки, яхшилик холис Парвардигор учун, бегараз қилиниши керак. Буни тушуммаганлар яхшилик қилган кишиларидан ёмонлик кўришанига хафа бўлиб юришади. Эмишки, бир одам шогирдини ўғлидан ҳам аъло кўриб, бор ҳунарини ўргатиб одамлар қаторига қўшганида у устози юзига оёқ қўйиб кетибди. Ёки бошқасининг ҳасратига қулоқ солинг: «Жияним акамдан эрта етим қолди. Ўзим боқиб катта қилдим, ўқитдим, ҳунар ўргатдим, уйлаб-жойладим. Хотинчасининг сўзига кириб алоҳида яшайман, деганида рози бўлиб, бошқа ҳовлига чиқардим. Энди ҳамма ерда «дададмдан қолган пулни бермай ўзлаштириб юборди» деб гап тарқатиб юрганмиш. Инсон зоти ўзи яхшиликни билмайдиган ношуқр бўлар экан».

«Савобнинг кети мушкулот» деган гап бекорга чиқмаган. Ҳақиқатан бирорга яхшилик қиласиз, аммо ундан жавоб қайтмайди, аксинча кўп ҳолларда яхшилигиниз эвазига ҳатто ёмонлик кўрасиз. Бирорга раҳм қилиб қарз берасиз, ололмай қийналасиз, ҳатто унга душманга айланасиз. Бирорга ёрдам қилиш учун битмаётган ишига елка қўйиб юборасиз, эвазига куртдаккина «миннатдорчилик» сўзи эшитасиз. Бирор билан дўстлашмоқчи бўласиз, аммо у «бир балоси бўлмаса менга нега сўйкалади», деб сизни душманига айлантиради. Қийналиб қолган укангизга пул таклиф қилсангиз, орқаваротдан «бойваччалигини бошқаларга қилсин» деган нордонгина гап эшитасиз. Бунга асло ажабланманг, чунки Аллоҳ таоло инсонларни шундай хулқ-атвор билан яратган. Шунинг учун ҳаётда кимга бўлишидан қатъи назар, одамларга яхшилик қилсангиз, мұкофотини инсонлардан эмас, Яратганнинг ўзидан кутинг. Одамлар камдан-кам яхшилигинизга яхшилик билан жавоб қайтаришади, миннатдор бўлишади.

Атоқли олим Ҳасан Басрийдан «Яхши инсон ким?» деб сўрашганида бундай жавоб берган: «Тўрт нарса кишининг яхши эканига даолат қиласи: тилининг ростгўйлиги, дўстларининг хато-камчиликларини кечириши, замона аҳлининг таниқли кишисига саҳоват кўрсатиши, таниш ва қўшниларга озор беришдан тиилиши». Келинглар, ҳар ерда, ҳар кишига, ҳамиша яхшилик қилишга шошилайлик. Яхшилик ва эзгулик ёмонликни ёқтиргмагани каби ёмонлик ҳам яхшилиқдан қочади.

Абдуллоҳ НОДИРОВ.

ҚИММАТГА ТУШГАН ХУШТАК

«Азиз дүстим, чоршанба ва шанба кунлари йүллаган мактубингизни олдим. Бугун яна чоршанба. Аввалгисига жавоб ёзмаганим учун мактуб олишдан маҳрум бўлдим. Бироқ, гарчи ялқов бўлмасам-да ва мактуб ёзиши унча хуш кўрмасам-да, агар ўзим жавоб ёзмасам, бошқа ҳеч қачон Сизнинг дилкаш сўзларингизни ўқий олмаслигим юзасидан пайдо бўлган чексиз хавотир қўлимга қалам тутишга мажбурлади. Шу боис жаноб Б. эртага Сизни йўқлаб бориш ниятида экани тўғисида илтифот или маълум қилганида ҳам бу чоршанбани олдингилари каби Сизнинг дилкаш даврангизда эмас, Сиз ҳақингизда хаёл суринг ўтказишга, Сизга мактуб битиш, номаларингизни қайта-қайта ўқиб чиқишига аҳд қилдим.

Сизнинг жаннат ва у ердаги ҳаёт тўғрисидаги таърифиниз мени мафтун этди. Жаннатга бу оламдан имкон қадар ҳамма яхши нарсаларни олиб ўтишимиз кераклиги ҳақидаги мулоҳазангизни бағоят маъқуллайман.

Фикримча, агар хуштаклар учун ҳаддан ортиқ ҳақ тўламаганимизда эди, ҳозиргидан кўра кўпроқ нарсаларга эга бўлишимиз, ёвузликлардан камроқ азоб чекишимиз мумкин бўлур эди. Чунки биз учратадиган баҳтсиз одамлар, менимча, ана шу эҳтиётсизликлар туфайли саодатларини бой беришган.

Бу одам нимани назарда тутяпти, деб сўрасиз? Билишимча, сиз ҳикояларни ёқтирасиз. Шунинг учун ўзим ҳақимдаги бир ҳикояни сизга сўзлаб берай ва бунинг учун мени маъзур тутгайсиз.

Ўшанда ёшим еттида эди. Байрамларнинг бирида ўртоқларим менга бир ҳовуч чақа ҳадя қилишди. Мен ўша заҳоти ўйинчоқлар сотадиган дўёнгага равона бўлдим. Йўлда кетаётганимда бир боланинг қўлидаги хуштак овози эс-хушимни ўғирлади ва дўёнгага кириб бор пулимга хуштак сотиб олдим. Кейин уйга қайтиб, севинчим ичимга сиғмай, қулоқни қоматга келтириб хуштак чала бошладим.

Бундан уйдагиларнинг роса аччиғи чиқди, аммо мен хурсандчиликдан сармаст эдим. Акаларим, опаларим, амакиваччаларим хуштакнинг нархини суринтириб билишгач, уни ўз баҳосидан тўрт баравар қимматга сотиб олганимни, агар пулни тежаганимда қолган пулга қанақангি яхши нарсалар сотиб олишим мумкинлигини айтиб, устимдан роса кулишди. Хўрлигим келиб йиғлаб юбордим. Хуштак туфайли чеккан бу изтиробларим у келтирган лаззат ва қувончлардан кўра ортироқ эди.

Хотиримга муҳрланиб қолган бу воқеа кейинчалик менга кўп аскотди. Бирор нокерак буюмни сотиб олиш васвасасига учраганимда ўзимга: «Хуштак учун ҳаддан зиёд ортиқча пул тўлама!» дейману маблагимни тежаб қоламан.

Вояга етиб, атрофимдаги одамларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузата бошладим ва шунда хуштаги ниҳоятда қимматга тушаётган жуда кўп кишилар борлигини кўрдим. Ўзининг қимматли вақтини, фароғати ва эркини, марҳамати ва эҳтимол ёрдўстларини қирол саройидаги қабул маросимида иштирок

(Америкалик файласуф ва дипломат
Бенжамин Франклиннинг Бритон хонимга
мактуби. 1779 йил 10 ноябр)



этиш шарафига ноил бўлиш йўлида қурбон қилиб юбораётган ўта иззатталаб одамни кўрганимда ўзимга ўзим: «Бунинг хуштаги жуда қимматга тушди-да», деб қўядим.

Шон-шуҳратга ортиқ даражада муккасидан кетган, доимий равишда сиёсий югур-югурлар билан овора бўлган, эътиборсизлиги оқибатида касб-корини ўлда-жўлда қолдирган кимсани кўрганимда эса: «Чиндан ҳам унинг хуштаги роса қимматга тушди», деб қўяр эдим.

Ҳар қандай ҳузур-ҳаловатдан, ўзгаларга яхшилик қилишдан, ҳамсоя ҳурмат-иззати, эътиборидан ва чин дўстлик кувончларидан воз кечиб, пул тўплашни ихтиёр қилган ўтакетган хасис одамни кўрганимда: «Эй баҳтиқаро, сенинг хуштагинг нақадар қимматга тушди-я», дер эдим.

Ҳиссий лаззат, кайфу сафо йўлида ақлуни қурбон қилган ва саломталигига ўнглаб бўлмас путур етказган шаҳватпарастни учратганимда: «Сен адашяпсан, наздингда лаззатдай туюлаётган нарса аслида бир дарддир. Ҳуштагинг роса қимматга тушди-да», дердим.

Ўзига оро бериб, гўзал либосларга, чиройли уйлару шоҳона жихозларга, қўш отли фойтунларга меҳр қўйган, аммо қўли калталик қилиши оқибатида қарзга ботган ва азиз умрини турмада ниҳоялаганларни кўриб: «У хуштак учун ниҳоятда катта тўлов тўлади», деб қўядим.

Хулласи калом, мен инсон бошига ёғилувчи кулфатларнинг кўп қисми одамлар нарсаларнинг қимматини тўғри баҳолай олмасликларидан келиб чиқади ва уларнинг хуштаги жуда қимматга тушади. деб ҳисоблайман.

Аммо ҳар ҳолда бундай баҳтиқароларга шафқатли бўлишимиз лозим. Ҳолбуки, бундай ўйлаб қарасам, ғуурланишга арзигули ақл-фаросатим борлигига қарамай, мен учун ҳам қирол Жоннинг олмалари каби йўлдан оздирувчи нарсалар бор. Хайриятки, уларни сотиб олиб бўлмайди. Бордию улар кимошди савдосига қўйилганида ҳам мен бир лаҳзада бор-будимдан айрилишим ва яна бир бор хуштак учун ҳаддан ортиқча пул тўлаб юборганимни пайқамай қолишим мумкин бўлур эди.

Кўришунча хайр, менинг азиз дўстим. Камоли эҳтиром билан содик қулингиздан деб билурсиз».

ЖИНЛАР БОР НАРСАМИ?



САВОЛ: Мұхтарам «Ҳиљод» электрон журналы ижодкорлари! Мени анчадан бүён бир савол қийнайды. Болалигимизда бобо-момоларимиз бизларни «бемаҳалда ёлғиз юрма, жин чалиб кетади», деб құрқитишаради. Улғайгач, одамларнинг «фalonчига жин кириб олиби, хеч қандай муолажанинг фойдаси бўлмаётган эмиш» деган гапларини эшишиб қояпмиз. Ўзи жин бор нарсами, унинг одам ичига кириб олиши, унга зарар етказиши ҳақиқатми? Жин кириб қолган одамлардан жинни чиқаришга қандай қараш керак?

Ҳурмат билан, мухлисингиз Азамат. Тошкент шаҳри, Бектемир тумани».

ЖАВОБ: «Жин» сўзи луғатда «тўсилган», яъни одамлар кўзидан тўсилган, яширилган маъносида. Халқда «ажина» ҳам дейилади. Жинлар инсонлар кўзига кўринмайдиган, аслида мавжуд ғайбий махлуқлардир. Жинларнинг мавжудлигига Қуръони каримдаги Жин сураси ва бир неча оятлар далилдир. Аллоҳ таоло ва Унинг пайғамбари хабар берган, аммо бизга кўринмайдиган нарсалар ғайбий саналиб, уларга иймон келтириш исломий ақиданинг асоси ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон бунга иймон келтириши лозим. Қуръон оятларида кўпинча инсон (инс) ва жинга баравар мурожаат қилинган. Ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссаломнинг жинларга Қуръон ўқиб бергандар хабари келган. Қуръон ва ҳадис жинларнинг оловдан, кўринмас қилиб яратилганига қатъий далолат қиласди. Жинларнинг инсонларга озор бериши, душманлик қилиши инкор этилмайди. Улар инсонлар кўзига тую, сигир, кўй, хачир, от, ит, илон, чайён, қушлар сифатида, ҳатто одам қиёфасида кўриниши мумкин.

Жинлар ҳам инсонлар каби коғир ёки мўмин, турли дин ва ақидада бўлади, еб-ичади, эрқак-хотини бор, шаръий таклифларга мукаллаф бўлади. Жинларнинг коғирлари шайтониблислардир. Жинлардан паноҳ тилаш, ёрдам сўраш, уларга атаб жонлиқ сўйиш шаръян ҳаром ҳисобланади. Уламоларимиз баъзи бир ёмон жинларнинг одамларга таъсири бўлиши мумкин, дейишган. Масалан, Аллоҳ таолодан паноҳ сўрамай ҳожатхонага кирган одамга шайтонлар зарар етказишлари мумкин. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жинлардан сақланиш учун Фалақ ва Нас сураларини ўқиб

дам солиб юришни тавсия қилганлар. Нас сурасининг ўзида жинларнинг ёмонлигидан паноҳ сўраш очиқ-оидин айтилган.

Фақиҳларимиз, ким жинлар билан гаплашишини даъво қиласа, Қуръони каримга асосланиб, унинг гувоҳлиги қабул қилинмайди, деган ҳукмни чиқаришган. Агар банда Аллоҳ таолонинг айтанини қилиб юрса, жинлар унга қарши хеч нарса қила олишмайди, шайтонга эргашса, унинг малайи бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас. Мабодо шайтон васваса қиладиган бўлса, дарҳол Аллоҳдан паноҳ сўраш лозим. Шайтон нима қиласа ҳам, васвасадан нарига ўта олмайди. Ҳар бир инсон учун шайтоннинг васвасасидан кутулишнинг осон йўли – мўмин-мусулмон, тақводор бўлиш. Аллоҳни ҳар доим эслаб юриш шайтонга қарши энг ишончли ва кучли қуролдир.

Қуръони каримнинг Жин сурасида жинларнинг ҳам коғир ва мусулмонлари борлиги зикр этилган: «(Эй Мұҳаммад), айтинг: «Менга аён бўлишича, жинлардан бир гуруҳи тинглаб кетгач айтишди: «Ажиб бир Қуръон эшиздик» (1-оят). Ояти каримадаги «истамаъ» сўзи Пайғамбар алайҳиссалом жинларни кўрмаганларига далолат қиласди. Жинлар ҳақидаги хабарлар у зотга ваҳий орқали билдирилган. Қуръони каримда жинлар қиссанини келтириш орқали Аллоҳ таоло инсонлардан ташқари Ўзининг амр-фармонларига мукаллаф (масъул) махлуқлар, яъни жинлар борлигини, Курайш мушриклари ва коғирлари каби уларнинг ҳам яхши-ёмонлари, имонлиларию куфр келтирғанлари мавжудлигини, бандалар Аллоҳ таолонинг ғайбини билишдан ожиз эканларини баён этади. Аллоҳ таоло айтади: «(Эй Мұҳаммад), Биз олдингиз-

га бир гурух жинларни Қуръон тинглашсинг, деб юборган эдик» (Ахқоф, 29)

Ғайбға (яширин оламга) имон келтириш исломий ақида асосларидан биридир. «Ғайб» Аллоҳ азза ва жалла ҳамда Унинг охирги Пайғамбари хабар берган, лекин бизга күрінмеган нарсалардир. Жинлар ҳам ғайбий нарсалардан бўлиб, уларга имон келтиришимиз лозим. Чунки жинларнинг борлигига Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда далиллар жуда кўп.

Аллоҳ таолонинг буйруғи билан Пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалом инсонларга жин ҳақида бундай маълумот бермоқдалар: «Менга вахий орқали аён бўлишича, жинларнинг бир гурухи (етти нафари) Қуръон ўқиётганимда тинглаб ўтиришди ва кейин шерикларининг олдига бориб: «Бизларни Ҳақ сўзга ҳидоят қиласидиган ажойиб бир Қуръонни эшитдик ва дарҳол унга имон келтирдик», дейишди». **Бу ҳодисанинг баёни Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинган ушбу ҳадисда келган:** «Бир кечаси Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга эдик. Кейин у кишини йўқотиб қўйдик. Аллоҳнинг элчисини водий ва даралардан изладик. Ўзимизча: ё олиб қочиб кетишган ёки у зотга суюқасд бўлган, деб ўйладик. Шу тун бизга энг ёмон кеча бўлди. Тонг отганида у зотнинг Ҳиро томондан келаётгандарини кўрдик. Биз: «Эй Расулуллоҳ, сизни йўқотиб қўйиб, изладик. Лекин топа олмадик ва жуда ёмон тунни ўтказдик», дедик. Шунда Расулуллоҳ: «Менга жинларнинг даъватчиси келди, у билан жинлар олдига бордим. Мен уларга Қуръон ўқидим», дедилар. Ибн Масъуд айтадилар: «Расулуллоҳ биз билан бориб, уларнинг изларини ва ёқкан оловларининг асанини кўрсатдилар. Жинлар ўз емишлари ҳақида сўрашганида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Аллоҳнинг исми зикр қилинган ҳар бир суюқ сизларнинг кўлингизга тўлиқ гўшти бўлиб тушади, ҳар бир тезак эса уловингизга емашак бўлади», дедилар. Кейин бизга: «Бу икки нарса билан истинжо қилманг, чунки улар биродарларингизнинг емишидир», дедилар» (*Ином Муслим ривояти*).

Абдуллоҳ ибн Масъуддан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ sollalallohu alayhi wa sallam Маккадалик пайтларида саҳобаларга: «Ким жинлар билан учрашишни хоҳласа, келсин», деган эдилар. Мендан бошқа ҳеч ким келмади. Набий алайхиссалом билан бирга Макканинг юқорисига етиб борганимизда оёқлари билан ерга бир чизиқ чизиб, кейин ўша ерда қимирламай ўтиришимни буордилар. Сўнгра ўринларидан туриб Қуръон ўқидилар. Кўлгина қора нарсалар ўраб, мен билан у зот ўрталарини тўсиб қўйди. Ҳатто овозларини ҳам эшитолмай қолдим. Қора нарсалар булат парчалари каби тўзғиб кетиб боришарди. Уларнинг бир қисми ортда қолди. Расулуллоҳ sollalallohu alayhi wa sallam бомдод вақтидагина кўриндилар. Кейин олдимга келиб: «Анави бир жамоа жинлар нима қилди?» деган эдилар, мен: «Улар жинларниди, эй Аллоҳнинг Расули?» дедим». Расулуллоҳ sollalallohu alayhi wa sallam жинларга озуқа қилиб суюқ ва тезакни бердилар. Кейин бизларга тозаланиш мақсадида тезак ёки суюқдан фойдаланишини ман қилдилар» (*Ибн Касир тафсир*).

Аллоҳ таоло хабар берадики, маҳлуқотлари орасида жин ҳам мавжуд, у оловдан яратилган, Иблис ҳам жинлардан. Жинлар одамларни кўради, овозини эшитиб-тушунади, инсонлар эса уларни кўра ё эшита олишмайди. Улардан инсонлар каби имонли ва кофирлари, яхши-ёмонлари бор. Жинлар залолатга кетган инсонларни йўлдан озириб, фикрига таъсир кўрсатиши мумкин.

Моддий оламнигина тан олиб, ғайбий (яширин) руҳий олам борлигидан бехабар ёки бунга ишонмайдиган айрим нодон кимсалар жинларнинг ҳам мавжудлигига ишонишмайди.

Ди. Улар жинларни кўрмаганлари учун унга ишонишмайди. Ваҳоланки, атрофимизда инсон кўзига кўринмайдиган, аммо мавжудлиги ҳақиқат бўлган қанча-қанча нарсалар бор. Масалан, электр токини кўролмаймиз, лекин унинг симда юришини, чироқни ёндиришини ҳамма билади. Нафас олаётгандан ҳавони кўрмаймиз, бироқ унинг борлигини, усиз бир дақиқадан ортиқ яшаб бўлмаслигини ёш бола ҳам англайди. Агар кўзларга кўринмайдиган руҳ танани тарқ этса, у жонсиз гўшт-суюқ йиғиндисига айланаб, одам ҳаёти тугашини билмаган киши топилмаса керак. Шу каби кўзга кўринмас жинларнинг борлигига мўминлар иймон келтиришади. «Жин» сўзи ҳам «тўсилган, кўзлардан яширин» маъносини англатади.

Аммо қадимда ҳам, ҳозир ҳам жин ҳақида турли хурофий ва бидъат тушунчалар, ирим-сиirimлар шу қадар кўпайиб кетганки, одамлар жинлар борлигига ишонмаганлари туфайли ана шу ёлғон эътиқодга бўйсунишяпти ёки дунёдаги ҳамма нарсани жинлар бошқармоқда, деган ботил тасаввурга бориб қолишган. Жин ва сеҳр масаласи баҳслар, изланиш ва далиллар билан аниқ жавоб бериш керак бўлган мухим мавзулардандир. Чунки у жамият воқеълигига ўзини бутун бўйбасти билан намоён этмоқда. Муттаҳам фолбинлар заиф, содда кимсаларни алдаб ундирадиган сариқ чақалар эвазига кечаю кундуз фасод ва бузғунчилик қилиб, жинларни ҳамма нарсага кучи етадиган қудратли маҳлуқлар ёки инсонлар тақдирига таъсир ўтказа оладиган ёвуз кучлар сифатида кўрсатишига уринмоқда. Бугунги кунда уламоларимиз бундай бузғунчиликларнинг хатари ва зарарини одамларга баён этиб, тушунтириб беришлари вожиб бўлиб қолди. Бундан ҳам муҳимроғи, уламолар кишиларни ўз муаммоларини ҳал этиш, турли хасталикларига даво излаш учун «жинлар ҳамласидан қутқара оладиган» фолбинларга мурожаат қилишдан қайтариб, бунинг ўрнига сеҳр ва касалликка қарши шаръий муолажани тақдим этишлари керак.

Жинлар ҳам инсонлар каби Ислом шариати буюрган барча кўрсатмаларни бажаришга мукаллаф (масъул) дирлар. Ибн Абдул Барр (раҳмакууллоҳ): «Аллоҳ таолонинг оятларини (Анъом, 130; Раҳмон, кўплаб оятлар) далил қилиб, кўпчилик олимлар жинларни мукаллаф, дейишади», деган. Фахриддин Розий ва Қози Абдулжаббор (раҳимакууллоҳ) фикрига кўра, ахли фикр ва уламолар ўртасида жинларнинг ҳаммаси мукаллаф эканига ихтилоф бўлмаган. Имом Субкий «Фатово»сида бундай ёзган: «Албатта уларга намоз, шартлари билан нисобга етса – закот, рамазон рўзаси ва бошқа амаллар фарзидир. Шариатдаги барча ҳаром нарсалар уларга ҳам ҳаромдир».

Жинлар ҳам ақида ва диёнатда инсонлар кабидир. Уларнинг ҳам мусулмон, кофир, мушрик, мунофиқлари бор. Жинларнинг мусулмонлари ҳам инсонларни каби ахли суннат, ахли бидъат ва бошқаларга бўлинади. Уларнинг ичидаги ҳам итоаткори, осийи, тақводори ва фожири бор. Жинлар орасидаги аҳмоқлар, яъни иблислари ва ботил йўлдагилари инсонларнинг шундай тоифаси каби Аллоҳ шаънига турли тухмат-бўхтонларни нисбат беради. Аллоҳнинг хотини ёки фарзандлари бор, деб Уни инсонларга уҳшатмоқчи бўлади.

Жинлар Аллоҳ таолонинг буюклигини, Унинг қудрати ва азamatини, ҳар ишга қодирлигини инсонларга қараганда яхширок билишади. Шунинг учун инсонлару жинлар Аллоҳга нисбатан ёлғон ишлатишига ҳаддилари сиғмайди, деган тушунчада бўлишган. Қуръони каримни эшитишганидан кейин бу тушунчаларининг хато эканини сезиб қолишиди. Инсонлар ҳам, жинлар ҳам Парвардигор амрига зид ҳолда ёлғон гапиришар экан.

Ислом келмасидан олдин баъзи одамлар жинлардан кўрқиб, улардан паноҳ сўраб юришар эди. Қадимда (ҳозир ҳам) баъзи одамлар сафарга чиққанида бирор хилватроқ ерда тўхтаб ўтмоқчи бўлса, ўша ернинг «эгалари» бўлган жинларнинг улуғларидан паноҳ сўрашарди. Буни билган жин-

ларнинг муттаҳамлиги янада ортиб, «мана энди биз факат жинларга эмас, ҳатто инсонларга ҳам хўжайинмиз», деб турурланишар эди. Куръони карим бундай тушунча, фикр-йининг ботил эканини баён этиб, жинлар ҳам худди инсонлар каби Аллоҳ маҳлуқи ва бандаси эканини, Парвардигорнинг изни-иродасисиз ҳеч кимга фойда ё зарар етказа олмаслигини билдиради. Қатода айтадилар: «Агар одамлар Аллоҳи қўйиб, жинлардан паноҳ тилашса, жинлар ана ўшанда уларни озор бериш билан кўркитади». Икримадан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинишича, жинлар инсонлардан худди улар жинлардан кўрқанидек, балки ундан-да қаттиқроқ кўркишади. Агар одамлар бирор жойга келиб тушишса, у ердан жинлар қочиб кетади. Агар одамларнинг улуги: «Бу жой ахлининг улуғидан паноҳ тилаймиз», деса, жинлар: «Биз улардан кўрқанимиздек, улар ҳам биздан қўрқишаپти», дейишадида, одамларга яқинлашиб, шарпа, кўланка, васваса билан кўркитишади» (Ибн Абу Хотим ривояти).

Инсон жиндан улуғ ва қадрлидир. Шайх Абу Бакр Жазоирий айтади: «Жинларнинг ҳатто солихлари ҳам қадр, каромат ва шарафда инсондан паст даражада. Зеро, Қодиру Зулжалоп инсоннинг мукаррам эканини билдириб. **«Биз Одам болаларини...Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзалустун қилдик»** (Исро, 70), дейди. Бу ҳолга яна жинларнинг инсон олдида нуқсонли ва заиф эканини ўзлари ҳис этишлари ҳам далолат қиласди» (Вахид Абдуссалом Болий. «Жин ва шайтон ҳақида», 1999 йил, 30-бет).

Жинлардан паноҳ тилаш ширқидир. Имом Қуртубий: «Аллоҳдан паноҳ тилаш ўрнига жинлардан паноҳ тилаш ширк ва куфрdir», деган. Бунинг ўрнига динимиз бошқа бир шаръий амални тавсия этади. **Ҳавла бинти Ҳакимдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади:** «Мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганларини эшитганман: «Ким бир жойга қўнгандан: «Аъзуу бикалиматиллаҳи-т-томмати мин шарри ма холақ» (Аллоҳимнинг бор калималари билан У яратган маҳлуқлар ёмонлигидан паноҳ тилайман) деса, ўша жойдан кетгунича унга ҳеч нарса зарар бера олмайди» (Имом Муслим ривояти). Жобир ибн Абдуллоҳдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинган ҳадисда Фахри коинот (алайҳиссалом): «Агар сизларга жин ё шайтон бирор суратда кўринса, аzon айтинглар», деганлар (Ибн Сунний ривояти).

Юқорида айтилганидек, жинлар орасида инсонлар каби яхшиларию ёмонлари ҳам, мўминларию кофиirlари ҳам, тақволиларию фожирлари ҳам бор. Ибн Аббос (розийаллоҳу анхумо) «турли йўлларда эдик» иборасини «Бизлардан мўмин ҳам, кофир ҳам бор эди», деб тафсирқилганлар. Бошқа бир муфассир бундай дейди: «Улар (жинлар) мусулмонлар, кофиirlар, аҳли суннат, аҳли биддат каби турли тоифаларга бўлинishган».

Куръони карим хабарига кўра, жинларнинг даъватчиси тан олиб айтадики, биз ҳам Аллоҳ таоло Ер юзида жорий қилган низом ва қонунларга қарши боролмаймиз. Инсонларнинг хаёт тарзи ва қисматига таъсир ўtkаза олмаймиз. Агар улардан бирортаси жамоамиз аъзоларига зарар етказса, шундагина биз ҳам унга бирор ёмонлик қилишимиз мумкин. Аллоҳ таоло инсонларнинг итоатсизлиги, осийлиги, ҳаддан ошгани учун қандай жазо жорий қилса, бу бизларга ҳам тааллуқидир. Биз ҳам инсонлар каби Яратганинг жазосидан ҳеч қаёққа қочиб кутула олмаймиз. Ҳақиқатан, сеҳргар ва коҳинлар ёрдам сўрайдиган жинларнинг ғайбни билишга кучлари етмайди. Куръонда жинларнинг Сулаймон алайҳиссалом ўлимидан бехабар қолганлари зикр этилади: **«Унинг ўлимига ҳассасини кемираётган куртгина далолат қилди. У қулаб тушгач, жинлар аниқ билишдики, агар уларнинг ғайбдан хабари бўлганида бу хорловчи мashaққатда қолмаган бўлишар эди»** (Сабаъ, 14).

Муҳаммад алайҳиссаломга пайғамбарлик келишидан олдин жинлар ҳам инсонлар каби турли динларда бўлишган, уларнинг динсиз мажусийлари ҳам бор эди. Жинлар ичидаги мусулмон бўлганлари ҳам, ҳақ йўлдан адашиб, ширк ва куфр йўлини тутганлари ҳам бор. Бу икки тоифадан Исломга кирганлари тўғри йўлдадир. Мусулмон жинлар бошқаларини Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва салам) имон келтиришга дацват қилишарди. Бу эса ҳазрати Расулуллоҳнинг инсонлару жинларга юборилган ҳақ Пайғамбар эканларига далолатдир. Ҳасан Басрий (раҳматуллоҳи алайҳ): «Аллоҳ таоло ҳаргиз жинлардан, саҳроилардан, аёллардан пайғамбар юбормади», деган.

Жинларнинг мўминлари Аллоҳ таолонинг улкан мукофоти – жаннатга мушарраф бўлишади. Бундан ҳам олий – Парвардигорлари жамолига етишишади. Олдинги ва кейинги уламолар кофир жинларнинг дўзахга кириши ҳақида яқидил фикрда бўлишган. Аммо жинларнинг мўминлари жаннатга кирадими ё йўқми, бу борада ихтилоф қилишган. Ҳофиз айтадилар: «Бу тўғрида тўрт хил фикр бор: биринчисида, жаннатга киришади, дейилган, бу кўпчиликнинг фикри; иккинчисида, улар жаннат атрофида бўлишади, дейилган, бу фикр Имом Молик ва бир тоифа уламолардан нақл қилинган; учинчисида, уларни Аъроф эгалари, дейишган (Аъроф – жаннат ва дўзах ўртасини ажратиб турувчи девор бўлиб, учинчи тоифага мансублар унинг устида Аллоҳ ўзларини жаннатга ё дўзахга ҳукм қилишини кутиб туришади); тўртинчисида, бу тўғридаги жавобдан тийилиш лозим».

Ибн Касир айтадилар: «Ҳақиқат шуки, уларнинг мўминлари инсонларнинг иймонлилари каби жаннатга киради. Шундай ўйлаш солих аждодлардан бир жамоанинг мазҳабидир. Баъзилари бунга Аллоҳ таолонинг ушбу оятини далил қилиб келтиришади: **«Уларга илгари на бир инс ва на бир жин тегингандир»** (Раҳмон, 56). Бу далилда айрим мулоҳазалар бор. Яхшиси, Аллоҳ азза ва жалланинг мана бу оятини далил қилиш афзалроқдир: **«Парвардигори хузуридаги ҳисоб-китобдан кўрқан кишига икки жаннат бордир. Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея оласизлар?!»** (Раҳмон, 46).

Инсон насли каби жинларнинг ҳам йўлдан озганлари, ҳидоятдан чекинганлари, Аллоҳ таоло ва Унинг Пайғамбарига итоатсизлик қилганлари қаттиқ жазога гирифтор бўлади. Абадий қийноқ жойи бўлмиш дўзахга ўтин бўлади. Муфассирлардан бири: «Жинларнинг кофиirlари уламолар иттифоқига кўра, охиратда азобланади. Аммо мўминлари кўпчилик олимлар фикрига кўра жаннатда бўлади». **Абу Дардан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади:** «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бундай деганлар: «Аллоҳ таоло жинларни уч тур қилиб яратди: бир тури илонлар, чаёнлар ва ер ҳашаротлари каби қилиб; иккичи тури ҳаводаги шамолга ўхшаш қилиб; учинчи тури ҳисобга тортилади ва жазоланади» (Имом Термизий ривояти, «Наводирул-усул»).

Уламолар жинларга атаб жонлик сўйишнинг ҳаромлигига иттифоқ қилишган. Аллоҳдан бошқага атаб жонлик сўйиш ширқидир. Аллоҳдан бошқага атаб сўйилган нарсадан тановул этиш мусулмонга ҳаромдир. Фолбин ва азайимхонлар сеҳрни ечдириш, жин чалган кишини муолажа қилдириш ва шунга ўхшаш ишларни истаб келган жоҳил кишилардан муайян сифатли ҳайвонни келтиришни талаб қиладилар. Сўнг уни сўйиб, қонини касалга суришни буорадилар. Жонлик сўювчи гарчи жиннинг номини талаффуз этмаса-да, лекин амаллари ниятга қараб бўлади.

Аллоҳдан бошқага атаб жонлик сўювчи малъундир. Имом Муслим «Саҳиҳ»ларида Али ибн Абу Толиб розийаллоҳу анхудан ушбу ҳадиси шарифни келтириди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Аллоҳдан бошқага атаб сўйган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дедилар».


ТЕКИНГА МУШУК ОФТОБГА ЧИҚАРМИКИН?

Мусулмонлар орасида динга алоқадор таълим, турли маросим ва байрамлар текинга бўлиши керак, деган қандайдир қолиплар тобора урчияпти. Ҳатто кўпчилик одамлар «диний адабиётлар ҳам текин бўлиши керак» деган фикрда юради, аммо бу фикрлар ўн йил олдинги ҳолатга қараганда бирмунча камайганга ҳам ўхшайди. Гапириш қанчалик оғир бўлмасин аммо бу оддий ногирон нафақаҳўрлар мантиқидир. Мусулмонларнинг эҳтиёжларини кимдир четдан келиб қондирадигандай, ҳаммасини лаганга солиб, едириб кетадиганидек бир нарсани кутиб ўтиришлару қандайдир боқимонда кайфият кўринишларидан ҳали ҳам халос бўла олмаяпмиз. Шу ўринда чуқурроқ бир ўйлаб кўрайлик: дунёда ўзи нима нарса текинга берилади? Инсонлар қаерда керакли нарсаларини пул тўламай харид қилишяпти? Истаймизми ёки йўқми, эҳтиёжимизга яраша ҳамма жойда, ҳамма нарса учун пул сарфлашимизга тўғри келади.

Лекин негадир кўпчилик ҳамон боқимандалик кайфиятидан қутула олмаяпти. Бир мусулмонга китоб таклиф этсангиз, «нега сотасизлар, ахир текинга бермайсизларми?» дея бўғилади. Янги диск сотмоқчи ёки бошқа бир хизматни бажармоқчи бўлсангиз, буларнинг пулли бўлганидан кимларнидир хуноби ошади. Улар наздида фақат Ислом (аникроф Ислом инфратузилмаларининг маҳсулотлари) негадир текин бўлиши керак. Аммо, одатда текин бўлган нарсаларнинг сифати ҳам... текинбоп бўлади-да. Агар биз кимнидир қизиқтира оладиган ва бирон нарсага таъсир қила оладиган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни истар эканмиз, унинг нархи ҳам шунга яраша бўлиши кераклигига тайёр бўлишимиз керак.

Бу дунёдаги ҳар қандай фаолият, маҳсулот, ресурс ўз қийматига эга. Аллоҳ таоло шундай яратган ва буни тан олиш айб эмас. Боз устига мусулмонларнинг динларида бизнес одоблари, меҳнат, жамғариш, истеъмол қилиш ва соглом капитализм ҳақида батафсил баён қилинган-ку. Иккюзламачилик қилишимиз етар энди. Пулга муносабат соғлом, исломий, яъни суннатга мувофиқ бўлиши керак. Сахобалар ҳаётига назар солинг – улар Аллоҳ йўли учун пул сарф қилишда ўта саҳий эдилар. Аммо шу билан бирга улар пулнинг қадри ва кучини жуда яхши билишган, режали ва ишбильармон бўлишган. Уларнинг ҳеч қайсиси Пайғамбаримиз соллалпоҳу алайҳи васалламдан динга бўлган қизиқишлари учун пул талаб қилишмаган.

Ҳар қандай маҳсулот – китоблар, нашидлар концерти, таълим учун барибир кимдир пул сарф қилиши керак. Концерт заллари, нашриётлар, ўқитувчилар хизмати учун ҳақ тўланиши керак. Бундай ишларга зарур бўлган электр, сув, ёнилғининг ҳам ўзига яраша баҳоси бор. Ҳатто Аллоҳнинг Куръони ҳам



барча учун раҳмат ўлароқ нозил бўлган, бироқ тайёр китоблар шаклида эмас, балки оғзаки (сўзлар) шаклида нозил қилинган.

Уни ҳали нашр этиш керак. Буни эса пулсиз амалга ошириб бўлмайди. Агар булардан фойдаланаётган мусулмонлар китоб учун пул сарфлашдан бош тортишса, қандайдир бой ҳомий, хорижий жамғармалар ёки давлат бу харажатларни бўйнига олиши керак бўлади. Ва биз буларни рисоладаги ҳолат деб ҳисоблаймиз. Четдан келаётган ёрдам ва қурбонликлар ҳам ким тарафидан бўлмасин, буларнинг эвазига ўзимизни уларга қандайдир маънода қарам қилиб қўйишимизни ҳам ҳисобга олиб қўйишимиз керак. Бизлар, тўрт мучаси соғ эркаклар оёқ қўли йўқ ногиронлар каби кимгадир қарам бўлиб ўтиришимиз уят эмасми? Ногиронларнинг узрлари бор ахир, бизнинг эса ҳеч қандай узримиз йўқ.

Куръони карим оятлари ёзилган китобларни савдо растларида сотилиши шаккоклик, Аллоҳнинг каломи билан даромад кўриш мумкин эмас, деб айюҳаннос соламиз, Саудия қиролининг пулига чоп қилинган ва бепул тарқатилётган китобларга эса индамай кўл чўзамиз. Шунга ўхшаш сўзларни якинчча бошқа диний адабиётлар ҳақида ҳам гапириб юргандик. Ислом орқали пул топиш мумкин эмас, китобларни текин тарқатиш керак, дердик. Ажойиб мантиқ-а. Ҳайрон қоласан киши.

Китоб нашр қилиш – кўп сарф харажат талаб қиладиган қийин ишдир. Муҳаррир, мусахҳих, таржимон, муаллифларни топиш керак, сўнг уни тарқатиш учун транспорт, тарқатиш-савдо шаҳобчалари, у ерда ишлайдиган хизматчилар иш ҳаки ва ҳоказо харажатларни ўзингиз ҳисоблайверинг. Агар китоб нашр қилувчи китобларини текин тарқатса, кейин унинг на-

шириёти қандай қилиб фаолиятини давом этиради? Китоблар қайси маблағ эвазига чиқарылади? Шундай оддий нарсаларни ҳам тушунтириб ўтиришнинг ўзи ажаб ҳолат эмасми?

Агар биз нашидлар консертси, болалар байрами, маросимлар, масжид, мадрасаларни хоҳласак, қандайдир «диндор ҳомий» келиб ҳамма ҳаражатларни бўйнига олишини, сўнг уларни ташкил қилиб ва бизларга таклифномалар юборишини кутиб ўтиришимиз керакми? Булар учун ўзимиз пул сарф қилишимиз кераклигини билишимиз, бунга ўрганишимиз керак. Масалан, Фарб ва мусулмон мамлакатлари пойтахтларида бўлгани каби бизда ҳам Сами Юсуф концерт беришими хоҳлаймиз. Ундан бўлса, биз чипталарни «текин»га, «танишибилиш» бўлганимиз учун ёки «намоз ўқиганимиз» учун кўлга киритиш йўлларини ўлламай, балки чипталарни ўзимиз сотиб олишга тайёр бўлишимиз керак. Бу пулларга зал ижарага олинади, керакли хизматлар учун ҳақ тўланади, ташкилотчи ва бошқа хизматдаги одамларга маош берилади. Фойдага қолган маблағ эса янги концертлар ўтказиш имкони беради. Шу тарзда, мусулмон агентлиги ёки продюсер марказлари ишлаб кетади. Исломий ҳордик ва дам олиш саноати ҳам шаклланади. Шунга ўшаш оддий тадбиркорлик асосларида бутун инфратузилмалар ташкил қилиниши мумкин.

Талаб бор экан – унга яраша таклиф ҳам бўлиши керакда. Ҳаммаси оддий нарса. Фақат шу ҳолатдагина у ҳаётӣ, муваффақиятли ва профессионал бўлиши мумкин. Агар биз динимиз Исломга бўлган қизиқишими учун, исломий инфратузилмалар, маросим ва маҳсулотларга маблағ сарф қилишга тайёр бўлмас эканмиз, ўзимизга савол берайлик – бизга ўзи Ислом керакми? Ахир бу иймонимизнинг аниқ кўрсаткичидир. Исломга бўлган муҳаббатимиз ҳақида қанча кўп гапирганимиз ҳеч нарса эмас, фақат Аллоҳ йўлида, Ислом учун қанча вақт, куч ва пул сарф қилдик, шуниси муҳимдир.

Текинхўрлик ва боқимандалик кайфиятидан тезда озод бўлишимиз керак. Пул билан ҳам Исломни қўллаб-кувватлаш мумкинлигини ўрганишимиз керак. Бу ҳамма қила олиши мумкин бўлган иш, иймонимизнинг бир кўриниши, исломий фаоллигимииздир. Албатта, истисно ҳолатлар ҳам бор. Муҳтоҳ одамларга ёрдам қилиб туришимиз керак. Улар учун бепул дастурлар ташкил қилиниши ҳам кўзда тутилган бўлиши лозим. Аммо булар истисно ҳолатларидир. Шунда ҳам хориждаги бой биродарлар ёрдамини кутмай, уларга ўзимиз тезда амалий ёрдам бера олишимиз керак-ку ахир. Мана шу ҳолат ҳам ўта муҳимдир. Қачонки одамлар ўзларининг шахсий пулларини ўз ихтиёрлари билан сарф қила бошласалар, бу уларнинг кўлга киритган нарсаларига кўпроқ эътиборли бўлишларига, буларнинг қадрига етиши ва масъулиятни ҳис қилишларига сабаб бўлади. Агар нимадир текин кўлга киритилган бўлса, уларга муносабат ҳам шунга яраша бўлади-да. Текин нарса кам қадрланади.

Дунёда муҳтоҷлар жуда кўплаб топилади, Сомали, Афғонистон Бангладеш каби мамлакатларда одамлар уйсиз, очлиқдан ўлиш ҳолатига келишган. Ўзимизни ўзимиз молиялаштиришга ўтгандагина Ислом оёққа турди, қувватли бўлади. Ҳалол, диний хизмат ва маҳсулотларга маблағ сарф қилинишининг ўзиёқ мақбул ва кифоя бўлган амалдир. Шулар билан бирга сиз Исломнинг ривожи ва унинг қувватига ҳисса қўшаётганингизни асло унутманг. Яъни, сиз Исломнинг ёйилишида иштирок этмоқдасиз.

Хизмат ва маҳсулотлар мукаммал сифатга эга бўлмаса ҳам барибир уларга сарф қилишдан чўчимаслигими керак. Чунки, шу билан сиз уларнинг ривожига улкан ҳисса қўшаётган бўласиз. Акс ҳолда, яъни бегоналарнинг номи чиқкан «брэнд» маҳсулотлари ёки бошқа сифатли нарсаларни танлассангиз, ўзимизнинг инфратузилмаларимиз яхшиланмайди, ҳатто уларга етарли дарарада талаб бўлмагани боис улар йўқ бўлиб кетишлари ҳам мумкин. Албатта, ҳеч нарсага парво-

қилмай Ислом, Шариат ва Ҳалол тамғалари бор барча нарсалар учун пулларингизни сарф қилиб ташланг, демокчи эмасмиз. Албатта, танлаш керак. Агар бирон нарса ёқмаса, яхшироғини излаш керак, аммо шу ўринда дўстларимиз таклиф қилаётган нарсалар чегарасидан чиқмаслик имкониятини ҳам қилишимиз керак. Бундай ёндашишлар тадбиркорларимизни рағбатлантиради. Шундай қилиб, сифатсиз рақобатга дош бера олмайдиган хизмат ва маҳсулотлар ўз-ўзидан йўқ бўлади, талабга эга нарсаларнинг бозори эса ҳамиша чаққон бўлади. Фақат ҳақиқий талабга эга бўлган нарсаларгина қолади, яъни сиз пул сарф қилишга тайёр бўлган нарсалар. Сўнгги вакътларда нега муслима аёллар либоси сотиладиган дўконлар кўпайиб бормоқда? Чунки муслималар ўз либослари учун пулларини сарф қилишмоқда. Талаб бор экан – саноат ҳам ривожланади.

Ҳа, бизларда кўпчилик масжид олдида турадиган эҳсон қутиларига ишонмай қўйишиди ва намозларидан сўнг хайр-эҳсон қилишга ҳамма ҳам тайёр эмас. Балки муаммо бироз бўрттирилгандир, аммо баъзиларга шубҳали муносабатда бўлишга асос бор. Мамлакатнинг (Россиянинг) катта масжид имомларидан бири таътилга чиққанида садака тушуми кўпайгани, таътилдан қайтгач эса садақа пуллари ҳисоби яна камайгани ҳолатлари қайд этилган...

Яна мақсадни аниқ қилиб сарф этса ҳам бўлади. Тўғридан-тўғри ўқитувчиларнинг ўзига сарф қилинг. Агар улар ҳисоб рақамига пул ўтказишдан чўчисангиз, масжид учун қурилиш молларини олиб беринг; ҳеч бўлмаса таҳоратхона учун ўнта совун олиб беринг; алмаштиринг, жума намозидан кейин масжидни тозалашга ёрдамлашинг. Яъни, жамоат ҳаётида пул, вақт ва кучингиз билан иштирок этинг. Кимdir келиб сизнинг ишингизни бажариб қўйишини кутиб ўтиранг. Келинглар, ўзимиздан ўзимиз сўрайлик: агар мен шу ишларни қилмасам, унда ким уларни қилади?

Ким нима деса ҳам аксар масжидлар садака пулларимиз ҳисобига фаолият юритади. Ҳар қандай шаклда бўлса ҳам улар учун пул сарф қилишимиз натижаси ўзимиз фойдамиз учун бўлади. Бизларнинг хайр-эҳсонларимиз иситиш тизими, жойнамозлар, сув ва тоза ҳожатхоналар бўлиб ўзимизга қайтиб келади. Наполеон айтмоқчи, қайси бир миллат ўз армиясига эга бўлмаса, бошқаларнинг армиясини боқишига мажбур бўлади. Мавзуга қайтсан, агар ўз динимиз инфратузилмаларини қўллаб-кувватламасак, бошқа динлар учун сарф қилишга мажбур бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Масжидлар учун маблағлар бўлмаса, уларнинг ёпилишини наҳотки билмаймиз! Улар ёпилиб ва ўрни бўш туради, деб хом ҳаёлга борманг. Бу бўшлиқ узоққа бормайди: улар ўрнига черковлар, протестант марказлари, кришначиларнинг ибодатхоналари очилади. Улар атрофдаги одамлар билан ишлайди ва уларнинг сафига қўшиладиганлар топилади. Қўшилганлар орасида ўзининг хайр-эҳсонларини уларга олиб бориб берадиганлари ҳам албатта чиқади.

Агар шаҳрингизда яхши ҳалол ресторонлар бўлишини исстасангиз, уларга ташриф қилиб туринг. У ерда қизиқарли тадбирлар ўтказилишини хоҳласангиз, у ерга бориб бирон нарса сотиб олишини канда қилманг. Нашидлар консертси ва болалар байрамини исстасангиз, чипталарга пул сарфлаб туринг. Мусулмонлар учун фитнес, такси ва ҳаммомлар керак бўлса, улардан пулларингизни қизғанманг. Исломий сайтлар ва китоблар ўқиш сизга ёқадими, уларни сотиб олишга шошилинг. Болаларингиз диний оромгоҳларда дам олишини исстасангиз ўйлланмалардан харид қилинг. Бошқа йўл йўқ, текин пишлоқ қопқонда бўлади. Ҳамма нарса учун кимдир пул тўлайди, ахир. Келинг, яхшиси ўзимиз учун сарфлашни ўрганайлик.

**«Ансар. Ру» сайтидан
Абу Муслум эркин таржима қилган.**

Аҳмад МУҲАММАД

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

Бувим вафотларининг қирқинчи куни яқинлашгани сайин дадамни ваҳима боса бошлади. Қариндош-уруғларимиз ўша куни каттароқ эҳсон ўтказилишини исташарди. «Онажонимиз раҳматли бу дунёга келиб нима роҳат кўрдилар, энди ҳеч бўлмаса ўтганларидан кейинги маъракаларини тўқисроқ қиласмилик-да», деб маслаҳат бергувчилар кўпайди. Дадам эса «диний маросим қилсак, менга гап тегиб қолмасмикин», деган хавотирда эдилар. Маъракага ўн кун қолганида бир баҳтли тасодиф дадамнинг жонларига ора кириб қолди. У кишини катта савдо-саноат компанияси раҳбарлигига тайинлаши. Энди оналарининг қирқини ана шу янги вазифани «юваб» бериш баҳонасида ими-жимида ўтказиб юборишга қарор қилдилар. Амални нишонлаш маросимига тайёргарлик қизғин бошланиб кетди.

(Давомли асарнинг боши 4,5,6,7-сонларда)

Аввалига йигирма-ўттиз чоғли одамга мўлжалланган эҳсон ўша кун яқинлашгани сайин тобора дабдабали, ҳашамли тус олиб борар эди. Таклиф қилинажак кишиларнинг адади беш юз кишидан ортганидан сўнг уни икки босқичда ўтказиш режаси пайдо бўлди. Наҳорга маҳала-кўй, қавму қариндошлар ошга таклиф қилинадиган бўлди. Оқшомги дастурхонга эса дадамнинг янги ва эски ҳамкаслари, ошна-оғайнилари келишади. Анвар акам бозордан думбаси ерга тегай деб турган кўчкорни машинага босиб келди. Аллақаёқдан пайдо бўлган нотаниш амакиларнинг бирни бозорга чоғди, бошқаси столстул, идиш-товоқ топиб келди. Шопмўйлов семиз амаки дошқозонни қаерга ўрнатишни белгилаб, зиёфатга қандай масаллиқлар харид қилиш рўйхатини тузиб берди. Хизмат қилувчилар ихчамгина ҳовлимизга сифмай кетиши. «Қиши уйи – тор» деганларидай, ҳамма бир-бирига ҳалакит берар, туртинар, ғижинар, хизмати билан янги раҳбарга ёқиб қолишга уринаётган амакиларнинг бундан хуноби ошар, ғазаби тошар эди.

Эрталабки ош кўнгилдагидай ўтди. Гурух-гуруҳ одамлар сиполик билан кириб келишар, муздай елим стулларга хавотир ичида ўтириб қайноққина ошни шоша-пиша туширишар, кейин озигина Куръон ўқиб, мархума бувимнинг рухларига бағишиб чиқиб кетишар эди. Аммо кечкурунги зиёфат ҳаммани ҳолдан тойдирб-қийнабгина қолмай, қариндошларимизни хуноб қилиб юборди. Менинг ҳам роса жаҳлим чиқди.

Кун ботишига яқин меҳмонлар турнақатор келишаверди. Қўчамизга машина тўлиб кетди. Таклиф этилганлар хоналарга сифмай, бир қанча одам ташқарида қолди. Тўкин дастурхон атрофида базм бошланди. Ранг-баранг шишалар очилиб, даврада қадаҳлар айлана бошлади. Негадир ҳеч ким мархума бувимни эслаб ҳам кўймас, нукул дадамни янги амал билан қутлашар, «шахарнинг фахри, садоқатли дўст, моҳир ва ташкилотчи раҳбар» бўлган дадамнинг фазилатларини санаб тугата олишмасди. Базм қизигандан-қизиб борар, хушомадга тўла алёрларнинг кети узилмасди. Дадамга ҳам зўрлаб ичиришган шекилли, одатда камгап, ҳўмрайган одамнинг лабидан кулки, чехрасидан табассум аrimай қолди. Бир-икки ошналарининг кайфи ошиб қолиб, «сен мени ҳурмат қиласанми, ўзи?» деб бир-бирларига зуғум бошлаб юбориши. Бу «маймун ўйини»ни кўриб жахли чиққанидан носини ҳовлининг ҳар ер-ҳар ерига чарс-чурс туфлаётган амаким охири чидай олмай уйларига жўнавордилар. Кетиш олдидан ойимларга «Агар укамнинг бунақа бемаъни иш қилишини билганимда эҳсонни уйда ўтказардим», деб тўнғилладилар. Ойим жавоб ўрнига «менинг қўлимидан нима ҳам келарди, таомил шунаقا бўлса», деб елка қисиб қўяқолдилар.

Баҳор охирлаб борар эди. Бир куни оилавий «мажлис»имизда дадам: «Ҳовлига бир қараб кўйиш керак бўл қопти, энди мен ҳам одамлар назаридаги кишиман, кимсан – шаҳардаги энг йирик ком-

пания раҳбари бўлсаму ошхона-ҳаммомлар тулаб-нураб, деворлар ҳам таъминалаб бўлиб ётса», деб қолдилар. Ҳақиқатан бундан ўн йилча муқаддам курилган участкамиз хийла эскириб, файзи кетиб қолган эди. Бирор ҳафталар ичида уста кепадиган бўлди. Фақат унинг чой-нонини қилиб, ул-бул топиштириб бериб турдиган одам масаласи кўндаланг чиқиб қолди. Дадам билан ойимнинг ишдан қолишлари ҳакида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Синглум турмушга чиқиб кетган, уйидагилар рухсат бериб бўлти! Маслаҳат билан мен ишимдан таътилга чиқадиган, устага қарашиб турдиган бўлдим.

Уста деганлари элликлар атрофида бўлса ҳам бироз қаримсик кўринадиган, ўрта бўй, қотма, кўсаларники каби яккам-дуккам соқопли күшурйигина киши ўн беш ёшлардаги ўғлини бошлаб эрта тонгдаёқ кириб келди. Мен ҳали уйқудан турмаган эдим. Шоша-пира юзимни юваб, уларга нонушта тайёрлай бошладим. Бу орада дадам ҳам хоналаридан чиқиб келдилар. Уста икковлари қилинажак ишларни аниқлаб олишид, ҳақини келишиши. Уста гап орасида икки маҳал намозга кетадиган вақт ҳисобидан охирида бир-икки кун ишлаб беришини ҳам қистириб ўтди. Дадам унинг гапини эшитиляри ҳам келмади шекилли, бепарво кўл сильтадилар. Кейин «Мана, Умиджон қарашиб турди, нима зарур бўлиб қолса топиб беради», деб тайинладилар-да ишларига кетдилар.

Устанинг ўғли ёшига номуносиб жиддий бокувчи, камгап, новчагина бола эди. Боя хизмат пулинни келишаётганда дадамнинг «ўғлингизга қанчадан бераман?» деган саволларига уста «бунга ҳақ белгиланмайди, хунар ўргансин деб ёнимда олиб юрибман, еган овқатига рози бўлсангиз, бас», деб жавоб берган эди. Аммо дадам бунга рози бўлмай «майли, иш тугагач ўзим уни хурсанд қиласман», деб эътиroz билдиридилар.

Ота-бода «нонушта қиласман», деб дастурхонга келишмади. Кийимларини алмаштириб ишни бошлаб юбориши. Устанинг илтимосига кўра белкурак, чеҳлак, теша, болта каби асбобларни топиб бердим. Ойим кечакечкурун тайинлаганларидай усталар чанқаб қолишса деб, катта тунука чойнакка чой дамлаб қўйдим. Кейин бошқа ишим қолмагани учун устанинг тулаган деворларни қириб-қиришларини бир пас томоша қилиб ўтиредим. Уста ишдан кўзини узмаган, қўли тўхтамаган ҳолда менга ора-сира саволлар бериб туради. Унинг «Неччига кирдингиз?», «Ака-укалар нечта?», «Ўқийсизми, ишлайсизми?» каби сўроқларига қисқа-қисқа жавоб қилиб турдим.

Ойимлар тонгда ишга кетиш олдидан қовуриб кетган овқатни тушга яқин қайнатиб, гурунч ташладим. Ота-болага ва ўзимга сузуб, дастурхонга келтирдим. Индамай овқатландик. Кейин идишларни иғиштириб, юваб қўйдим. Уста бу орада иш кийимларини алмаштириб, таҳорат олди. Ўғли билан намоз ўқиши келишиши. Уларга ҳалакит бермаслик учун қўлимга китоб олиб, сўриток тагидаги осма ўриндиқда ўқишига тутиндим...

(Давоми бор)

ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

YETTINCHI SABOQ

UCHTA ENG MUHIM NARSA

Assalomu alaykum, mening hamma narsadan aziz bolajonlarim! Bugun sizlarga haqiqiy musulmon bo'lishingiz uchun zarur bo'lgan yana uch narsani ma'lum qilib qo'ymoqchiman. Shuning uchun diqqat bilan quioq soling. Ha, aytganday, darsga kelishdan oldin tahorat qilib poklanib oldingizmi?

Yaxshi, ko'p yashang!

Ota-onalaringiz ko'pincha «bu dunyoda», «u dunyoda», «oxiratda» degan so'zlarni ishlatishadi. Ular nimani anglatishini bilmasangiz kerak, to'g'rimi? Mana, siz necha yoshma kirdingiz? Beshgami, yettigami? Demak, bu dunyoda siz shuncha yil yashabsiz. Chunki chaqaloq tug'ilishi bilan uning bu dunyodagi umri, hayoti boshlanadi. Keyin maktabda o'qisiz, uni bitirib institutgami, madrasagami yoki hunar mакtabiga kirib bilim olasiz yoki kasb-hunarli bo'lasiz. To'y bo'ladi, Alloh nasib etsa farzandlaringiz tug'iladi. Ana shu yashashni bu dunyo hayoti deyiladi. Bu dunyoda ovqatlanasiz, ishlaysiz, uylar qurasiz, dam olasiz. Allohga yoqadigan yaxshi ishlarni, ibodatlarni qilasiz. Goho bilibmi yoki bilmaymi gunoh ishlarni ham qilib qo'yasiz. Shu ahvolda bir kuni 70-80 yil yoki undan ham ko'proq yashab qariysiz va vafot etasiz. Endi sizning ana shu hamma ishlaringizni o'g'il-qizlaringiz davom ettirishadi. Ular, keksayib bir kuni vafot etishgach, bu ishlarni endi nevara-chevaralaringizga qoladi. Shunaqa qilib, bu dunyodagi hayot davom etaveradi. Bu qiyomat kunigacha davom etadi («Qiyomat» degani yer yuzidagi hayot tugab, hamma o'ladigan va qayta tirilib Allohga qilgan ishlari to'g'risida imtihon topshirishni boshlaydigan kun).

Inson o'lgandan keyin uning jasadi qabrga qo'yiladi. U Alloh taolo qiyomatda qayta tiriltirguncha o'sha yerdagi kutib yotadi. Keyin qiyomatda hammaga yana jon kiritiladi. Qiyomatdan keyingi hayot «u dunyo hayoti», «oxirat hayoti» deyiladi. Hamma odam Alloh taoloning oldida hisob beradi. Bu dunyoda yaxshi, savobli ishlarni qilganlar, Allohga bo'ysunib yashaganlar u dunyoda, «Jannat» degan juda chiroyli soya-salqin bog'larda xilma-xil shirin meva va ovqatlarni yeb mazza qilib yurishadi. Bu dunyoda yomon, gunoh ishni qilganlar, Alloh taoloning g'azabiga uchranganlar «Do'zax» degan



yomon joyga tashlanib, rosa issiq olovda kuydiriladi. Ularni ilon-chayonlar tinmay chaqib turadi. Chanqab suv so'rashsa zaharli daraxtning suvi ichiriladi. Doim shunaqa azoblar ostida qiyonalaverishadi.

Ana shu qiyomat kuniga, o'lgandan keyin tirilishga, oxirat dunyosida odamlarning yaxshi va yomon ishlariga, savob va gunohlariga qarab jannat yoki do'zaxga tushishiga ishonish musulmonlar bilishi va amal qilishi zarur bo'lган икки muhim vazifadir.

Endi uchinchi «taqdir» degan narsani tushuntirib beray. Taqdir («qadar» ham deyishadi) – dunyodagi hamma yaxshiyu yomon voqeа-hodisalar Allohnинг buyrug'i bilan, Uning xohishiga ko'ra bo'ladi degani. Masalan, bizning tug'ilishimizdan to o'lishimizgacha, hayotda qanday yashashimizdan to qanday kasal bo'lishimizgacha, daraxtning meva tugishidan tortib daryoning to toshib ketishigacha, qushlarning uchishidan yer qimirlashigacha – hammasi Alloh oldindan belgilab qo'yanidek bo'ladi. Inson nimani xohlasa, Alloh uni qilishga ijozat beradi. Biror ishni bajaradigan bo'lsak, Allohnинг o'ziga tavakkal qilamiz. Alloh hammasini oldindan belgilab qo'yan ekan-ku, deb barsha ishlarni o'z holiga tashlab qo'yish yoki gunoh ishlarni qilish musulmon odamga to'g'ri kelmaydi. Demak, oxirat dunyosiga, o'lgandan keyin qayta tirilishga, hamma yaxshi-yomon ishlarni Allohnинг taqdiriga bog'liq ekanligiga ishonishimiz kerak. Shunda haqiqiy musulmon bo'lamiz. Bu gaplar xiyla murakkabroq. Agar biror narsani tushunolmay qolgan bo'lsangiz, kattalardan so'rab, aniqlab oling, bo'ptimi?

ИСЛОМ КОНФЕРЕНСИЯСИ ТАШКИЛОТИ

Ислом Конференсияси Ташкилоти (ИКТ) – ҳукуматлараро ҳалқаро Ислом ташкилоти ҳисобланади. Унга 1969 йили Ислом мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Работ (Марокаш) шахрида бўлган биринчи учрашувида асос солинган. Ислом мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг 1972 йили Жидда (Саудия Арабистони) шахридаги учинчи анжуманида таҳсис этилган ва Низоми қабул қилинган. Ҳозирги пайтда ИКТ 57 та мусулмон мамлакатни, шу жумладан Фаластинни бирлаштирган. Ўзбекистон Республикаси ҳам 1996 йилдан ИКТга аъзо. Ташкилот 1975 йилдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида кузатувчи мақомига эга. ИКТнинг раъбарий органлари – ҳар уч йилда бир марта чақириладиган давлат ва ҳукумат бошлиқлари конференсияси, ҳар йили ёки зарур ҳолларда фавқулодда чақириладиган ташқи ишлар вазирлари конференсияси ҳамда Бosh котиб раъбарлигига фаолият олиб борадиган Котибиятдир. ИКТнинг фаолияти мусулмон мамлакатларига иқтисодий ва ижтимоий тараққиётда, илмий-техникавий ишларда ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Ташкилот котибияти таркибида ижтимоий-иқтисодий, фан-техника, ҳалқаро муносабатлар, ахборот, инсон ҳуқуқлари ва бошқа бўлимлар ишлаб турибди. Шунингдек, у Ислом динини тарғиб қилиш, масжидлар қуриш, мактаб ва шифохоналарга ёрдам кўрсатиш каби хайрия ишлари билан ҳам шуғулланади. Унинг қошида таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилот АЙСЕСКО ҳам фаолият олиб боради.

ISESCO (АЙСЕСКО) ТАШКИЛОТИ

ISESCO атамаси инглизча Islamic Scientific educational and cultural organization бирикмасининг бош ҳарфларидан ясалган бўлиб, таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислом ташкилоти маъносини билдиради. АЙСЕСКО жаҳонда катта нуфузга эга бўлган Ислом Конференсияси Ташкилотининг ана шу соҳаларга ихтисослашган шўъбасидир. У 1979 йил май ойида Ислом Конференсияси Ташкилоти томонидан ташкил этилган. АЙСЕСКО қароргоҳи Марокашнинг Работ шахрида. Абдулазиз Тувайжирий 1991 йилдан буён унинг Бosh директоридир. Ислом Конференсияси Ташкилотига аъзо 57 мамлакатдан 50 таси АЙСЕСКО ҳам аъзосидир.

Ташкилотнинг олий органи Бosh Конференсия, у одатда ҳар уч йилда бир марта чақирилади. Ижро кенгashi эса аъзо мамлакатлардан биттадан танлаб олинган вакиллардан тузилади ва таълим, фан ва маданият соҳасида фаолият юритади. Бosh Бошқарувни Ижро кенгashi таклиф этган ва Бosh Конференсия сайлаган Бosh директор бошқаради. Бosh директор маъмурий тизимнинг асосий раҳбари саналади, у Бosh Конференсия ва Ижро кенгashига ҳисбот беради.

Ташкилотнинг таълим соҳаси Ислом таълими, араб тили ва мусулмон мамлакатлари тили, мусулмон ўлкаларда саводхонлик ва таълим, тадқиқотлар ва таълим технологиясини режалаш каби масалаларни қамраган. Фан соҳаси эса фан, техника, янги технология, илмий ва технологик таълим, экология ва табиий ресурслар, ижтимоий фанлар, илмий тадқиқотларга кўмаклашув каби ишлар билан шуғулланади. Маданият соҳаси эса Ислом маданияти ва мероси, аъзо мамлакатлар тамаддуни каби ишларга мутасаддилик қилади. Бундан ташқари, ташкилотда ақлий мулк ва муаллифлик ҳуқуқи, аёллар ва болалар, ахборот ва алоқа бўлимлари ҳам бор.

АЙСЕСКО ташкилоти 2007 йили мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрини Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди.



Дилафрӯз САЛОҲИДДИН қизи тайёрлади

НЕГА? КИМГА? ҚАЧОН?

ИСЛОМ ДИНИ НЕГА ЖОРИЙ ҚИЛИНГАН? ЧУНКИ:

1. Ислом дини пайғамбарлар динидир, Аллоҳ таоло бутун инсониятнинг дини Ислом бўлишини ирова этди.
2. Ислом Одамдан (алайҳиссалом) тортиб Муҳаммадгача (соллаллоҳу алайҳи вассаллам) бўлган барча пайғамбарлар динидир.
3. Ислом самовий динларнинг охиргисидир.
4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам Аллоҳ элчиларининг охиргисидирлар.
5. Исломнинг асоси бўлмиш Қуръони карим нозил этилган китобларнинг охиргисидир.
6. Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳнинг (ҳақ) динидан ўзга динни хоҳлайдиларми? Ахир, хоҳласаю хоҳламаса осмонлару Ердаги барча жонзотлар Аллоҳга бўйинсуниб турибди-ку!!! Ҳамда Унинг ҳузурига қайтарилишади-ку!!!» (Оли-Имрон, 83).

ИСЛОМ ТАЪЛИМОТЛАРИ КИМГА ҚАРАТИЛГАН?

7. Аллоҳ таоло ҳаёт ва ақл ато этган ҳар бир кишига;
8. Аллоҳ таоло неъматларини кўзи билан кўриб турган ҳар бир кишига;
9. Аллоҳ таоло қаломини қулоғи билан эшитиб турган ҳар бир кишига;
10. Аллоҳ таоло ваҳийларини ақли билан англаб турган ҳар бир кишига;
11. Қалбида муҳаббат, шукр ва англаш ҳисси бўлган ҳар бир кишига;
12. Сенга, менга ва Аллоҳ таоло қалбини иймон учун очиб қўйган ҳар бир кишига.
13. Аллоҳ таоло айтади: «Осмонлар ва Ернинг яратилишида, кеча ва кундуз алмашинувида, денгизда одамларга керакли нарсалар билан сузаётган кемаларда, Аллоҳ осмондан туширган сув билан ўлик ерни тирилтирганида ва унда турли жониворларни тарқатганида, осмон ва замин оралиғидаги ҳавонинг ўзгаришию булутлар итоатида ақлли одамлар учун ишоратлар бор» (Бақара, 164).

ҚАЧОНДАН КИРИШИШ КЕРАК?

14. Ҳозир...Эртага эмас, айнан шу бугун.
15. Иймон чақириғига бўйсун!
16. Бу ҳаётдаги асл ва ягона имкониятинг!
17. Балки қалбингга бошқа эшик қоқмайдиган олтин имкониятдир!
18. Аллоҳ таоло амрига қулоқ сол, У сенга мурожаат қилаёттир: «Ҳар бир умматга, уларга чорва ҳайвонларини ризқ қилиб берган Аллоҳ номини зикр қилишлари учун қўрбонлик қилишни жорий этганимиз. Бас, илоҳингиз ягона илоҳдир, Үнгагина бўйсунингиз! (Эй Муҳаммад), итоатли ва тавозеълиларга хушхабар беринг» (Ҳаж, 34).